

Андалус фатҳи

< Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي >



Абу Абдуллоҳ Шоший



فتح الأندلس

< Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي >



أبو عبد الله الشاشي



Муқаддима



Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Барча мақтовлар Оллоҳга хосдир. Унга ҳамду сано ва истиффорлар айтамиз, Ундан ёрдам сўраймиз, нафсларимиз ҳамда ёмон амалларимиздан паноҳ тилаймиз. Оллоҳ ҳидоят қилган кишини адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен шериксиз, ягона Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад Унинг бандаси ва элчисидир, деб гувоҳлик бераман.

«Эй мўминлар, Оллоҳдан ҳақ-рост кўрқиш билан кўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!»¹

«Эй инсонлар, сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтини (Ҳаввони) вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Раббингиздан кўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Оллоҳдан кўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билан ажралиб кетишдан сақланингиз)! Албатта Оллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир»²

«Эй мўминлар, Оллоҳдан кўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Оллоҳ) ишларингизни ислоҳ қилади ва

¹ Оли Имрон: 102.

² Нисо: 1.

гуноҳларингизни кечиради. Ким Оллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улўф бахтга эришибди».¹

Тарих ҳақида қўлга қалам олишимиз боиси

Андалус тарихи Ислом тарихининг энг муҳим босқичларидан бири саналади. Бу ўринда нима учун тарих ҳақида сўз юритишимиз керак?, деган савол туғилиши табиий. Баъзи инсонлар мусулмонларнинг тарих ҳақида кўп баҳс қилишларини маломат қиладилар. Ўтган ишга саловот, ўтгани ўтиб кетди, биз бугунги кун ва келажак учун яшашимиз керак, дейдилар. Ваҳоланки, Оллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг каломи — Қуръони Каримнинг учдан бир қисми аввалги умматлар қиссаларидан иборат. Бундан ўрнак олган ҳолда биз ҳам тарбиявий йўлларининг учдан бирини қиссалар асосида олиб боришимиз мақсадга мувофиқ бўлади, деб биламан. Зеро бу услўб, тенгсиз Раббоний услўбдир.

Нима учун Қуръоннинг учдан бири қиссалардан иборат? Оллоҳ таолонинг халқларга таълим бериш, уларни тарбия қилиш ва тўғри йўлга бошлаш услўби нима?

Оллоҳ азда ва жалла ўз китобида солиҳлар ва толиҳлар ², пайғамбарлар ва уларга яхшилик билан эргашганлар қиссасини, Оллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг

¹ Аъзоб: 70 – 71.

² "Толиҳ" калимаси арабча сўз бўлиб, "ёмон", "ярамас", деган маъноларни билдиради. "ан-Наъийм" (500-бет). Кўп ўринларда солиҳ сўзи билан ёнма-ён, унга тескари маънода келгани учун бу калимани асл олоатда келтириб ўтдик.

кўрсатмасидан чиққанларнинг қиссаларини баён қилди ва шу тарзда Қуръони Карим бизга киши аввалгиларнинг қиссаларини ўрганиш кераклигини кўрсатди.

«Улар тафаккур қилсинлар учун бу қиссаларни сўйланг»¹

«Даржақат, уларнинг қиссаларида ақл эгалари учун ибрат бордир»².

Демак, Қуръонда келган қиссаларни ёки Ислом тарихи ёки бошқа миллатлар тарихини умумий суратда айтиб берилганда, улардан хулоса, дарс, ибрат ва маслаҳат олишимиз лозим бўлади.

Оллоҳ таоло бу борлиқда, коинотда Ўзининг ўзгармас суннат-қонунларини жорий қилди. Шу қонунларга кўра сув музлайди, ўт кўйдиради, тун қоронғу, кундузи эса ёруғ, сув ва қуёш ҳаёт манбаи, ва.. ва.. ва ҳоказо. Булар Оллоҳ таолонинг Ер юзида халқлари устида жорий қилган ўзгармас қонунларидир.

Шунингдек, одамларнинг бир ҳолатдан бошқасига — кучсиз ҳолатдан қувватли, қувватлидан заиф ҳолатга ўтиши ҳам ўзгармас қонунлардан ҳисобланади. Оллоҳ таоло инсонлар муайян бир йўлдан юрса, маълум бир натижа билан яқун топишини белгилаб, ўзгармас қонун қилди ва буни бандаларига билдириб ҳам қўйди. Тарихни ўқиб, тарих саҳифаларини варақлар эканмиз, Оллоҳ таолонинг халқларнинг қилмишларига яраша белгилаб қўйган

¹ Аъроф: 176.

² Юсуф: 111.

Қонунларини қандай жорий бўлгани ва умматлар ҳолатининг қай тарзда ўзгарганига гувоҳ бўламиз. Тарихнинг такрорланиши кишини ҳайратда қолдиради. Юз йилларча муқаддам рўй берган воқеаларни ўқисангиз, уларнинг бугунги кунда номлари, жойлари ва тафсилотлари ўзгарсада воқеанинг ўзаги айнан такрор бўлаётганини кўрасиз. Тарих сатрларида, гўё келажак ёзилгандай.

«Оллоҳнинг суннатига ҳаргиз бадал топа олмассан. Оллоҳнинг суннатига ҳаргиз ўзгартириш топа олмассан»¹.

Андалус тарихи бунга ёрқин мисолдир. Андалус тарихини зикр қилар эканмиз, инсонлар қалбини жўштириш, ҳиссиётларини уйғотиш ёки фақат ўтмишни эслаб кўзёш тўкишни мақсад қилмадик. Мақсадимиз инсонларни тафаккурга чақириш, қиссадан ҳисса олиш ва ўтмиш хатоларга қайта йўл қўйиб эмас, уларнинг ютуқларидан фойдаланишдир.

«Андалус фатҳи» сарлавҳаси остида битилган бу сатрларда тарихимиз ҳамда ўзлигимизни ўрганиш, илмий жинойат ва сохта тарихлар исканжасидан келажак авлодимизни қутқаришга ҳисса қўшишни ўзимизга вазифа деб билдик.

Нима сабабдан Андалус тарихи?

Ислом тарихини ўрганишга киришган киши Андалус тарихига тўхталмай иложи йўқ.

¹ Фотир: 43.

Биринчидан: Андалус тарихи Ҳижрий 92–897 йиллар¹ ораси, қарийб 800 йилда бўлиб ўтган Ҳодисаларни ўз ичига олади. Аммо ажабланарлиси, аксарият муслмонлар шундай катта давр тарихини — салкам Ислом тарихининг учдан иккиси бўлиб гавдаланган даврни яхши билмайдилар.

Иккинчидан: Андалус тарихи тарих босқичларининг катта қисмини ўз ичига олганидан, унда Оллоҳ таолонинг коинотдаги барпо қилган қонунлари яққол намоён бўлган. Бу даврда бир қанча давлатлар барпо бўлиб, сўнгра яқунланган. Бир қанча давлатлар кучайиб, ҳатто атрофидаги ўлкаларни фатҳ қилган; яна бир қанчаси ишғол бўлиб, мағлуб давлатлар сафидан жой олгандир.

Андалус тарихи бизга довурак Қаҳрамону Қўрқоқ номардни, ҳудожўй тақводору фожир нобакорни, дини ва ватанига садоқатли ҳамда хоин инсонларни танишда яхши ўрнаклар беради.

Андалус тарихида муслмон киши билиши зарур бўлган муҳим ҳодисалар бўлиб ўтган, жумладан:

- Барбате водийси жанги, бу жанг Ислом тарихидаги энг муҳим жанглари сирасидан бўлиб, унда Андалус фатҳ қилинган ва бу жанг «Ярмук» ва «Қодисия» жанглари каби катта аҳамият касб қилади. Лекин шунга қарамай, кўпчилик муслмонлар ҳатто Барбате водийси ҳақидаги маълумотга ҳам эга эмаслар;

¹ Милодий 711–1492 - йиллар ораси.

- Ториқ ибн Зиёд даврида кемалар ёндирилиши қиссаси;
- Тарихшунослар айтган: «Агар Абдурраҳмон Дохил бўлмаганда, Андалусда Исломдан асар ҳам қолмаган бўларди», деган киши ўзи ким бўлган?
- Ўрта асрларда Европа подшоҳларининг мутлақ буюги бўлган Абдурраҳмон Носир ҳаёти тафсилотлари;
- Заллақо ¹ жангини олиб борган раббоний саркарда Юсуф ибн Ташфин;
- Африканинг ўн бешдан ортиқ давлатларига Исломни олиб кирган баҳодир Абу Бакр Умар Ламтуний;
- Ал-Арок жангини олиб борган, салибийлар устидан беназир Ғалаба қозонган Абу Юсуф Ёқуб Мансур;
- Муробитлар давлати;
- Муваҳҳидлар давлати;
- Ўз замонасида энг катта масжид бўлиб, ҳозирги кунимизгача черков ҳолатида давом этиб келаётган Қуртуба масжиди қандай бунёд бўлгани;
- Ишбилия масжиди;
- Қуртуба университети;
- Умавийлар кутубхонаси;
- Андалусдаги ҳозирги кунимизгача бутун оламдаги сайёҳ-туристларни ўзига жалб қилиб келаётган Заҳро Қасри;

¹ Рус. Заллаке.

- Заҳро шаҳри;
- Зоҳира шаҳри;
- Ҳамро қасри ва бутун Европа ҳавас билан боққан бу тараққиёт...

Наҳотки, бу Қадар буюк тараққиёт ва юксак маданият билан танилган бир давлат ёки саккиз асрлик бир тарих, биз “тарих”, дея ўқиган китобларимиз орасидан жой топмаса?!

Мусулмонлар ҳар томонлама устун бўлатуриб, мудҳиш мағлубиятга учраган “ал-Иқоб” жангини эшитганмизми? Ўшанда гўё мусулмонларга Ҳунайн куни қайта келгандай эди. Жангда 80 мингдан зиёд мусулмон ҳалок бўлганди. Тарихшунослар айтадики: «ал-Иқоб жангидан сўнгра, Андалус ва Мағрибда урушга лаёқатли мард кўзга кўринмай қолди».

Андалус қандай қилиб қўлдан бой берилди? Унинг бой берилиши сабаблари нима эди? Андалус қўлдан кетгандан сўнг, Қустантиния ¹ да Ислом нури қандай порлади? Фарбда Андалус бой берилиши билан сўнган нур, шарқда Византия фатҳи билан юксалиши қандай юз берди?

Бир куннинг ўзида 60 минг мусулмоннинг жонига зомин бўлган Валенсия фожиасида нима бўлганди? Уббаза фожиасини эшитганмисиз? Унда ҳам бир кунда 60 минг мусулмон ўлдирилган эди. Яна бир кунда 40 минг мусулмон қатл қилинган, 7 минг бокира қизлар асир олинган Барбаштру фожиаси ҳақида нималарни биласиз? Сўнгра мусулмон аждодларимиз бу каби улкан мусибатлардан

¹ Константинополь ʘозирги Истанбул.

қандай чиқдилар? Агар биз буларни ўрганиб, тўғри хулоса чиқариб, ҳаётга татбиқ қилсак, ҳозирда елкаларимиздаги бамисоли тоғдек юк бўлган муаммо ва фожиалардан, хорлигу хўрликдан осонроқ халос бўлармидик.

Андалус тарихи аччиқ ҳақиқатни ўз ичига олган ачинарли қиссадир. Ҳақиқатан, Андалус тарихи ибратларга, илм-маърифат ва маълумотларга бойдир...

805 йилга чўзилган тарихни ўқиб чиқишнинг ўзи узун замон талаб қилади. Шу сабаб қиссадаги баъзи ҳодисаларни мухтасар келтиришга ва китобхонга узун қиссанинг лўнда маъзини тақдим қилишга ҳаракат қилинди.

Андалус тарихи барча мусулмонлар такрор ва такрор ўқишига, ўрганишига арзигулик воқеий қиссадир.

Ушбу китобда имкон қадар тарихий ривоятлар орасида келган қарама-қаршиликларнинг асослиларини келтиришга ҳаракат қилдик. Камол ёлғиз Оллоҳга хос экан, биздан содир бўлган хатоларни тўғрилаб, бизга етказганларга ўз миннаддорчилигимизни изҳор қиламиз. Агар ҳақиқатни баён қилиш бизга насиб қилган бўлса, бу Оллоҳнинг тавфиқидан, бунинг учун Унга ҳамдлар айтамыз. Бу амалимизни ёлғиз Оллоҳнинг карамли Юзи учун холис бўлишини сўраб, бу қиссадаги ҳар бир ҳарф ва калималарига Оллоҳ таолодан ажру савоб умид қилиб қоламиз...

Қисқача Андалус ҳақида



Жўғрофик ўрни

Бугунги кунда Андалус деганда икки давлат: Испания ва Португалия, ёки Иберия ярим ороли¹ назарда тутилади. Ер майдони 600 минг км² тенг. Андалус ярим ороли² билан Мағриб орасини Жабал Ториқ бўғози³ ажратиб туради. Бу бўғознинг шарқдан Ғарбга томон кенглиги 13 – 37 км бўлиб⁴, Сеута билан Жабал Ториқ ораси, яъни бўғознинг энг тор қисми 12,7 км.ни ташкил қилади⁵.

Иберия ярим ороли Европанинг жануби-Ғарбида жойлашган бўлиб, шарққа томон торайиб, Ғарбга томон кенгайиб борган ва шимол тарафидан Францияга Пиреней тоғ тизмаси орқали туташган минтақадир. Францияга туташган тарафини Ҳисобга олмаганда бошқа ҳамма

¹ Испаниянинг қадимги номи (мил. ав. 3-а. охири — 2-а. ларда римликлар томонидан босиб олинганга қадар). Пиреней я. о. нинг жан. ва шарқий қисмида яшовчи туб жой аҳоли иберлар қабиласи номидан олинган. Иберия атамаси дастлаб юнон тарихчи алиби Гекатей Милетлик (мил. ав. 6-а.) асарида учрайди. "Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси" ("И" қарфи бўлми).

² ЯРИМ ОРОЛ — уч томони сув билан ўралган ва фақат бир томондан материк ёки оролга туташган қуруқлик ер. "Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси" ("Я" қарфи бўлми).

³ Қозирги номи Гибралтар — Жабал Ториқни талаффузда бузилган шакли бўлиб, араб тарих китобларида тарихшунослар бу жойни "дарбуз-зуқо", қам деб номлашган.

⁴ Абдураҳмон Али ал-қажжий "Ал-истибсор фи ажаиб ал-амсор" (138 - бет) китобидан наъл қилган, "Тарихул андалус минал-фатҳил ислабий қатта суўти қорнато" (36 - бет).

⁵ Шайх Роқиб Сиржоний "Қиссатул-Андалус" (13 - бет).

томондан сув билан ўралгандир. Бу минтақа шарқ ва жануби-шарқ томонидан Ўрта денгизи, шимол ва шимоли-Фарбий томонидан Атлантика океанининг Бискай кўрфази, Фарб томонидан Атлантика океани билан чегараланади.¹

«Андалус» деб номланиш сабаби

Бу минтақани Андалус деб номланишига сабаб, бу минтақаларга Скандинавиянинг шимоли, Швеция, Дания, Норвегия ва бошқа ёндош мамлакатлардан ёввойи қабилалар бостириб келиб, маълум вақт ўша жойларда яшаб қолганлар. Бу қабилаларнинг Олмониядан келганлиги ҳам зикр қилинади. Бу қабилалар ал-фандал ёки ал-вандал² қабилалари деб номланган. Вандаллар Иберия ярим оролини босиб олиб, у ерга милодий 3 – 5 асрлар мобайнида эгаллик қилдилар.³ Шу қабилаларга нисбатан бу минтақалар Вандалисия, деб номланган. Вақт ўтиб, араблар Вандалисияни Андалусия ва Андалус, деб талаффуз қилиб кетганлар.⁴

Вандал қабилалари ўта ваҳшийлиги билан танилган. Инглиз ва рус тилида «Vandalism» калимаси ваҳший, ёввойи, маданиятсиз, жаҳолат, ибтидоий деган маъноларни билдиради. Вандал қабилалари Андалус ярим оролида

¹ Ал-Ўажжий "Тарихул андалус" (35, 36 - бет), Сиржоний "Ўиссатул-Андалус" (13 - бет).

² Vandals.

³ Ўусайн Муънис "Фаржул Андалус" (2 - бет), Муъаммад Абдуллоъ Анан "Давлатул ислам фил Андалус" (1/ 27 - 29).

⁴ Ал-Ўажжий "Тарихул андалус" (37 - бет), Сиржоний "Ўиссатул-Андалус" (15 - бет).

маълум замон яшадилар, сўнгра милодий 5-аср бошларида тарихда Гот¹ қабилалари ёки Ғарблик Вестгот (Везигот)² номи билан танилган немис қабилаларига мансуб насроний тоифалар эгаллай бошлади. Улар мусулмонлар Андалусга кириб келгунча ўша минтақаларда яшаб келдилар.

Андалус фатҳигача Европанинг аҳволи

Мусулмонлар келмасларидан олдин Андалус ва Европада маданий, маиший ва маънавий аҳвол қандай эди? Мусулмонлар келганидан сўнг у қайси томонга ўзгарди?

Ислом келишидан олдин бутун Европа кенг тарқалган жаҳолат, қабоҳат ботқоғига ботган бўлиб, ҳоким маҳкумга очиқ зулм қилар, барча мулк ва яхши нарсалар ҳокимлар қўлида, халқ эса ўта оғир ҳолатни бошидан кечиран эди. Омма халқ ўта қашшоқ, ночор, кунини базўр ўтказар ва масканга зор айни дамда бошлиқлар, зодагонлар қаср, қалъа ва қўрғонлар қуришга муккасидан кетган эдилар. Ҳатто фақирлар ер-жойларига қўшиб, арзимас мато каби сотилар ва сотиб олинарди. Ҳурмат-иззат оёқ ости, ахлоқ нормалари энг тубан даражада, ҳатто оддий ҳаёт тарзиданда узоқ, поклик ҳақида гап-сўзга ўрин ҳам йўқ эди. Мисол тариқасида шахсий гигиенани олсак, уларнинг сочлар тўзиб, юзларига тушиб ётсада уни тўғрилаб олишни билмасдилар. Улар йилда бир ёки икки мартагина ювинар, кийим кийсалар кирлигидан идраб, йиртилиб кетмагунча

¹ Goths.

² Vizigoths.

ечмасдилар, улар баданларидаги кирларни жисмнинг саломатлиги ва барака, деб эътиқод қилардилар!¹

Бу ҳолат изоҳини европалик муаррих Гюстав Лебоннинг сўзларида ҳам кўрамиз, унинг бу ҳақдаги сўзларини баъзи тарихчилар ўз китобларида шундай келтирадилар: «Ўша вақтлар бутун Европа жаҳолат ва бадхулқлик ботқоғига фарқ бўлган ҳолатда эди»².

Мусулмонлар Скандинавияга кириб борганларида, у минтақада ёзиш у ёқда турсин, сўзлашиш ўрнига ишора билан гаплашувчи халқлар ҳам борлигига гувоҳ бўлдилар.

Бу ўлкаларда ҳиндуизм ва оташпарастлик сарқитлари бор бўлиб, унга кўра инсонлар ўликларни ёқишар, ўлган кишига қўшиб, тирик бўлсада унинг хотинини ёки жориясини ёки яхши кўрган одамини ҳам ёқишар ва бунга одамлар гувоҳ бўлиб турардилар.

Бир сўз билан айтганда, бу юртда ўрмон қонуни ҳукм сурарди, жаҳолат кенг тус олган, зулм авжига чиққан, фақирлик одамларни ҳолдан тойдирган, ҳатто маданият ва тараққиётнинг бирор кўриниши ҳам йўқ эди³.

Европа халқлари узун замонлар ибтидоий ёввойилиқда, илм ва маърифатдан беҳабар яшадилар,

¹ Абу Убайд ал-Бақрий "Ал-масалик вал-мамалик" (81 - бет).

² The Moors in Spain, 130. Ал-Ўажжий "ал-арабу фи исбания" (116 - бет) китобидан наъл вилган, "Тарихул андалус" (23 - бет).

³ Ал-Бақрий "Ал-масалик вал-мамалик" (186, 187 - бет).

милодий 11 – 12 асрларга келибгина илм ва маърифат учқунлари кўрина бошлади.¹

Мусулмонлар Андалусга келишларидан бир йил ёки бир йилдан сал олдинроқ подшоҳ Витицанинг ўлиmidан сўнг, Ҳукуматга Родерик² исмли саркарда бошлиқ бўлди.³ Милодий 6 аср бошларида Андалусда Ҳукмрон бўлган Готлар Европадаги герман Қабилалари орасида энг қувватлиси ўлароқ намоён бўларди.⁴

Нима учун Андалус?

Ҳижрий 92-сана, яъни милодий 711-саналарда шимолий Африкани, жумладан: Миср, Ливия, Тунис, Жазоир ва Мағрибни тўлиқ фатҳ қилиб бўлган мусулмонлар Андалус ерларини фатҳ қилишга бел боғладилар. Маълумингизки, Мағрибдан кейин бевосита Атлантика океани бошланади. Мусулмонлар Қаршисида икки йўл, шимолга — Жабал Ториқ бўғозидан ўтиб, Андалус минтақасига кириш ёки жанубга тушиб Саҳрои кабир⁵ га давом этиш йўли бор эди. Ўз олдиларига Ҳудудни кенгайтириш эмас, балки Оллоҳнинг динини ёйиш ва халқларга Исломни таълим беришга Ҳарис бўлган мусулмонлар мантиқан тўғри хулосага келган эдилар. Улкан Ҳудудли Саҳрои кабирнинг халқи оз эди. Шу сабабли,

¹ Сиржоний, Гюстав Лебон "Ўазоротул-араб" (567 - бет) китобидан наъл қилган, "Ўиссатул андалус" (17 - бет).

² Араб тилида Лузрий, рус тилида Родерих деб зикр қилинган.

³ Муаммад ибн Абдулмунъим Қимярий "Ровзул миътар" (193 - бет).

⁴ Ал-Қажжий "Урубба ал-усур ал-вусто" (1/88) китобидан наъл қилган, "Тарихул андалус" (31 - бет).

⁵ Рус. Сахара.

мусулмонлар МаҒрибни тўлиқ фатҳ қилганларидан сўнг Андалусга, Андалус фатҳидан унга ёндош Францияга, сўнгра Италия, Олмония ва бошқа Европа давлатларига йўналишлари, Ислонни ёйишлари мантиқли эди.

Саҳоба Муоз ибн Жабал разияллоҳу анҳу билан ўша замондаги энг кучли давлат, Рум давлати подшоҳи ўртасида Ярмук жангидан олдин диққатга сазовор суҳбат бўлиб ўтди. Рум подшоси Муоз ибн Жабалдан: «Бизнинг ўлкамизга юриш қилишингиз боиси нима, Ҳабаш ўлкаси сизларга қулай эмасми?», дея савол берди. Шунда Муоз ибн Жабал разияллоҳу анҳу: «Раббимиз Карим Китобида: **«Эй мўминлар, ёнларингиздаги кофирларга қарши жанг қилинглари ва улар сизлардаги куч-қувватни кўрсинлар!»**¹ деган, сиз эса ёнимиздаги давлатсиз. Рум давлатини фатҳ қилгандан сўнг, Ҳабашистон ва бошқа давлатларни фатҳ қиламиз», деди.

Халифа Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу даврида (милодий 635 йил) мусулмонлар элчиси Рибъий ибн Омир разияллоҳу анҳу билан Форс қўмондонини Рустам ўртасида бўлиб ўтган суҳбат қуйидагича бўлганди. Ўшанда Рустам: «Дунёга чиқиш ҳуқуқини сизларга ким берди?», деган маънода савол берганида, Рибъий: «Оллоҳ таъоло бизни, халқлардан Ўзи хоҳлаганини ўзлари каби одамхудоларга ибодат қилиш (хорлиги)дан қутқариб, ягона Оллоҳ ибодатига чақириш учун, дунё танглигидан (охират) кенглигига, тажовузкор динлардан адолатли дин сари чиқариш учун юборди. Оллоҳ бизни халқларини Унинг

¹ Тавба: 123.

динига даъват қилишимиз учун юборди. Ким бунга ижобат қилса, биз уни тек қўйиб, ортимизга қайтамиз. Ким бош тортса, Оллоҳнинг ваъдасига эришгунча унга жанг қилаверамиз», деб жавоб берди. Рустам: «Оллоҳнинг ваъдаси нима?», деб сўради. Саҳобий жалил: «Динни қабул қилишдан бош тортганга қарши жангда ўлганга жаннат, тирик қолганга зафар», дея жавоб берди.¹

Мусулмонлар Мағрибни фатҳ қилдилар, унинг ёнидаги давлат эса, Андалус эди. Демак, уларнинг навбатдаги қадами Андалусдир...

¹ Табарий "Тарихул умам вал мулук" (2/401), Ибнүл Асир "Ал-камил фит-тарих" (2/311).

Бани Умайя тарихига чизгилар



Андалус 711 (92 ҳижрий) санада Умавийлар хилофати даврида фатҳ бўлди. Ўша пайтлар Умавийларга Валид ибн Абдулмалик раҳимаҳуллоҳ (86–96 ҳ.с/705–715 м.с) халифа эди. Ислом тарихида Умавийлар давлатига кўп таъна тошлари отилди, улар қоралаб кўрсатилиб, уларнинг устига кўплаб бўҳтон ва ёлғонлар ёғдирилди. Баъзи одамлар, хоссатан ислом душманлари Ислом тарихини қоралаб кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Ҳатто баъзилар Абу Бакр ва Умар разияллоҳу анҳумо хилофатини ҳам инкор қилдилар.

Агар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларига энг яқин бўлган Уммавийлар, ундан сўнгра Аббосийлар хилофати даврларида Ислом ҳукми қоим қилинмаган бўлса, улардан кейингиларни умуман гапирмаса ҳам бўлаверади. Бу даъвогарлар фақатгина **«Оллоҳнинг нурини оғизлари (яъни гап) билан ўчирмоқчи бўладилар. Оллоҳ эса, гарчи улар хоҳламаслар-да, фақат Ўз нурини тўла-тўқис ёйишни истайди»¹**.

Ҳақиқатда эса, Умавийлар давлати замонида мусулмонлар катта муваффақиятлар қозонди ва кўп ёруф кунларга гувоҳ бўлдилар. Кўплаб инсонлар ҳамда давлатлар бани Умайя замонида Исломга кирди. Бутун Шимолий Африка — Ливиядан бошлаб, Мағриб ² нинг энг чекка қисмларигача, Афғонистон ва Россиянинг жанубий

¹ Тавба: 32

² Рус. Марокко.

жумҳуриятлари шулар жумласидандир. Булар Умавийлар давлатига бўҳтон, ёлғон ва таъна тошларини отувчиларга етарли раддиядир.

Умавийлар давлати мамлакатларни бир вақтнинг ўзида ҳамма тарафдан фатҳ қилиб, Исломни оламга таратдилар. Жумладан, Ғарбда Андалус ўлкаси – бу биз қўлга қалам олган мавзудир –, Муҳаммад ибн Қосим Сақофий қўли билан Синд диёри¹, Қутайба ибн Муслим Боҳилий қўли билан Мовароуннаҳр ўлкалари то Хитойгача, шимолда Маслама ибн Абдулмалик Марвоний қўли билан Қўқоз минтақаси² фатҳ қилинди. Бани Умайя қўли билан фатҳ қилинган ўлкалардан бутун оламни Ислом нурига етакловчи забарбаст олимлар етишиб чиқди, жумладан, Бухорий, Муслим, Термизий, Насоий, Табарий, Ибн Холдун, Заҳабий, Фаробий, Киндий, Беруний ва бошқалар...

Умавийлар хато ва айблардан холи бўлган, демоқчи эмасмиз, зотан, одамзот хатокордир. Бани Умайя тарихида кўп хатолар содир бўлди, лекин бу хатолар уларнинг ҳасанот ва яхшиликлари денгизида ювилиб кетишида шубҳа йўқ, иншаоллоҳ.

Умавийлар давлати 660–750 (40–132 ҳижрий) саналар мобайнида, 92 йил салтанатда ҳукм сурди. Умавийлар давлати асосчиси буюк саҳоба Муовия ибн Абу Суфён разияллоҳу анҳумодир. Кўпчилик у киши ҳақида, унинг хилофати ҳақида бадгумон бўлиш билан бирга уни

¹ Ҳозирги Покистон минтақаси.

² Касбий денгизи ва Ҳора денгизи орасидаги тоғли ҳудудлардир. Ҳозирги кундаги Чеченистон, Доғистон ва Кафказ орти ўлкаларидир.

Қоралашдан Ҳам тилини тиймайди. Лекин Муовия ибн Абу Суфён разияллоҳу анҳумонинг Ислому ва мусулмонлар учун қилган улкан ишларини эътибордан қочирадилар!

Умавийлар тарихини батафсил зикр қилиш ўрни бўлмагани сабаб, бу ўринда мавзуимиз учун фойдадан холи бўлмаган ва мавзуимизга муқаддима тарзида Умавийлар тарихидан баъзи маълумотларни китобхонга ҳавола қилиб ўтишни лозим топдик. Муовия ибн Абу Суфён разияллоҳу анҳумодан кейин Умавийлар хилофати давом этди, Умавий халифаларидан машҳурлари Абдулмалик ибн Марвон раҳимаҳуллоҳ, унинг ортидан ўғиллари: Валид, Сулаймон, Язид ва Ҳишом ҳокимият тепасига келди, улардан кейин салтанат тепасига келган ва кўпчилик олимлар бешинчи халифаи рошид деб эътибор қилган, оламни адолат, омонат, раҳмат ва тўкин-сочинликка тўлғазган халифа Умар ибн Абдулазиз раҳимаҳуллоҳ эди. У Ҳам бани Умайядан эди.

Андалус ва унинг фатҳи бани Умайя ҳасанотларининг энг улуғларидан бўлиб, тарих саҳифаларига ўйиб битилди...

Андалус фатҳидан олдин...

Ислом Шимолий Африка ўлкаларига Андалус фатҳидан 70 йил олдин, яъни 644 (22 Ҳижрий) санада кириб борди. Ушбу минтақаларда улкан саноқдаги Амазийф ёки Барбар¹ деб аталган қабилалар истиқомат қиларди. Бу қабилалар жисмонан бақувват ва ўта қайсар қавмлар бўлиб, Исломга киргандан сўнг, бир неча бор диндан қайтиб кетдилар. Улар билан муслмонлар ўртасида мунтазам урушлар бўлиб, охир-оқибат 704–705 (85–86 Ҳижрий) саналарда Мусо ибн Нусайр қўли билан бу минтақаларда Ислом барқарорлашди².

Мусо ибн Нусайр сийрати (19–97 ҳ.с./640–716 м.с.)³

Мусо ибн Нусайр раҳимаҳуллоҳ художўй, тақводор, моҳир саркарда эди. Оллоҳ таоло Шимолий Африка минтақаларида Исломни у билан барқарор қилди. У тобеинлардан бўлиб, Тамим ад-Дорий разияллоҳу анҳу каби баъзи саҳобалардан ривоят қилган⁴.

¹ Рус. Бербер. Араб тилида «барбар» калимаси «тушунарсиз товушлар мажмуаси»ни ифодалашда ишлатилади. Тоғир Амад Завий «Тарихул фатҳул арабий фи Ливия» (20-бет).

Шимолий Африка, Марказий ва Ҷарбий Суданнинг тўб аҳолиси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» (Барбарлар калимасига Ҷаранг).

² Сиржоний «Ҷиссатул-Андалус» (28-бет).

³ Аз-Зириклий «Ал-аълам» (7/330).

⁴ Ибн Халликан «Вафаятул аъйан» (5/318), Сиржоний «Ҷиссатул-Андалус» (28-бет).

Машҳур тарихчи Ибн Халликан уни шундай сифатлайди: «У оқил, саховатли, довюрак, художўй ва тақводор инсон эди. Унинг қўшини умуман енгилмади».¹

Мусо ибн Нусайрнинг отаси Нусайр ибн Абдурраҳмон ибн Язид довюрак киши бўлиб, Ярмук Ғазоти иштирокчисидир. 13 ёки 14 ёшлар чамасидаги Нусайр насроний канисаларидан бирида Инжил ва насронийликни ўрганиб юрарди, Холид ибн Валид разияллоҳу анҳу ва унинг сафдошлари унга Исломни етказдилар, Нусайр Исломни қабул қилди ва динга кўп хизмати сингди. Унинг ўғли Мусо ибн Нусайр Андалусни фатҳ қилди, бу фатҳда Нусайрнинг Исломига сабабчи бўлган Холид ибн Валид разияллоҳу анҳунинг ҳам улуши бор, албатта. Нусайр ибн Абдурраҳмон Умар ва Усмон разияллоҳу анҳумо хилофати замонида Шомга волий бўлган Муовия разияллоҳу анҳумонинг бош посбони мансабига чиқди ва Али разияллоҳу анҳу билан Муовия разияллоҳу анҳумо ўртасида юзага келган низога аралашмади.² Умавийлар давлатида Муовия ибн Абу Суфён разияллоҳу анҳумо лашкарининг сардори даражасига етди.

Мусо ибн Нусайрнинг онаси ҳам шижоатли аёл бўлганлиги ва эри билан Ярмук Ғазотида иштирок этганлиги тарих саҳифаларида зикр қилинади.³

Мана шу ота ва онадан Андалус фотиҳи Мусо ибн Нусайр дунёга келди. Мусо ибн Нусайрнинг отаси узун замон

¹ Ибн Халликан «Вафаятул аъйан» (5/319).

² Ибн Халликан «Вафаятул аъйан» (5/319).

³ Сиржоний Ибн Ҷажарнинг «Ал-исобату фи тамйизи ас-саъба» (8/314) китобидан наъл қилган, «Исбатул-Андалус» (29-бет).

армия сардори бўлгани учун Мусо халифа ва амирларнинг фарзандлари билан Ҳамоҳанг улғайди. Диний ва аскарӣй Ҳаётда тарбия топган Мусо улғайиб, Муовия разияллоҳу анҳу замонида денгиз қўшинига бош бўлиб, Қибрис оролига Ҳазот қилиб, у ерда қўрғонлар бунёд қилди.¹ Ҳажжож даврида Басрада хароҷ йиғиш мансабига кўтарилди,² сўнгра Мусо ибн Нусайр Валид ибн Абдулмалик замонида, 708 (89 Ҳижрий) йили Африка ва Мағрибга волий бўлди.³

Африка минтақасида Исломнинг қарор топишига сабаб бўлган шахс Мусо ибн Нусайрдир. Ҳолбуки, бу ўлкаларни Уқба ибн Нофиъ раҳимаҳуллоҳ фатҳ қилганди, бироқ улар Исломдан қайтиб кетгандилар.

Бу ўринда зикр қилиб ўтиш айна муддао бўлган масалани айтиб ўтмоқчиман, мусулмонлар Оллоҳнинг Ҳақ динини етказишга, халқларни зулм, истибдод ва бандаларга қул бўлиш зулмати ва жаҳолатидан оламларни яратган барҲақ Парвардигорга ибодат қилиш, адолат, тенг ҳуқуқлиликка тарғиб қилувчи нурни оламга ёйишга маъмур бўлдилар. Мусулмонлар ўз зиммаларидаги бурчларини адо этиш мақсадида бошқа халқларни Исломга даъват қилдилар, уларнинг устига лашкар тортишларидан олдин Ҳар доим учта шарт қўярдилар:

¹ Заъабий «Сияру аълам ан-нубала» (4/496).

² Аз-Зириклий «Ал-аълам» (7/330).

³ Ибн Халликан «Вафаятул аъйан» (5/319), Абдуллоҳ Анан «Давлатул ислам фил Андалус» (1/25).

Биринчи: Агар Исломни Қабул Қилсангиз, дунё ва охиратда саломат Қоласиз, мол-у жонингизни Ҳам Қутқарасиз.

Иккинчи: Агар Исломни Қабул Қилмасдан, муслмонларга Қарши чиқмаймиз ва уларнинг душманларига ёрдам бермаймиз Ҳамда жизя тўлаймиз десангиз, ўзингизнинг динингизда Қолиб, шу дунёдагина мол-у жонингизни сақлаб Қоласиз, охиратдаги Ҳолингиз Оллоҳга Ҳавола.

Учинчи: Агар юқоридаги иккита шартдан бирортасига унамасангиз, сизларга Қарши уруш эълон Қиламиз.

Ҳа, муслмонлар мол-дунё учун уруш қилмаганлар, уларнинг буюк мақсадлари бўлган эди, юқоридаги шартларга инсоф билан назар солган киши ундаги адолатни, албатта кўради. Бу ўринда жизя Ҳақида Ҳам умумий тушунча бериб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлса керак.

Жизя ҳақида

Жизя — муслмонларнинг аҳли китоблар (яхудий ва насронийлар), (аксар фуқаҳолар наздида) мажусийлар ва (баъзи фуқаҳолар наздида) мушриклардан уларни мудофаа қилишлари муқобилида оладиган тўловдир. Агар муслмонлар уларни Ҳимоя қила олмай қолсалар, олган жизяларини қайтариб берадилар.

Исломнинг раҳмат ва адолат дини эканини исботловчи далиллардан бири, жизянинг фақат маълум тоифа инсонларнинг зиммасигагина юкланишидир. Жизя

балоҒатга етган, соҒлом ва бой эркак кишилардан олинади. БалоҒатга етмаган, касал, ногирон, жанг қилмай ибодат қилиб ўтирган киши, камбаҒал ҳамда аёл кишилардан олинмайди. Аксинча, мусулмонлар ҳукмида бўлган насроний, яҳудий, мажусий ва мушриклар агар фақир бўлсалар, жизя бериш ўрнига мусулмонларнинг давлат бюджетидан (байтулмолдан) ҳақ оладилар!

Жизянинг миқдори эса, бир йилда бир марта зиммий (мусулмонлар ҳукмида бўлган кофир) киши бошига бир динордир. Агар зиммий Исломга кирса, ундан жизя соқит бўлади. Шунингдек, у мусулмонлар сафида жангда иштирок этса, бу учун ҳақ ҳам олади.

Жизя ҳокимлар ўз халқига мажбурий қилган ҳар қандай солиқдан (налог ва тўловлардан) оздир. Нафақат жизя, ҳатто бутун молидан йилда бир марта чиқарадиган 2,5% ни ташкил қилган закот ҳам уларнинг солиқларидан камдир. Ҳозирги кунда ўз халқига 2,5% гина солиқ солаётган бирорта давлат борми? Аксинча, одамлар ҳаммаси, бойу камбаҒали энг камида 10% ёки 20%, баъзан 50%–70% гача солиқ тўлашга мажбурдир. Закотни эса, фақат бадавлат кишиларгина беради. Жизя ва закот бу солиқлар олдида арзимас қийматга айланиб қолади! Лекин баъзилар инсонларни Исломдан буриш Ғаразида Исломни ва Ислом ҳукмларини қоралаб, ёмонлаб кўрсатишга уринади. Ҳақиқатда эса, озгина ақлини ишлатган одам Исломдан адолатлироқ бирорта йўл йўқлигига амин бўлади. Ҳатто Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам зиммийларга тоқатидан ортиқ нарсани таклиф қилманглар, дейиш билан

бирга шундай қилган кишини қаттиқ огоҳлантирдилар ҳам. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким муслмонлар тарафидан аҳд берилган (кофир)га зулм қилса, ёки уни камситса, ёхуд кучи етмаган нарсаларни қилишга мажбурласа, ёда уни норози қилиб бирон нарчасини олса, мен Қиёмат кунда унинг даъвочисиман!», дедилар.¹ Яъни мен у билан хусуматлашаман, ҳужжатлашаман, дедилар.

Ҳа, Ислом дини бутун оламга раҳмат бўлиб келган диндирики, ҳатто арзимаган тўлов бадалида зиммийларни мудофаа қилишни муслмонларнинг зиммасига вожиб қилди.

Мусо ибн Нусайр пухта Ҳарбий режа тузиб, муносиб тайёргарликни кўргандан сўнг, Ториқ ибн Зиёд исмли барбар миллатига мансуб саркарда бошчилигидаги аскарни Андалусга сафарбар қилди ва маълум вақтдан кейин ўзи ҳам унинг ортидан борди. Оллоҳ таоло муслмонларга ўзининг мислсиз нусрат неъматини берди. Муслмонлар уч ярим йил мобайнида, яъни 711–714 (92–95 ҳижрий) саналарда Андалус ўлкасининг биргина шимоли-Ғарбий қисмидаги Лос Пикос минтақасини ҳисобга олинмаса, тўлиқ фатҳ этдилар²...

Зулм, истибдод ва жаҳолат гирдобида кун кечириб юрган Андалус халқи ўз ерларига келган муслмонлардаги инсонийлик сифатларини кўриб, Ҳанг-манг бўлганларидан

¹ Абу Довуд: 2654, Албоний саҳиҳ деган.

² Воқеа тафсилотларини «Ахбару мажмуъа», «Нафъут-тийб», «Ал-баян ал-муъриб», «Ровзул миътар», «Фажрул Андалус», «Тарихул андалус», «Давлатул ислам фил Андалус» ва бошқа тарих китобларининг Андалус фатҳи бўлимига қаранг.

Қироллари Родерикка қуйидаги маънолар битилган мактубни йўллайдилар: «Бизнинг еримизга шундай қавм келдики, улар осмон аҳлиданми ёки ер аҳлиданми билолмай қолдик». ¹ Улар мусулмонлардаги каби олий-жаноблик, инсонийлик, адолатга ҳали бутун тарихлари мобайнида дуч келмаган эдилар. Фараз қилинг, бир давлат босиб олинаяпти ва уларга зулм қилиш, уларнинг мол-мулкини талон-тарож қилиш, бойликларини ўзлаштириш, вайрон қилиш ўрнига учта шартдан бирини танлаш ўртасида ихтиёр берилаяпти. Гарчи Исломни қабул қилмасаларда жия тўласа, ўз ҳокимиятларида қолишдан ташқари душманлардан ҳам ҳимоя қилиниши кафолати берилаяпти! Ҳа, бу ҳукмлар фақат Ислом динидагина бор. Ҳатто Андалус халқи мусулмонларни осмон аҳли ёки ер аҳли эканини билолмай қолдилар! Улар Оллоҳнинг қўшинларидир,

«Ана ўшалар Оллоҳнинг ҳизбидирлар. Огоҳ бўлингизким, албатта Оллоҳнинг ҳизби нажот топгувчидирлар!»²

Андалус фатҳ қилиниши билан бу ўлкада зулм ва истибдодга яқун ясаиб, тарихнинг янги саҳифаси — тараққиёт ва ривожланиш саҳифалари очилди...

Мағриб фатҳи асносида йўл қўйилган хатолар

Мусо ибн Нусайр Мағриб волийси бўлган кундан бошлаб, бу минтақада Исломни мустаҳкам ўрнаштиришга

¹ Ал-Мақаррий «Нафўут-тийб» (1/240).

² Мўжода: 22.

Ҳаракат қилди. Уқба ибн Нофеъ бу ўлкани фатҳ қилганда унинг халқи Исломга кирган, лекин вақт ўтиши билан диндан қайтиб, ҳатто динни уларга улашган мусулмонларга қарши жанг ҳам қилган эди. Мусо ибн Нусайр бунинг сабабини ўрганишга киришиб, ўзидан олдинги фотиҳларнинг иккита хатосини кўра олди:

Биринчи хато: Уқба ибн Нофеъ ва унинг сафдошлари бу ўлкаларни жадал суратда фатҳ қилиб, олға қадамла фатҳда давом этдилар, лекин аксарият ўринларда орқада қолаётган жойларини Ҳимоя қилишни эътибордан қочирдилар. Ортда қолган халқ Исломнинг моҳиятини англашга фурсат топмади ва гўё ярадор арслон мисоли мусулмонларнинг ортидан ҳужум қилиб, ҳатто Уқба ибн Нофеъни ҳам ўлдирдилар.

Мусо ибн Нусайр эса, оҳисталик билан, бироқ Холид ибн Валид каби огоҳликни тутиб, давлатларни бирин-кетин, қадамба-қадам фатҳ қилди ва фатҳ бўлган жойлардан хотиржам бўлгандан ва минтақага Ҳимоя кучларини қолдиргандан сўнггина навбатдаги ўлкага қараб юрди. Шу тариқа у олти ёки етти йил давомида Шимолий Африкани тўлиқ фатҳ қилди. Чунончи, Уқба ибн Нофеъ эса, бу минтақаларни бир неча ойда фатҳ қилган эди.

Иккинчи хато: Ўшанда Шимолий Африка халқлари Исломнинг ҳақиқатини билишга, уни ўрганишга фурсатлари ҳам бўлмаганди. Мусо ибн Нусайр Шом ва Ҳижоздан халқларга Исломни таълим беришлари учун тобеин олимларни чақиртирди. Ислом етказилди, одамлар Исломга тўп-тўп бўлиб кира бошладилар ва бир муддат олдин Ислом

ва мусулмонларга қарши жанг қилиб турган халқлар, дин учун жонларини берувчи фидокорларга айланишди. Ҳатто Барбарлар бу минтақадаги Ислом лашкарининг устунига айландилар.¹

Мағриб билан Андалус ўртасидаги Жабал Торик бўғозида иккита асосий порт: Сеута ва Танжер портлари бор эди. Мусо ибн Нусайр Шимолий Африканинг Сеута шаҳри ва портидан бошқа барча жойларини ишғол қилди.² Танжер порти бир томондан Сеутага, иккинчи жиҳатдан Андалусга яқин минтақа эди. Мусо ибн Нусайр Танжер минтақасига барбар миллатига мансуб, ўта моҳир етук саркарда Торик ибн Зиёдни волий этиб тайинлади.³

Торик ибн Зиёд раҳимаҳуллоҳ барбарларга хос шакл-шамоилда: гавдали, оқ танли, кўккўз ва малла соч эди.⁴ Баъзи таҳлилчилар барбарлар европаликларга жуда ўхшагани учун, уларнинг аслларини европалик деб эътибор қилишган.

Андалус фатҳи – қадимги режа

Мусо ибн Нусайр Шимолий Африкани тўлиқ фатҳ қилгандан сўнг, Оллоҳ таолонинг: **«Эй мўминлар, ёнларингиздаги кофирларга қарши жанг қилинглр ва улар**

¹ Ибн Изарий «Ал-баян ал-муғриб» (1/43), Ибн Холдун «Тариху ибн Холдун» (6/110), ал-Мағаррий «Нафўут-тийб» (1/239), Сиржоний «Иссатул Андалус» (30, 31-бетлар).

² Абдуллоҳ Анан «Давлатул ислам фил Андалус» (1/ 26).

³ Абдуллоҳ Анан «Давлатул ислам фил Андалус» (1/40).

⁴ Шавҳий Абу Халил «Фатўул андалус» (20-бет).

сизлардаги куч-қувватни кўрсинлар! Билинглarki, албатта Оллоҳ тақводорлар билан биргадир»¹, деган сўзига биноан, Шимолий Африкага, янада аниқроғи Мағрибга ёндош Андалус минтақасини фатҳ қилишни фикр қилди. Лекин унинг Андалус фатҳи ҳақидаги фикр янги эмас, балки қадимги режалардан бири эди.

Ислом тарихида учинчи халифа, икки нур соҳиби Усмон разияллоҳу анҳу замонида анча катта исломий футуҳотлар бўлди. Ўша даврда муслмонлар Қўстантиния² минтақасигача етиб келиб, уни қамал қилишга ҳам муваффақ бўлдилар, бироқ уларга уни фатҳ қилиш насиб бўлмади. Ўшанда Усмон ибн Аффон разияллоҳу анҳу: «Қўстантиния денгиз тарафдан фатҳ қилинади. Агар Андалусни фатҳ қилсангиз, охиратда Қўстантинияни фатҳ қилганларга ажр-савобда шерик бўласизлар», дедилар.³ Яъни Усмон разияллоҳу анҳу Қўстантинияга Ғарб томондан келишни, дастлаб Андалусни, сўнгра Европанинг қолган қисмларини ишғол қилиб, Қўстантинияга Қора денгиз томондан келишни қасд қилганди. Лекин ўша пайтлар муслмонлар Андалус ерларигача етиб келолмадилар, фақат Умайвийлар давлати замонида, Шимолий Африкада Мусо ибн Нусайр волийлиги давридагина етиб келдилар...

¹ Тавба: 123.

² Ҷозирги Истанбул.

³ Табарий «Тарихул умам вал мулук» (2/598), Ибн Касир «Ал-бидаяту ванниҳоя» (7/171), Ҷимярий «Ровзул миътар» (33-бет).

Андалус фатҳи қийинчиликлари

Андалусни фатҳ қилишни ўз олдига мақсад қилган Мусо ибн Нусайрнинг қаршисидан бир неча муаммолар чиқди. Жумладан:

Биринчи муаммо: Транспорт танқислиги. Мағриб билан Андалус орасида энг камида 13 км масофа бор эди. Юқорида зикр қилганимиздек, Жабал Ториқ бўғозининг энг тор жойи 12,7 км, энг кенг жойи эса 37 км эди. Мусулмонларнинг сувдан иборат бўлган бу масофани кесиб ўтишлари ўта мушкул бўлиб, катта қўшинни олиб ўтадиган улкан кемалари йўқ эди. Чунки ўша вақтлар мусулмонлар олиб борган жанглар, Қибрис¹ фатҳи ва Затус-саварий жанги каби баъзи Ҳазотларни ҳисобга олинмаганда, барча жанглар қуруқликда содир бўлган эди. Шу сабаб катта кемаларга эҳтиёж бўлмаганди. Ҳозир эса вазият катта кемалар бўлишини тақозо қилмоқда...

Иккинчи муаммо: Балеар ороллари² да истиқомат қилувчи насронийларнинг орқада қолаётганлиги. Бу ороллар Андалуснинг шарқида, Ўрта денгизининг Ғарбида жойлашган бўлиб, уларнинг катталари: Мальорка, Менорка,

¹ КИПР (грекча Купрос, туркча Kibris), Кипр Республикаси (грекча — Кypriaki Dimokratia, туркча — Kibris Gumhuriyeti) — Ғарбий Осиёда, Ўрта денгизнинг шарқий Ҷисмидаги Кипр оролида жойлашган давлат. «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси» («К» Ҷарфи бўлми).

² Балеар ороллари — Ўрта денгизнинг Ғарбий Ҷисмидаги ороллар тўдаси, Испаниянинг Балеарес мухтор вилоятини ташкил этади. Иккита катта орол — Мальорка ва Менорка ороллари Ҷамда Питиус ороллари архипелагидан иборат. «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси» («Б» Ҷарфи бўлми).

Ивиса ва Форментерадир. Мусо ибн Нусайр ўтганларнинг хатосига йўл қўймайман деса, орқада қолаётган минтақалардан хотиржам бўлиши, хоссатан Балеар оролларидаги насронийлар ишини ҳал қилмасдан Андалусга кирмаслиги лозим эди.

Учинчи муаммо: Жабал Ториқ бўғози бўйлаб чўзилган Сеута портининг Коунт Жулиан¹ исмли насроний ҳукмидалиги. Жулиан асли Андалусдаги Гот² қабиласига мансуб бўлиб, Андалуснинг собиқ подшоси Витица билан илиқ муносабатда эди.³ Маълумингизки, Родерик унга инқилоб кўтариб, тахтдан афдарган ва ўзи унинг ўрнини эгаллаган эди. Шу сабаб Сеута ҳоқими Жулиан билан Андалуснинг янги подшоси Родерикнинг муносабатлари тескари эди. Лекин Мусо ибн Нусайр бу душманни ўз ҳолида орқада қолдириши мумкин эмасди. Зотан, ўзаро келишмай турган насронийларнинг муслмонларга қарши бирлашиш эҳтимоли жуда каттадир.

Тўртинчи муаммо: Муслмонлар сонининг озлиги. Араб Ярим ороли, Шом ва Ямандан келган муслмонлар сони оз бўлиб, бутун Шимолий Африкага ёйилган эди. Уларнинг барчасини Андалус сари сафарбар қилиш катта муаммо туғдириши мумкин, яъни Африка халқлари исён

¹ Рус. Джулиан.

² ГОТЛАР — милонинг бошларида яшаган шарбий герман абилаларидан бири. Тарихчи Иордан (6-а.) асарида Готларнинг асл ватани Скандинавия бўлиб, кейинчалик Болтиб денгизи бўйлари, Висланинг бўйи оқимидаги ерларда яшаганлиги кўрсатилган. «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси» («Г» қарфи бўлми).

³ Абдулло Анан «Давлатул ислам фил Андалус» (1/ 34).

кўтариши мумкин эди. Шунингдек, бунинг сингари оз қўшин билан Андалус ўлкасини фатҳ қилиш ўта мушкул эди.

Бешинчи муаммо: Андалус насронийларининг анча қувватли ва кўплиги. Андалус подшоси Родерик қувватли ва ўта ман-ман бўлиб, баҳайбат армиясидан ташқари мустаҳкам қўрғон ва қалъаларга ҳам эга эди.

Олтинчи муаммо: Андалус диёрининг мусулмонлар учун нотаниш, номаълумлиги. Мусулмонлар бундан олдин Андалус ўлкасига боришмаган, шу юздан улар учун бу ўлкалар мутлақо нотаниш эди. Фақат одамлар оғзида Андалусни ишғол қилиш ўта машаққатли ва тоғлар кўп ўлка эканлиги ҳақидаги хабарлар юрарди. Ҳақиқатан, Андалус минтақасида тоғлар ва кўллар кўп бўлиб, бу ҳар қандай ёв учун катта табиий ғовлар ҳисобланади. Бўлиб ҳам ҳозирги кундаги вертолет, самолет каби ҳаво транспортлари, танк ва оғир артиллерия транспортлари бўлмаган, фақат от, эшак ва туя каби уловлар билан бундай ҳудудда жанг олиб бориш жуда машаққатли эди.¹

Мусо ибн Нусайрнинг тадбири

Мусо ибн Нусайр олдида шундай катта қийинчилик ва машаққатлар бўлишига қарамай Андалусни фатҳ қилиш қарорида қаттиқ тиришиб, ҳаракат қилди. У ишларни тартиблаб, амалиётга киришди. Зеро, «режасиз иш, қолипсиз ғишт», дейдилар. Мусо ибн Нусайр муаммоларни ҳал этишда қуйидаги ишларни амалга оширди:

¹ Сиржоний «Исисатул-Андалус» (34–36-бетлар).

Биринчи: Портлар ва кемалар бунёд қилиш. Мусо ибн Нусайр 87–88/706–707 саналарда Шимолий Африкада портлар ва кемалар бунёд қилишни бошлади.¹ Бун амалга ошириш учун узун замон керак бўлсада, Мусонинг иштиёқи ва ҳаракати ундан кам эмасди. Ўша вақтлар Мусо Шимолий Африка минтақасида бунёд қилган портлардан энг машҳури Уқба ибн Нофеъ асос солган Қайравон шаҳрида жойлашган Қайравон² порти эди.

Иккинчи: Ислом динини таълим бериш. Арабийзабон бўлмаган барбарларга ўз тилларида Ислом дини таълими йўлга қўйилди. Хос мажлислар, илм ҳалқалари, бошқача таъбир билан айтганда жадал таълим курслари ташкил қилинди. Барбарлар Исломни ўрганиб, дин ҳимоячиларига айландилар. Субҳоналлоҳ! Ҳа, бундай ҳолат фақат Ислом тарихидагина кузатилади. Бу иш Ғайридинлар назарида амримаҳолдай кўринади, айниқса, ватанлари ташқаридан келган бошқа халқлар томонидан яқинда босиб олинган бўлса, бун тор ақлларига сиғдира олмайдилар. Лекин Оллоҳ таоло одамларни куфр ва жаҳолат зулматидан, нурга олиб чиқади; ўликдан тирикни, тирикдан ўликни чиқаради, ҳатто кеча Исломга қарши курашиб турган киши, бугун Исломни таниши билан унинг содиқ ҳимоячисига айланади. Бу ҳолат фақат мусулмонлардагина учрайди. Мисол учун Ўрта Осиё халқларини олайлик, улар 70 йил мобайнида даҳрийликни шиор қилган Совет ҳукумати босими остида қанча-қанча қурбонлар берди, бироқ алҳамдулиллаҳ, мусулмонлар динларига олдингидан кўра қаттиқроқ

¹ Ал-Маъаррий «Нафъут-тийб» (1/257).

² Рус. Кайруан.

боғландилар. Жазоирни олайлик, у 130 йил мобайнида французлар ҳукмида қолди, бироқ улар ўз динларида собит қолиш билан бирга унга янада мустаҳкам боғландилар.

5–6 йил ичида Шимолий Африкада муслмонлар ва фидокор жангчилар сони анчага кўпайди, ҳатто ўша минтақадаги Ислом аскарининг аксариятини барбарлар ташкил қила бошлади.

Учинчи: Муслмон аскарга Ториқ ибн Зиёдни (50–102ҳ./670–720м.) қўмондон қилиши. Маълумингизки, Ториқ ибн Зиёд барбар миллатига мансуб эди. Лекин Мусо ибн Нусайр ундаги тақвони, аскарининг маҳоратни ва дин учун жонини фидо қилишга тайёр фидокорлигини кўриб-билгани учун уни араблардан устун қўйиб, лашкарбошилиқ даражасига кўтарганди. Зеро, инсонлар фақат тақво билангина бир-бирларидан устун бўлиши мумкин, имом Аҳмад, Абу Назро раҳимаҳуллоҳдан мурсал санад билан ривоят қилган ҳадисда, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй одамлар! Огоҳ бўлинг! Албатта, Раббингиз бирдир. Албатта, отангиз бирдир. Огоҳ бўлинг! Арабнинг аямдан (яъни араб бўлмаган кишидан), аямнинг арабдан, шунингдек Қизил танлининг Қора танлидан, Қора танлининг Қизил танлидан тақводан бошқасида афзаллиги йўқ», дедилар.¹

Шунингдек, Ислом дини қабила, қавм ёки миллат эмас, балки бутун инсон ва жинлар учун танланган диндир,

¹ Аҳмад ривояти (5/411, 23536).

«(Эй Муҳаммад), дарҲақиқат Биз сизни барча оламларга фақат раҳмат қилиб юбордик».¹

Буларга қўшимча, Ториқ ибн Зиёд ўзи барбар миллатига мансуб бўлгани учун барбарларга ўз фикрини бамайлихотир етказса, араб тилини пухта билганидан арабларнинг тилини ҳам топа оларди.

Тўртинчи: Балеар ороллариининг ишҒол қилиниши. Мусо ибн Нусайр Андалусга кириш олдидан ортда қолаётган жойларни беҳовотир қилди, жумладан, у Балеар оролларига ўғли Абдуллоҳни сафарбар қилди. Абдуллоҳ ибн Мусо 91/710-йил Мальорка ва Менорка ороллариини фатҳ қилиб, уларни мусулмон мамлакатлари сафига қўшди.²

Мусо ибн Нусайрнинг бу ишлари унинг етук йўлбошчи, маҳоратли саркарда, Ҳикмат соҳиби эканига ишорадир.

Сеута муаммоси

Мусулмонлар йўлига тўғаноқ бўлиб турган Сеута минтақаси Ҳали-Ҳануз ечимсизлигича қолаётган эди. Сеута порти мустаҳкам қўрғонланган эди. Мусо ибн Нусайр бу муаммони ечишда бор имкониятларини ишга солди, лекин муаммо Ҳа деганда Ҳал бўла қолмади. Шунда унга Оллоҳнинг ёрдами келди,

¹ Анбиё: 107.

² Абдуллоҳ Анан «Давлатул ислам фил Андалус» (1/25).

«Албатта Оллоҳиймон келтирган зотларни мудофаа қилур».¹

Оллоҳ таоло Сеута Ҳокими насроний Жулиан ақлига мусулмонларга ёрдам бериш фикрини жо қилди. Бунга бир неча ишлар сабаб бўлганди, жумладан, Жулиан Андалуснинг собиқ подшоси Витица билан қариндош эди.² Родерик Витицага исён кўтарган, уни тахтдан ағдариб, ўрнини эгаллаган эди. Витицанинг фарзандлари Жулиандан ёрдам сўради, лекин Жулиан ўзида Родерикка қарши чиқишга тоқат топмади.

Бошқа тарафдан эса, гўё Сеута порти МаҒриб ўлкасида мусулмонлар қуршовида турарди. Мусулмонлар эса тобора қувватланиб, нуфузи кенгайиб бормоқда. Бир кун келиб Сеутани ҳам ишғол қилиши турган гап. Ўшанда мен қаерга қочаман ёки кимдан мадад сўрайман каби ўй-фикр Жулианнинг тинчини бузган, турганда ҳам, ўтирганда ҳам, ҳатто уйқусида ҳам бутун фикрини эгаллаган эди...

Аксарият ривоятларда келишича, Жулиан билан Родерик ўртасидаги келишмовчиликнинг асосий сабаби, Родерик Жулианнинг қизи Флорендани асир қилиб, номусини топтагани эди. Шу сабаблар туфайли Жулианнинг Андалус подшоси Родерикка нисбатан адовати икки ҳисса эди. Родерик Жулианга унинг қизи асираси эканлигини айтганда, Жулиан қизини озод қилишга, Родерикни йўқ қилиб, тахтидан ағдаришга қасам ичади. Бироқ бунинг учун Жулиан мусулмонларга кўмак беришдан ўзга чорани

¹ Ҳаж: 38.

² Абдуллоҳ Анан «Давлатул ислам фил Андалус» (1/35).

топмайди ва бир қатор маълумотларни мусулмонларга ҳавола қилади.¹

Буларга қўшимча, Родерик тахтга ўтирибоқ Андалус халқига катта солиқлар солди, давлатни қаҳр ва зулм билан идора қила бошлади. Халқ ўта ночор ҳолатга тушганидан Ториқ ибн Зиёдга Андалусни ишғол қилишига қизиқтириб, элчилар жўнатиш даражасигача етди.²

Жулиан ўйлаб-ўйлаб Ториқ ибн Зиёдга элчи йўллашга қарор қилди. Ториқ ибн Зиёд Танжер шаҳрида, яъни Сеутага қўшни минтақада волий эди. Жулианнинг элчиси Ториққа учта масала ҳақида хабар бергани тарих саҳифаларига қайд қилинди:

Биринчи: Сеута портини мусулмонларга таслим қилиши;

Иккинчи: Мусулмон қўшинни Андалус ерларига олиб ўтишга кемалар бериши;

Учинчи: Андалус минтақаси ҳақида керакли маълумотларни етказишини билдирган эди.³

Булар айни дамда мусулмонлар қаршисида турган барча муаммолар ечими эди. Оллоҳ аzza ва жалланинг тадбирига лол қолмасликнинг иложи йўқ!

¹ Ибн Яърий «Ровзул миътар» (34-бет), Ал-Маъаррий «Нафъут-тийб» (1/251, 252), Абдуллоҳ Анан «Давлатул ислам фил Андалус» (1/35, 37).

² Ўсайн Муънис «Мавсуату тарихул Андалус» (1/15, 16-бет), Муъаммад Суъайл Тоъуш «Тарихул муслимийн фил андалус» (32, 33-бет).

³ Абдуллоҳ Анан «Давлатул ислам фил Андалус» (1/39), Сиржоний «Исбатул-Андалус» (40-бет).

Жулиан муслмонларга тақдим қилмоқчи бўлган нарсалар эвазига дўсти Витицанинг мулкини сўради. Унинг Андалус ўлкасида уч мингта кўчмас мулки ёки боғлари бор эди. Бахтга қарши бу мулкни Родерик эгаллаб олганди.¹

Буни эшитган Ториқ ибн Зиёд Ғоят Қувонди, чунки Жулиан талаб қилаётган эваз, Жулиан учун қадрли бўлсада муслмонлар назарида арзимас дунё матоси эди, холос.

Муслмонлар Андалус ёки бошқа ўлкаларни фатҳ қилганда ўшал минтақалардан Ғанимат, дунё орттириш ёки моддий ва маънавий бойликларига эга бўлишни қасд қилмадилар, балки халқларни куфр ва шикр ботқоғидан Ислом нурига олиб чиқишни, ҳақ дин — Ислом динини таълим беришнигина мақсад қилдилар.

Ториқ ибн Зиёд бу маълумотлар билан Қайравонга Мусо ибн Нусайр ҳузурига отланди.² Буни эшитган Мусо ибн Нусайр жуда хурсанд бўлди ва у Ҳам ўз навбатида ўша пайтдаги Умавийлар халифаси Валид ибн Абдулмаликка мактуб йўллади. Мактубда насроний Жулиандан олинган маълумотлар хабар берилиб, Андалусга киришга изн

¹ Ал-Мақаррий «Нафъут-тийб» (1/254).

² Жулиан билан Мусо ибн Нусайр орасидаги алоқада Ториқ ибн Зиёд бўлганми, ёки улар бевосита гаплашганми, ёки элчилар орқали ёки мактуб орқали гаплашганми, ёки Мусо Сеутага борганми, ёки Жулиан билан Мусо ибн Нусайр денгизга чиқиб кемада субат турганми, бу борада ривоятлар турлича келган. Ибнул Асир «ал-Камил фит-тарих» (213-бет), Ал-Ғажжий «Тарихул Андалус» (45-бет), Абдуллоҳ Анан «Давлатул ислам фил Андалус» (1/39) ёранг. Лекин биз юридадаги ривоятни танладик, чунки Жулиан ўрнини шаъар волийси Ториққа элчи жўнатиши, Сеутадан бирмунча олисда, яъни Тунисда Қайравонда турган Мусо ибн Нусайрга жўнатишидан кўра мантиқийроқ.

сўралган эди. Халифа Валид ибн Абдулмалик Андалус ўлкасига биргина насронийнинг хабари билан Хужумга киришга изн бермади, дастлаб бир гуруҳ мусулмон қўшинни (яъни сарийя) жўнатишини ва насронийнинг хабари тўғрилигига ишонч ҳосил бўлгандан кейингина жумлатан боришларига изн берди.¹

Мусо ибн Нусайр беш юз кишилиқ аскарларни жиҳозлаб, уларга Абу Зуръа Ториф ибн Моликни амир қилди ва Андалус сари сафарбар қилди. Ториф ибн Молик ҳам барбар миллатига мансуб эди. 710-йил июл (ҳижрий 91-йил рамазон) ойда беш юз аскар (400та пиёда, 100та суворий)дан иборат сарийя тўртта кемага миниб, Мағрибдан Андалусга қараб Жабал Ториқ бўғозини кесиб ўтди.²

Ториф ибн Молик Андалуснинг жанубий минтақасини ўрганишни бошлади. Бу Андалус ерларига мусулмонларнинг илк қадам қўйишлари эди. Бу минтақа саркарда Ториф ибн Молик номи билан Ториф ороли деб аталадиган бўлди.³ Хуллас, Ториф Андалуснинг жанубий минтақасининг жўғрофик ҳолати ва муҳитини ўрганиб, ортига қайтди.

¹ Ал-Маъаррий «Нафўут-тийб» (1/253), Ёимярий «Ровзул миътар» (8, 127), Ал-Ўажжий «Тарихул андалус» (46-бет), Абдуллоъ Анан «Давлатул ислам фил Андалус» (1/39).

² Ал-Маъаррий «Нафўут-тийб» (1/160, 229, 233, 235), Ёимярий «Ровзул миътар» (8, 127), Ал-Ўажжий «Тарихул андалус» (45-бет), Абдуллоъ Анан «Давлатул ислам фил Андалус» (1/40).

³ Ал-Маъаррий «Нафўут-тийб» (1/160), Абдуллоъ Анан «Ал-асарул Андалусия ал-баъия фи исбания вал-буртуъл» (278-бет).

Ториф келибоқ, Мусо ибн Нусайр ҳузурига бориб, кўрган билганларини беками-кўст етказди.

Бу маълумотларни олган Мусо ибн Нусайр тўлиқ бир йил катта эътибор билан қўшин ҳозирлаб, тайёргарлик кўрди. У 711-йил апрел (ҳижрий 92-йил ражаб) ойда барбарлардан иборат етти минг (7 минг) қўшин ҳозирлади – бу армия сафида араблар жуда оз эди –¹ ва уларга Торик ибн Зиёдни бошлиқ қилди.²

Юқорида Мусо ибн Нусайрнинг саъй-ҳаракатлари, Андалус фатҳида дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликлар ва Сеута ҳокими насроний Жулиан тақдим қилган маълумотлар ҳақида айтиб ўтгандик. Бу маълумотлар ўта муҳим эди. Лекин шуни айтиб ўтишимиз керакки: Андалусни фатҳ қилишни ўртага ташлаган ва унга юриш қилишга қизиқтирган киши, баъзи Ғарблик тарихшуносларнинг даъвосича Жулиан эмасди! Юқорида айтганимиздек, бу фикрни илк олға сурган шахс — бу Пайғамбаримизнинг куёвлари, икки нур соҳиби, учинчи халифа, саҳобий жалил Усмон ибн Аффон разияллоҳу анҳу, ундан сўнг Уқба ибн Нофиъ раҳимаҳуллоҳ эдилар.³ Лекин бу иш ташаббускори Мусо ибн Нусайр бўлди. Мусо ибн Нусайр Андалус фатҳини қасд қилиб, Танжер портини фатҳ қилгандан сўнг, кемалар

¹ Ал-Мақаррий «Нафут-тийб» (1/231, 239, 254), ʻИмьярий «Ровзул миътар» (9), Ибн Халликан «Вафаятул аъйан» (5/320), Ал-ʻАжжий «Тарихул андалус» (46-бет).

² ʻИмьярий «Ровзул миътар» (35-бет), ʻУсайн Муънис «Фаржул Андалус» (66-бет), Абдуллоʻ Анан «Давлатул ислам фил Андалус» (1/40).

³ Ибн Изарий «Ал-баян ал-муʻриб» (1/26, 27), ʻУсайн Муънис «Фажрул Андалус» (54-бет), Абдуллоʻ Анан «Давлатул ислам фил Андалус» (1/20).

яшаш ва портлар қуришни бошлаб юборган эди. Шу аснода Сеута ҳокими Жулиандан хабар келди, яъни унинг хабари Андалус фатҳига асосий туртки эмас, Мусонинг режасига ёрдамчи бўлганди, холос.

Бу ўринда яна бир нуқтага тўхталиб ўтсак фойдадан холи бўлмайди, у ҳам бўлса Андалус фатҳида яҳудийларнинг кўмак берган ёки бермаганлиги масаласидир. Ғарб тарихшунослари яҳудийларнинг Андалус фатҳида мусулмонларга маълумотлар етказиш билан ёрдам берганликларини таъкидлайдилар, бироқ бирорта араб ва мусулмон тарих китобларида ёки таҳлилларида бунга кўрмайсиз.

Аслида яҳудийларнинг ёрдам берганлиги ҳақидаги даъволар асоссиздир.

Биринчидан, агар бу иш ҳақиқатда содир бўлганда эди, мусулмон тарихшунослар худди насроний Жулианнинг ёрдамини эътироф қилганидек, уни ҳам айтиб ўтган ва бу маълумот авлоддан авлодга етиб келган бўларди.

Иккинчидан, мусулмонлар Андалус ўлкасида яҳудийлар ҳам бор эканлигини фақат ўша минтақаларни фатҳ қилганларидан кейингина билдилар.¹

Учинчидан, яҳудийлар мусулмонларга Андалус фатҳида ёрдам берган, деган даъво тарих саҳифаларига қасддан киргизилган. Бу билан (Исломдан йироқ бўлганларнинг назарида) тасаввур қилиш қийин бўлган

¹ Лисонуддин ибн Хотиб «Ал-иътоту фи ахбари Ёорнато» (1/101), «Ахбару мажмуъа» (21, 22-бет).

нусратни, исломий фатҳни Қадрини пастлатиш мақсад қилинган.¹ Валлоҳу аълам.

¹Сиржоний «Ҷиссатул-Андалус» (45-бет).

Андалус сари одим...



Машхур «Барбате водийси» жанги

Ториф ибн Молик бошлиқ сарийя Андалуснинг шарт-шароитларини ўрганиб қайтганидан сўнг, Мусо ибн Нусайр бир йил тайёргарлик кўрди, қўшин ҳозирлади, ҳарбий юриш режасини ишлаб чиқди, шундан сўнг Ториқ ибн Зиёд бошчилигида етти минг қўшинни Андалус сари сафарбар қилди. Мусулмон қўшин баҳор мавсумида 711 йил 2 май (ҳижрий 92 йил 5 ражаб) куни¹ Жабал Ториқ бўғозини кесиб ўтиб, бундан сўнг тарих саҳифаларига «Жабал Ториқ» номи билан битилган тоғга келиб тушдилар. Жабал Ториқ бўғози ҳам саркарда Ториқ ибн Зиёд шарафига қўйилгандир. Европаликлар уни бузиб талаффуз қилиши натижасида «Хибралтар» ёки «Гибралтар»га айланиб кетган. Бундан олдин бу тоғ «Калпе тоғи», деб аталган эди.²

Тарихшунос олим Абдурраҳмон ал-Ҳажжий, Ибн ал-Кардабусдан нақл қилади: «Мусо ибн Нусайр Ториқни сафарбар қилиш чоғида астойдил дуо қилди. Оллоҳга кўз

¹ Ибнул Асир «ал-Камил фит-тарих» (4/268-бет), Ибн Изарий «Ал-баян ал-муъриб» (2/6), Заъабий «Тарихул ислам» (6/393), Ёусайн Муънис «Мавсуату тарихул Андалус» (1/17-бет).

Роъиб Сиржоний ва баъзи тарихшунослар бу ёодисанинг шаъбон ойида бўлганини айтишган. Сиржоний «Ёиссатул-Андалус» (46-бет), Ал-Маъаррий «Нафъут-тийб» (1/231) га ёаранг.

² Ал-Ҳажжий «Тарихул андалус» (49-бет).

ёшлар билан муслмон аскарга нусрат беришини сўраб ёлворди».¹

Бу ўринда Ториқ ибн Зиёд бошлиқ аскар фойдаланган кемалар борасидаги баҳсга енгил тўхталиб ўтишни лозим топдик. Бу кемалар аслида кимга тегишли эди? Уларни муслмонлар ясагандими, ёки Сеута ҳокими Жулиан тақдим қилгандими?

Бу масалага қуйидагича жавоб берсак:

Ўша пайтлар муслмонлар Шимолий Африкани забт этган ва бу минтақа бир томондан Ўрта денгизга, бошқа томондан Атлантика океанига туташган эди. Яъни муслмонлар атрофи сувлик бўлган ўлкани қўлга киритгандан кейин, кемаларни кўпайтиришга рағбат қилганлари табиий. Чунки денгиз ортида муслмонлар учун муҳим аҳамият касб қилган Византия империяси, Андалус ва Европа ўлкалари бор эди.

Муслмонлар бундан олдин ҳам денгиз орқали жанг олиб борган эди. 46/666-йил Муовия ибн Абу Суфён разияллоҳу анҳу замонида Муовия ибн Худайж Сицилияга ғазот қилди. Бу денгиз орқали уюштирилган илк жанг бўлганди.²

¹ Ал-Ҳажжий «Тарихул андалус» (67, 68-бет).

² Ибн Холдун «Тариху Ибн Холдун» (1/253), Ибн Изарий «Ал-баян ал-муғриб» (1/16, 17).

Шимолий Африкага волий бўлган Ҳассон ибн Нўъмон даврида (Ҳижрий 76–86 йиллар) Тунисда кема ишлаб чиқарадиган жой бунёд қилинган эди.¹

Танжер порти 63/683-йил Уқба ибн Нофеъ томонидан фатҳ қилинган бўлиб, бу порт кема ишлаб чиқарадиган жойлардан бири эди.

Ториф ибн Молик беш юз кишилик сарийя билан тўртта кемада Андалус ўлкасига илк бор сафар қилганди. Ториқ ибн Зиёд ўша тўртта кемадан фойдаланиб, етти минг қўшинни денгизнинг торайган қисмидан олиб ўтди. Бу ўринда Жулианнинг кемалари ҳақида гап-сўз бўлмаган, деб хабар берилади “Ахбару мажмуъа” китобида.²

Ривоятлар Мусо ибн Нусайрнинг бир нечта кемалар ясаиб улгурганига далолат қилади. Тарихшунос Мақаррий шундай дейди: «Мусо Ториқ кетгандан кейин, кема ясашга бел боғлади. Ҳатто у бир нечта кемали бўлди. Беш минг аскарни шу кемаларда Ториққа мадад учун жўнатди. Шунда Ториқнинг аскарлари жами ўн икки мингга етди».³

Баъзи ривоятларда эса, Ториқ ибн Зиёдга кемаларни Сеута ҳокими Жулиан тақдим қилганлиги зикр қилинади.⁴

Биз юқоридаги ривоятларга асосланиб, Андалус фатҳида фойдаланилган кемаларнинг аксариятини

¹ Ибн Абу Дийнор «Ал-муънис фи ахбари ифриқийя ва тунис» (15, 35).

² «Ахбару мажмуъа» (16, 17).

³ Ал-Мақаррий «Нафўут-тийб» (1/257).

⁴ Ҷимярий «Ровзул миътар» (35-бет), Ибн Изарий «Ал-баян ал-муъриб» (2/6).

мусулмонларнинг ўзлари ясаган, қолган оз қисми ижарага олинган, Жулиан эса ўша кемаларни ижарага олишдагина ёрдам берган,¹ десак ҳақиқатга яқинроқ бўлар деймиз.

Жабал Ториқ тоғига келиб тушган мусулмон аскар Жазиратул Хозро², деб аталган кенг минтақага қараб йўналди. У ерда Ториқ ибн Зиёд Андалуснинг жанубий минтақаси чегарачиларига (қўриқчиларига) йўлиқди ва уларга қуйидагиларни таклиф қилди:

Ё Исломни қабул қиласиз, дўстингиз дўстимиз, душманингиз бизнинг душманимизга айланади ва мамлакатингиз ўз қўлингизда қолади.

Ё мусулмонларга жизя тўлайсиз, бунда ҳам эга бўлган нарсаларингиз ўз қўлингизда қолади.

Ё биз қарши урушга кирасиз. Мана шу учта йўлдан бирини ихтиёр этасиз.

Шунда минтақа ҳокими Тудмир дарҳол Андалус подшоси Родерикка аҳволни баён қилувчи мактуб йўллади. Родерик ўша пайтлар Андалуснинг пойтахти бўлган Толедо шаҳрида эди. Мактубда қуйидаги жумла ҳам ер олган эди: «Бизнинг еримизга шундай бир қавм келдики, улар осмон аҳлиданми ёки ер аҳлиданми билолмадик»³. Улар мусулмонлардаги каби олийжанобликка ҳали бутун тарихлари мобайнида дуч келмаган эдилар. Фараз қилинг, бир давлат босиб олинапти ва уларга зулм қилиш, уларнинг

¹ Ал-Ҷажжий «Тарихул андалус» (47, 48, 49-бет).

² Рус. Альхесирас.

³ Ал-Маъаррий «Нафъут-тийб» (1/240).

мол мулкани талон-тарож қилиш, бойликларини ўзлаштириш, вайрон қилиш ўрнига учта шартдан бирини танлаш ўртасида ихтиёр берилаяпти. Гарчи Исломни қабул қилмасаларда жия тўласа, ўз ҳокимиятларида қолишдан ташқари душманлардан ҳам ҳимоя қилиниши кафолати берилаяпти! Ҳа, бу ҳукмлар фақат Ислом динидагина бор. Ҳатто Андалус халқи мусулмонларни осмон аҳлиданми ёки Ер аҳлиданми билолмай қолдилар! Улар Оллоҳнинг қўшинларидир,

«Ана ўшалар Оллоҳнинг ҳизбидирлар. Огоҳ бўлингизким, албатта Оллоҳнинг ҳизби нажот топгувчидирлар!»¹

Ушбу минтақадаги Гот қабиласига мансуб насронийлар мусулмонларни менсимамай, ўзларини катта олиб, жанг қилиш йўлини танлади. Мусулмонларни Андалуснинг жанубига келганидан хабар топган Родерик, опасининг ўғли Бенисио бошчилигидаги қўшинни босқинчиларнинг танобини тортиб қўйиши учун жўнатди. Родерик бошида мусулмонларни менсимаган эди.

Жазиратул Хозрода икки тараф ўртасида уруш бошланди. Бу жангда Ғалаба гоҳ у томон, гоҳ бу томонга бўлиб турди, уч кун давом этган² урушдан сўнг, охир-оқибат Ториқ ибн Зиёд Ғалаба қозонди. Бу жангда насроний аскар бошлиғи Бенисио ўлдирилди.³ Бундан хабар топган Родерик

¹ Мужодала: 22.

² Ал-Ғажжий «Тарихул андалус» (52-бет).

³ Ибн Изарий «Ал-баян ал-муъриб» (2/8), Муъаммад Суъайл Тоъуш «Тарихул муслимийн фил андалус» (37, 38-бет).

тепа сочи тикка бўлиб, Ғазаб отига минди ва зудликла юз минг¹ аскар тўплаб, жанубга томон отланди. Ториқ ибн Зиёднинг эса атиги етти минг аскарлари бор эди, устига-устак улар орасида отлич суворийлар жуда оз эди. Ториқ Мусо ибн Нусайрдан ёрдам сўраб мактуб йўллади.

Шунда Мусо ибн Нусайр Ториқ ибн Молик бошчилигида беш минг пиёда аскарни Ториққа йўллади.² Шу билан Ториқнинг лашкари жами ўн икки мингга етди. Ториқ ибн Зиёд жанг учун муносиб макон ахтариб, тарих саҳифаларида «Барбате водийси»³ номи билан танилган жойга етиб келди. У бу жойни уруш қилишга энг муносиб маконлигига ишонч ҳосил қилди. Чунки унинг жануб ва шарқ томонида баланд тоғ бўлиб, орқа ва ўнг тараф бежавотир эди, ушбу тарафлардан бирорта одамзотнинг келиши ўта мушкул. Водийнинг сўл тарафи, яъни Ғарби ҳам табиий ҳимояли, унда катта кўл жойлашган. Ториқ ибн Зиёд водийнинг жанубидаги кириш жойига Ториқ ибн Молик бошчилигида кучли аскарни мусулмон қўшиннинг орқа томони ҳимояси учун тайин қилди. Водийнинг фақат шимол томонигина Ғаним учун очиқ қолдирилди...

¹ Ал-Мақаррий «Нафъут-тийб» (1/240), Ёусайн Муънис «Ғажрул Андалус» (54-бет).

Родерикнинг аскарлари сони борасида ихтилофлар бор, тарих китобларида келган бу ададнинг энг оз миқдори «Тарих ибн Холдун» (4/117)да 40 минг, энг кўп сони «Ровзул миътор» (35-бет)да 600 минг бўлганлиги зикр этилинади.

² «Ахбару мажмуъа» (17-бет), Ал-Мақаррий «Нафъут-тийб» (1/232).

³ Баъзи манбаларда бу жойнинг номи Лукка, Луққа, Лиққа деб зикр этилинади. Сиржоний «Ўқиссатул-Андалус» (50-бет).

Мағрур Родерик юз минг қўшинни Барбате водийси томон бошлаб келди. Унинг тоғу тошларда юра оладиган хачирлари ҳам бор эди. Родерик бошида олтин тож, эғнида тиллага бурканган либосла икки (ёки учта) хачирга қўшилган ва тилла билан безалган тахт узра келарди.¹ Субҳоналлоҳ! У ҳатто жанг ва уруш дамларида ҳам дунёсидан айрилолмаган ва уни кўз-кўз қилиш билан овора эди.

Бу жанг 711 йил 23 июл (ҳижрий 92 йил 28 рамазон) куни бошланди.² Ҳа, рамазон ойида юз берди, ҳақиқатда бу ой рўза, қиём, Қуръон, саховат ойи бўлиши билан бир қаторда мужодала, фатҳ ва нусрат ойи ҳамдир.

Икки тарафга назар солган киши мусулмонларга ачиниши табиий. Чунки зоҳиран қараганда бу жангда мусулмонлар сони ўн икки минггина холос, Гот насронийлари эса юз мингдир. Лекин насронийларнинг аҳволи бунданда ачинарлидир, чунки

«Мана шу икки ғаним (яъни мўминлар билан кофирлар) Раббилари(нинг ҳақ дини) хусусида талашдилар»³.

Бу хусуматчиларнинг ўртасида қанчалар катта фарқ бор! Жангга ўз ихтиёри билан чиққан, Оллоҳ йўлида юришни, бу йўлда жонини фидо қилишни, шаҳодатни орзу қилган, жипс тоғлар мисоли, намоздаги сафда тургани каби жанг қилувчи мусулмон тоифа билан, жангга хоҳламай,

¹ Ибн Изарий «Ал-баян ал-муъриб» (2/7).

² Ал-Маъаррий «Нафъут-тийб» (1/259).

³ Ҳаж: 19.

иложсизликдан, мажбурлаб олиб чиқилган, Оллоҳ йўлида юришлик нималигини тасаввурига ҳам сиғдира олмайдиган, тезроқ оиласи, мол-мулки, маишати ёнига қайтишни орзу қилган тоифа ўртасида ер билан осмончалик фарқ бор.

Шунингдек, мусулмон аскар Ғалаба қозонса, Ғаниматнинг 4/5 қисми, яъни 80 фоизи аскарларга тақсимланади ва 1/5 қисми байтулмолга қайтарилади. Исломдаги бу ҳукм амирулмўминин Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу даврида жорий қилинган. Оллоҳ йўлида чиққан киши Ғаниматни эмас, Оллоҳнинг калимасини олий қилиш учун чиқади ва Оллоҳ аза ва жалла унинг қалбига қараб ҳисоб қилади. Бу ўринда айтмоқчи бўлганимиз, бу жангда мусулмонлар Ғолиб бўлсалар, Ғаниматнинг 4/5 қисмига эга бўлади, аммо Родерикнинг аскарлари эса ҳеч нарса ололмайдди, ўлжанинг ҳаммасига подшоҳ эгалик қилади.

Шундай экан кимга ачиниш керак?! Оллоҳ таоло Ўз китобида шундай дейди:

«Оллоҳ: «Шак-шубҳасиз Мен Ўз пайғамбарларим билан бирга Ғолиб бўлурман», деб ёзиб қўйгандир. Албатта Оллоҳ кучли, қудратлидир»¹

«Ва Оллоҳ ҳаргиз кофирлар учун мўминлар устига йўл бермагай»².

Хуллас калом, икки қўшин орасида бетўхтов саккиз кун қаттиқ жанг бўлди. Жанг ниҳоятда ашаддий тус олди,

¹ Мужодала: 21.

² Нисо: 141.

улкан насронийлар жамоаси муслмонлар устига ёпирилиб келарди, лекин муслмонлар зўр матонатла сабр қилишди.

«Мўминлар орасида ўзлари Оллоҳга берган аҳду паймонларига содиқ бўлган кишилар бордир. Бас улардан (айрим) кишилар ўз аҳдига вафо қилди, (яъни шаҳид бўлди), улардан (айрим) кишилар эса (шаҳид бўлишга) интизордир. Улар (мунофиқларга ўхшаб Оллоҳга берган аҳду паймонларини) ўзгартирганлари йўқ»¹.

Ибн Изарий бу урушни шундай таърифлайди: «Ториқ Фаним қаршисига бор аскарлари билан чиқди, улардан озгина суворийларини ҳисобга олмаганда ҳаммаси пиёда эдилар. Жанг қаттиқ тус олганидан ҳатто бу ҳаётнинг сўнги лаҳзалари бўлса керак, деган ўйга бордилар».²

Уруш бошланганининг саккизинчи куни оливуш ниҳоялади, Оллоҳ таоло муслмонларга нусрат бериб, кофирларнинг думини кесди. Насронийларнинг каттаси Родерик жангда ўлдирилди.³

Бу жангни васфлаб, тарихшунос олим Мақаррий шундай дейди: «Жанг рамазондан икки кун қолганда якшанба куни бошланиб, шавволнинг бешинчиси якшанба

¹ Аъзоб: 23.

² Ибн Изарий «Ал-баян ал-муъриб» (2/7).

³ Баъзи ривоят айтилишича, ʻОчиб водийнинг атрофига яшириниб, тўсатдан ʻовузга тушиб кетади ва чўкиб ўлади. «Ал-баян ал-муъриб» (2/7, 8, 9), «Нафʻут-тийб» (1/258, 259).

Бошʻа бир ривоятда айтилишича эса, шимол томонга ʻочиб кетади, муслмонлар билан бўлган бошʻа жангда ўлдирилади. Ал-ʻажжий «Тарихул андалус» (29, 84–85-бет) китобидан наʻл ʻилган, «Тарихул андалус минал-фатʻил исламий ʻатта суʻути ʻорнато» (57-бет).

кунигача саккиз кун узлуксиз давом этди. Сўнгра Оллоҳ мушрикларни мағлуб қилди. Улардан жуда кўпчилик ўлдирилди».¹

Мусулмонлар бу жангда фақат Оллоҳнинг мадади, сўнгра иймонларининг қуввати билангина нусратга эришдилар...

«Барбате водийси» жангининг натижалари

1. Андалус ерларида зулм ва истибдодга якун ясалиб, янги саҳифа — тараққиёт ва ривожланиш саҳифалари очилди.

2. Мусулмонлар беҳисоб ғаниматларни қўлга киритди. Улар ичида энг муҳими от-уловлар бўлиб, жангдан кейин мусулмон қўшиннинг аксариятини ташкил қилган уловсиз аскарлар уловга эга бўлиб олдилар.²

3. Жангга киришларидан олдин мусулмон қўшин ўн икки минг эди, жангдан кейин тўққиз минг қолишди. Яъни уч минг шаҳид бердилар ³, илгари мусулмонлар қадам босмаган Андалус ерлари муборак қонлар — шаҳидлар қони билан суғорилди. Оллоҳ шаҳодатларини қабул этсин! Ҳа, Ислому оламга, шу жумладан бизга осонгина етиб келмаган, балки мана шу каби фидокорликлар ортидан келган!

¹ Ал-Мақаррий «Нафўут-тийб» (1/259).

² Ал-Мақаррий «Нафўут-тийб» (1/261), «Ахбару мажмуъа» (10-бет), Ҳусайн Муънис «Фажрул Андалус» (72, 75-бет).

³ Ал-Мақаррий «Нафўут-тийб» (1/259), Ҳусайн Муънис «Фажрул Андалус» (75-бет), Муъаммад Суъайл Тоъуш «Тарихул муслимийн фил андалус» (80-бет).

Кемалар ёндирилгани ҳақиқатми?

Барбате водийси жангидан кейинги Ҳодисаларга киришдан олдин, эътиборга лойиқ бир масала — кемаларнинг ёндирилганлиги ёки ёндирилмаганлиги масаласига тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ, деб билдик. Бу масала устида Ислом тарихи ва Ғарб тарихида кўп мунозаралар бор. Унга кўра, «Ториқ ибн Зиёд Барбате водийси жангидан олдин мусулмон аскарни жанга рағбатлантириб, барча кемаларга ўт қўйган ва қўшинга: Ортингизда денгиз, Қаршингизда Ғаним турибди. Шундай экан, Қилич билангина нажот топасиз, деган», дейилади. Баъзи тарихчилар бу ривоятни тасдиқ қилсалар, бошқалари инкор қиладилар.¹ Бизнинг наздимизда, бу ривоят мутлақо асоссиз бўлиб, Ислом тарихига қасддан киргизилган ботил ривоятлар жумласидандир.

Бу ривоятни қуйидаги сабабларга биноан рад этамиз:

Биринчи: Бу ривоят санад жиҳатдан саҳиҳ саналмайди. Зеро Исломда ривоятлар фақат ишончли кишилардан қабул қилинади (илмур-рижол, илмул-жарҳ ват-таъдийл каби илмлар орқали ўрганилади). Бу ривоят эса ишончли ва таянса бўладиган Ислом тарихига оид китобларда ворид бўлмаган, фақат Ғарб тарих китобларида

¹ Бу ривоятни содир бўлганлиги ушбу китобларида зикр бўлинган: «Тарихул Андалус» (46-бет), «Ровзул миътар» (75-бет), «Нафъут-тийб» (1/258), «Давлатул ислам фил Андалус» (1/48, 49).

ривоят қилинган. Бу воқеани зикр қилган муслмон тарихшунослар ҳам ўшалардан нақл қилишган.

Иккинчи: Бордию, Ториқ ибн Зиёд кемаларни ёққани тақдирда, бу иш Мусо ибн Нусайр ёки халифа Валид ибн Абдулмалик томонидан рад қилинган, ёки Мусо ибн Нусайр билан Ториқ ўртасида ўзаро сўзлашув бўлиб ўтган, ёки ўша замон уламоларининг бу ҳодисанинг жоиз, ё ножоизлигига тааллуқли фатво ва сўзлари келган бўларди. Лекин бу ҳодисани ўз китобларида зикр қилган тарихшунос олимлар юқорида ишора қилганларимиздан бирортасига тааллуқли нарса келтирмаганлари, бу ҳодисанинг ҳақиқатлигига катта шубҳа уйғотади.

Учинчи: Ғарб тарих китоблари бу ҳодисани тарқатишга қаттиқ ҳаракат қиладилар. Чунки улар бу урушда юз минг суворий насроний аскар ўз юрти, ўлан тўшагида, ўзларидан сал бўлмаса ўн баробар кам бўлган ўн икки минг пиёда муслмонлардан мағлуб бўлганини изоҳлашга ожизлик қиладилар. Шу юздан Ғарблик таҳлилчилар, Ториқ ибн Зиёд кемаларга ўт қўйиб, аскарни ноилож бир аҳволга қўйди. Ортларида денгиз, олдиларида Ғаним, орқага қочса чўкиб ўлади, олдинга юрса душман қиличидан ўлади. Ҳар икки ҳолатда ҳам қаршиларида ўлим турибди, улар мажбур, ҳаёт-мамот учун жон-жаҳдлари билан жанг қилиб, Ғолиб бўлдилар. Агар кемалари бўлганда ортларига қочиб кетган бўларди, дейдилар. Бу тарихчи ва таҳлилчилар Оллоҳ таоло ўз китобида баён қилган исломий қоидани қаердан билсинлар! Бу қоида:

«Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Оллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан Ғалаба қилган. Оллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир».¹

Воқелиқда Ислом тарихига назар солган киши оз сондаги аскар, катта қўшинлар устидан Ғолиб келгани табиий ҳол эканига гувоҳ бўлади. Ҳатто аксарият жангларда шундай бўлган, яъни мусулмонлар оз бўлиб, кўп сонли кофирлар устидан нусратга эришганлар. Аксинча, сонда кўп бўлган кезде кўпликларига мағрур бўлиб қолиб мағлуб бўлганлар.

«Оллоҳ сизларни кўп ўринларда Ғолиб қилди. Хунайн (Макка билан Тоиф ўртасидаги бир водий) кунини (эсланглар)! Ўшанда сизларни кўп эканлигингиз мағрур қилиб қўйган эди, аммо у (яъни, саноғингизнинг кўплиги) сизларни ҳеч нарсадан беҳожат қила олмади (қутқариб олмади) ва сизларга кенг ер торлик қилиб қолди, сўнг юз ўгирган ҳолингизда чекиндигиз!»²

Бундан кўринадики, Фарбликлар мусулмонлар фақат маълум (нодир) вазиятлардагина Ғалаба қозонади, уларнинг муваффақиятлари табиий ҳол (илоҳий мададланган) эмас, дея хабар тарқатишга ҳарис бўлишади.

Тўртинчи: Мусулмонларни кемаларни ёқиш билан жангга рағбатлантиришга ҳожат йўқ эди, зотан, улар дунёнинг нариги четига сайр қилгани эмас, Оллоҳнинг

¹ Баъара: 249.

² Тавба: 25.

йўлида жанг қилгани, шу йўлда жонларини фидо қилгани боргандилар.

Яна баъзилар, бу ҳодисани форс қўшини Яманга ҳужум қилганда, форс лашкарбошиси аскарларни жангга Ғайратлантириш учун кемаларга ўт қўйганига ўхшатишади.

Форс сардори томонидан бундай иш содир бўлган бўлса бордир, чунки улар ихтиёрий жанг қилмаган, аксарият ўринда жангга мажбурланганлар. Мисол тариқасида машҳур Затус-саласил жангини олайлик, унда кофирлар муслмонларга қарши жанг қилишга занжирлар билан боғлаб мажбур қилинган эди. Аммо Оллоҳ йўлида жонини фидо қилишга шавқланиб турган муслмон аскарни, кемаларни ёқиш билан шавқлантиришга нима ҳожат бор?!

Бешинчи: Ториқ ибн Зиёд каби моҳир қўмондонга кемаларни ёқиб, орқага қайтиш йўлини барбот қилиши ҳечам муносиб эмас. Агар мағлуб бўлганда нима қилган бўларди? Енгилмаган тақдирда ҳам муслмонлар маълум вақтдан кейин ортга қайтиши табиий ҳол эдику. Улар Оллоҳ таолонинг қўйидаги ояти каримасини билган ҳолларида ортга ўгирилишлари мумкин эдимиз?!

«Эй мўминлар, кофирларнинг ҳужумига дуч келганингизда, уларга орқа ўғирманглар (яъни қочманглар). Кимки ўша (уруш) кунда жанг йўсинини ўзгартириш ёки бошқа бир гуруҳ (муслмонларга) кўшилишдан ташқари ҳолатда, уларга (кофирларга) орқа

Ўгириб қочса, бас, у Оллоҳ тарафидан Ғазаб билан кетибди ва унинг жойи жаҳаннамдир. Нақадар ёмон оқибат-а!»¹

Бу ўринда зикр қилинган истисно фақатгина жанг йўсинини ўзгартириш ёки бошқа бир мусулмонлар гуруҳига қўшилишдан иборатдир. Шунга биноан мусулмонлар чекиниб, Шимолий Африкадаги мусулмонларга қўшилишлари жоизлиги келиб чиқади. Ториқнинг бу йўлни йўққа чиқариши мантиққа тўғри келмайди. Шу билан бирга агар бу ҳодиса рўй берганда ҳам, ўша даврнинг мусулмон ҳокимлари ва уламолари бунга сукут қилишлари мумкин эмасди-ку!

Олтинчи: Ториқ ўша кемаларининг ҳаммасига эга эмасди, уларнинг бир қисми Сеута ҳокими Жулиандан ижарага олинганди.² Ижарага олинган кемалар вақти келиб ўз соҳибига қайтарилиши лозим бўлиб, Ториқ ибн Зиёд бировнинг мулкани ёқишга ҳаққи йўқ эди.³

Хуллас калом, кемаларни ёндириш ҳақидаги хабарлар Андалус фатҳини ва мусулмонларнинг зафарини арзимас, паст қилиб кўрсатиш учун тарқатилган уйдирмадир, валлоҳу аълам.

¹ Анфол: 15, 16.

² Ибн Изарий «Ал-баян ал-муъриб» (2/6), Ҷимярий «Ровзул миътар» (35-бет).

³ Сиржоний «Ҷиссатул-Андалус» (58, 59, 60-бет), Ал-Ҷажжий «Тарихул андалус» (62-бет).

Ториқ ибн Зиёднинг навбатдаги қадами

Ториқ ибн Зиёд Барбате водийси Ғалабасидан кейин фурсатни бой бермасдан қолган жойларни ҳам ишқол қилишни энг тўғри йўл, деб билди. Бу қуйидагилар билан изоҳланади:

Ториқ Барбате водийси жангида уч минг аскарини йўқотган бўлсада, муслмон аскар руҳан анча тетик ва кўтаринки кайфиятда эди, зеро салкам ўн баробар кўп ва аскарӣ устун ёвни ер тишлатгандилар. Курашда йиқитган кишининг руҳияти қандай бўлиши ҳаммага аён.

Андалус насронийлари эса, руҳан тушкунликда ҳамда муслмонларга қарши туришга мадори қолмаган эди.

Муслмонларнинг Ғалабага эришганидан хабар топган Мағриб ва Шимолий Африка халқларидан ихтиёрий жангарилар Ториқнинг сафига келиб қўшила бошлади. Ториқ аскарининг адади яна кўпайди.¹

Золим, мустабид Родерикнинг зулмидан қутулган халққа ҳақ, адолат, эзгулик дини — Ислом динини еказишнинг айни замони эди.

Шунингдек, Гот насронийларининг мағлубиятидан насроний Жулиан фойдаланиб қолиши, мамлакатга ўзи ҳоким бўлишга ҳаракат қилишни истаб қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмасди.

¹ Ал-Мағаррий «Нафўут-тийб» (1/259), Ёусайн Муънис «Фажрул Андалус» (72-бет).

Шуларни эътиборидан Қочирмаган Ториқ ибн Зиёд исломий фатҳни давом эттириш учун шимолга, ўша вақтлар Андалуснинг пойтахти бўлган Толедо шаҳрига йўл олди...

Ишбилия¹, Эсиха ва бошқа шаҳарлар фатҳи

Ториқ ибн Зиёд Андалус насронийлари устидан бемисл, беназр Ғалаба Қозонди. Бу жангда мусулмон аскар уч минг шаҳид берган бўлсада, бу Ториқ ибн Зиёднинг ҳам, мусулмон аскарнинг ҳам шаштини пасайтирмаган эди. Билъакс мусулмон аскар фурсатни Қочирмай, шаҳар ортидан шаҳарларни бирин-кетин фатҳ қилишда давом этди. Улар Ишбилия шаҳрига йўналдилар, бу шаҳар Андалуснинг жанубида жойлашган шаҳарларнинг энг каттаси эди. Бу ўринда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Бир ойлик масофадан (душманларим қалбига тушажак) қўрқув билан нусратландим»², деб хабар берган ҳадисларининг натижаси кўрилди. Ишбилия халқи жангужадалсиз шаҳар дарвозаларини очиб бериб, жизя тўлашни зиммаларига олишди.

Шундан сўнг, Ториқ ибн Зиёд Эсиха шаҳрига Қараб йўл олди. Бу минтақа ҳам Андалуснинг жанубида жойлашган шаҳарлардан биридир. Эсиха халқи Ҳимояланиш йўлини танлаб, уруш учун қўшин ҳозирлай бошлади.³ Мусулмонлар Эсиха сари юришлари давомида олдиларидан чиққан бир

¹ Севилья.

² Бухорий (2977).

³ Ал-Ҷажжий "Тарихул андалус" (63-бет).

Қатор шаҳарларни фатҳ қилдилар. Жумладан, Сидония¹ шаҳри бир муддат қамалдан сўнг фатҳ қилинди, сўнгра Морон² ва Кармона шаҳри ишғол қилинди.³ Сўнгра мусулмонлар Эсихада насронийлар қуввати билан тўқнашди. Улар ўртасида ашаддий жанг содир бўлди. Бу уруш гарчи Барбате водийсида юз берган жангга нисбатан кичикроқ бўлсада, анча ашаддий тус олган ва уруш авжига чиққан эди. Тарихшунослар хабар беришича, мусулмонлар бу жанг маърақасидан кейин унинг каби қаршиликка учрамадилар.⁴ Урушда насронийлар енгилла бошлади ва уруш ниҳоясига етар-етмас мусулмонлардан омонлик сўраб, сулҳ тузиш ва жизя тўлашни маъқул топишди.⁵

Мусулмонларга қарши туриб, уруш йўлини танлаган халқнинг оқибати билан, шаҳарни сулҳ ва жизя бериш эвазига таслим қилганнинг оқибати айрича бўлади. Мусулмонлар маълум бир жойни урушиб фатҳ қилсалар, ўша шаҳар ёки мамлакатдаги нарсаларга эга бўлиш билан ҳукуматни ҳам қўлга оладилар. Бордию, шаҳар ёки мамлакат сулҳ тузиб, жизя бериш йўлини ихтиёр қилса, мусулмонлар фақат жизянигина олиб, мамлакат ва ҳукуматни шаҳар аҳлига топшириб кетадилар.

Ториқ ибн Зиёд Эсиха шаҳрининг ишини ҳал қилиб бўлгандан сўнг, асосий аскарни олиб ўша пайтларда

¹ Медина-Сидония.

² Морон-де-ла-Фронтера.

³ Ал-Ҷажжий "Тарихул андалус" (63-бет) Ибн Шабботдан наъл Ҷилган.

⁴ Ал-Ҷажжий "Тарихул андалус" (63-бет).

⁵ "Ахбару мажмуъа" (19-бет), Ибн Изарий "Ал-баян ал-муъриб" (2/8), Ал-Маъаррий "Нафъут-тийб" (1/260).

Андалуснинг пойтахти бўлган Толедо шаҳрига йўналди. Ториқ айна замонда жанубий минтақадаги бир нечта шаҳарларга сарийялар сафарбар қилди.¹ Жумладан, Қуртуба² шаҳрига Муғис Румий бошчилигида етти юз суворийдан иборат сарийя жўнатилди.³ Муғис бошлиқ сарийя оз бўлишига қарамай, Қуртубадек қувватли шаҳрини ортиқча машаққатсиз фатҳ қилишга муяссар бўлди.⁴ Қуртуба шаҳри 711 йил август (ҳижрий 92 йил шаввол) ойида фатҳ қилинди.⁵

Шунингдек, Ториқ ибн Зиёд Малага шаҳрига бошқа, Эльвирияга яна бошқа бир сарийя жўнатди. Муслмон сарийя Гранада шаҳрини қуршаб олиб, охир оқибат фатҳ қилди.⁶ Мурсия шаҳри ҳам фатҳ қилинди, Ориуэла шаҳри эса, сулҳ йўлини тутди.⁷ Малага минтақасига юборилган сарийя уни фатҳ қилиб, Эльвирияга йўлланган гуруҳ билан бирлашиб, Ориуэла минтақасидаги Тудмир шаҳрига йўналди. Яъни бундан маълум бўладики, Ториқ ибн Зиёд жанубий шаҳарларга уч гуруҳ сарийя жўнатган эди.⁸

¹ "Ахбару мажмуъа" (19-бет), Ал-Маъаррий "Нафъут-тийб" (1/260, 261), Ёусайн Муънис "Фажрул Андалус" (72-бет), Суъайл Тоъуш "Тарихул муслимийн фил андалус" (41-бет).

² Рус. Кардоба.

³ Ал-Маъаррий "Нафъут-тийб" (1/260–261, 263–264, 3/12).

⁴ Ал-Маъаррий "Нафъут-тийб" (1/261).

⁵ Ал-Маъаррий "Нафъут-тийб" (3/12).

⁶ Ал-Маъаррий "Нафъут-тийб" (1/260–261), Ибнүл Хотиб "Ал-иъатоту фи ахбари Ёорнато" (1/101).

⁷ Абдуллоъ Анан "Давлатул ислам фил Андалус" (1/50).

⁸ Ал-Ўажжий "Тарихул андалус" (65-бет).

Ториқ ибн Зиёд пойтахт Толедога қараб кетиш асносида зўр қўрғонли Жайян¹ шаҳрини фатҳ қилди.²

Мусо ибн Нусайр Ториқ ибн Зиёдга Жайян ва Қуртуба шаҳарларидан ўтмасликни ва пойтахт Толедони фатҳ қилишга шонилмаслигини тайинлаган эди. Сабаби, Мусо ибн Нусайр адади тўққиз мингдан кўп бўлмаган мусулмон аскарнинг насронийлар Қуршовида қолиб кетишидан ҳадиксираган эди.³

Толедо шаҳри ўша пайтлар Готларнинг пойтахти бўлиб, Иберия ярим оролининг марказида жойлашган шаҳар эди. У ҳозирги кундаги Испаниянинг пойтахти Мадриддан 91км жануби-Ғарбда жойлашган бўлиб, бир сўз билан айтганда насронийларнинг шаҳарлари орасида энг мустаҳкам қўрғонлиси эди. Бу шаҳар шимол, шарқ ва Ғарбдан тоғлар билан ўралган бўлиб, бир жануб томонигина очиқ, бироқ шаҳарга кириш қисми бўлган бу тарафда улкан қўрғон бор эди. Ториқ ибн Зиёд Мусо ибн Нусайрнинг амрига хилоф ўлароқ ўз райига эргашиб, Толедони фатҳ қилишга бел боғлади. У Толедо сафарини тўсувчи бирор ғовни ёки муаммони кўрмади ва насронийларнинг заифлик давридан фойдаланмаса, бундай зўр «тиш-тирноғича» зирҳланган шаҳарни фатҳ қилиш ўта машаққатли эканини тушуниб етган Ториқ ибн Зиёд, Толедо сари ҳужумга ўтди. Тўғри бу ўринда Ториқ ўз амири Мусога итоат қилмай хато қилди. У кўриб, билиб тургани учун вазиятни Мусодан кўра

¹ Рус. Хаэн.

² Ал-Ҷажжий "Тарихул андалус" (65-бет).

³ Ибн Касир "Ал-бидаяту ван-ниҳоя" (9/99), Ибн Холдун "Тариху Ибн Холдун" (4/117), Ал-Маъаррий "Нафўут-тийб" (1/223).

тўғри баҳолаган бўлсада, бу ҳақда амири Мусо билан маслаҳат қилиши лозим эди. Лекин, бахтга қарши ундай бўлмади, Ториқ ўз фикри билан Толедога юришни маъқул кўрди. Бу хабар Мусо ибн Нусайрга етиб келди, бироқ у масофанинг узоқлиги сабаб Ториқни дастаклай олмасди. Ториқ Толедога етиб келганда Оллоҳнинг марҳамати илоҳийси унга кулиб боқди, мустаҳкам қўрғонли Толедо халқи шаҳар дарвозаларини ланг очиб бериб, жизя беришни зиммаларига олишди. Ториқ ибн Зиёд жангу-жадалсиз шаҳарга кирди.¹

Сўнгра Ториқ ибн Зиёд шимолга юришда давом эттирди. У қочиб қолган насронийлар ортидан Кастилия, Леон минтақаларидан ўтиб, шимоли-Ғарбий Худудда жойлашган Галисия тоғларига қадар етиб борди. Астурия тоғларини ошиб ўтиб, Бискай кўрфазигача етиб борди, бу минтақа Ториқ фатҳ қилган ерларнинг сўнгиси бўлган эди.² Сўнгра Ториқ Толедога қайтди.³

Ториқ ибн Зиёднинг юриши 711 йил 2 май (ҳижрий 92 йил 5 ражаб) ойдан бошлаб, 713 (94 ҳижрий) йилда Мусо ибн Нусайр билан учрашгунича давом этди. Келинг, бу даврни хотирлаб олайлик:

Ториқ дастлаб Мағрибдаги Сеута портидан йўлга чиқиб, Жабал Ториқ бўғозидан ўтиб, Жабал Ториқ тоғига

¹ "Ахбару мажмуъа" (23, 24-бет), Ал-Маъаррий "Нафъут-тийб" (1/264–265).

² Абдуллоҳ Анан "Давлатул ислам фил Андалус" (1/51).

³ Ал-Маъаррий "Нафъут-тийб" (1/264–265), ʻИмьярий "Ровзул миътар" (179-бет).

келиб тушди ва Жазиратул Хазрода Тудмирнинг Қўшини устидан, Барбате водийсида Родерикнинг лашкари устидан (Ҳижрий 92 йил рамазон-шаввол ойиларида) Ғолиб бўлди. Сидония, Морон, Кармонани фатҳ қилиб, Ишбилияда сулҳ тузди ва Эсихада готлар устидан Ғалаба Қозонгандан сўнг, шу ердан: Қуртуба, Гранада, Малага, Эльвирия, Ориуэла минтақасига сарийялар йўллади. Сўнгра Ториқ ибн Зиёд Жайян, Толедо, Кастилия, Леон, Галисия, Астурия минтақаларини фатҳ қилиб, 93/711 сананинг охирларида яна Толедога қайтди.¹

Ториқнинг Мусо ибн Нусайр билан кўришгунича бўлган фатҳлари бир йил ичида, ҳатто бир йил ҳам эмас, бир неча ойларда содир бўлганди. Унинг Толедо шаҳрини зулқажда ойида фатҳ қилганлигини эътиборга олсак, қолган минтақаларга кетган муддатни билиб олсак бўлади.²

Шу аснода Ториққа Мусонинг хабари келди. Унда Мусо ибн Нусайр Толедо шаҳрига етиб келгунига қадар, ҳарбий юришни тўхтатиб, кутиб туриши уқтирилган эди. Баъзи тарихчиларнинг айтишича, Мусо ибн Нусайр Ториққа ҳасад қилгани ва Андалус фатҳини Ториққагина нисбатланиб қолишидан Қўрққани учун Ториқни тўхтатмаган эди.³ Балки у Ториқнинг ёнига тезроқ ёрдамга бориш керак, деб билди. Чунки Ториқ қисқа замон ичида бегона юртда катта Ҳудудларни ишғол қилган ва анчагина ичкарига кириб борган эди, лекин орқада қолган минтақалар бежавотир

¹ Ҷимярий "Ровзул миътар" (179-бет).

² Ал-Ҷажжий "Тарихул андалус" (66-бет).

³ "Ахбару мажмуъа" (24-бет), Ал-Маъаррий "Нафтул-тийб" (1/269).

Ҳамда барқарор эмасди. Насронийлар муслмонларнинг озлигидан ва мадад келмаётганидан фойдаланиб, уларни ўртага олиб қириб ташлашлари эҳтимоли йўқ эмасди.¹ Моҳир саркарда, тажрибали қўмондон Мусо бу каби ҳолатни Шимолий Африка ерларини фатҳ қилиш жараёнида кўрган ва тажриба ҳосил қилган эди. У Ториқнинг янги жойларни фатҳ қила олмаслигидан эмас, орқада қолган минтақалардан кўнгли хотиржам бўлмаганидан уни ҳамладан тўхташига буйруқ берган эди. Шунингдек, Ториқнинг иймониغا Мусо ибн Нусайр сабаб бўлган эди. Бошқа жиҳатдан қараганда Ториқ ибн Зиёд Мусонинг хизматида эди, шундай экан Ториқнинг хайрли ишларида Мусо ибн Нусайр тенг шерик (Ториқ не қадар савобга эга бўлса, Мусо ҳам ўшанчалик ажр олар) эди.²

Ториқ ибн Зиёд билан Мусо ибн Нусайр ўртасидаги воқеаларни тарихшунос ал-Ҳажжий қуйидагича хабар беради: Ториқ ибн Зиёд ҳар бир ишни бошлиғи Мусодан сўраб, бамаслаҳат қилиб, унинг кўрсатмасига биноан амалга оширар эди. Ториқнинг Барбате водийсидаги жангдан олдин Мусодан мадад сўраганини ёдингизга олинг. Ториқ фатҳ қилган жойлари ва юриш қилмоқчи бўлган минтақалари ҳақидаги маълумотларни Мусога хабар бериб турганини тарихшунос Ибн Кардабус шундай баён қилади: «Мусога Ториқнинг мактуби етиб келди, Мусо (ўша пайтдаги халифа) Валидга у ҳақда мактуб йўллади».³

¹ Ўусайн Муънис "Фажрул Андалус" (79-бет).

² Сиржоний "Ўиссатул-андалус" (70-бет).

³ Ал-Ҳажжий "Тарихул андалус" (68-бет) Ибн Кардабусдан наъл ўилган. Ибн Холдун "Ал-иъбар" (4/254).

Андалус ўлкасига борганидан чамаси бир йилдан сўнг, Ториқнинг аскарлари фатҳ қилган шаҳар ва қишлоқларга тарқалиб кетди, бир қисми эса шаҳид бўлди. Шунда Ториқ аскарининг озлигидан фойдаланиб насронийлар ҳамла қилишидан ва мағлуб бўлишидан чўчиб, Мусодан ёрдам сўраб мактуб йўллади.¹ Бу хабарни олган Мусо ибн Нусайр Ториқни огоҳлантириб, фатҳ қилишда шошилмасликни таъкидлаб, Толедо шаҳридан ёки ундан кейин тўхтаб, кутиб туришни амр қилди.²

¹ "Ал-имама ва с-сияса" (фи тарихи ифтитаи андалус) (140 -бет), Ўсайн Муънис "Фажрул Андалус" (89-бет), Сувайл Тоуш "Тарихул муслимийн фил андалус" (92-бет).

² Ал-Ҷажжий "Тарихул андалус" (68-бет).

Мусо ибн Нусайр Андалусда



Мусо сафар тайёргарлигини бошлаб юборди. Андалус ўлкасида Оллоҳ йўлида жанг бўлишини эшитган мусулмонлар машриқу-мағрибдан етиб келишни бошлади, Мусо ибн Нусайр 18 минг қўшин тўплади.¹ Ториқнинг аскарлари асосан барбарлардан иборат бўлган бўлса, бу 18 минг аскар Яман, Ҳижоз, Шом, Ироқ ва бошқа жойлардан келган араблардан ташкил топган эди.

Мусо катта ўғли Абдуллоҳни Шимолий Африкага (пойтахт Қайравонга) волий этиб тайинлаб, ўзи 18 минг аскар билан 712 йил апрел (ҳижрий 93 йил ражаб) ойда Африкадан Андалус сари йўлга чиқди.² У Жабал Ториқ бўғозини шу йилнинг рамазон ойда кесиб ўтди.³ Аммо унинг Жабал Ториқ бўғозининг қайси қисмидан ўтганлиги борасида тарихчилар орасида ихтилоф бор. Улардан кўпчилиги Сеутадан, яъни унинг яқинидаги «Жабал Мусо» деб аталган жойдан Жабал Ториқ томон кесиб ўтган, дейдилар.⁴ Бу мантиқан тўғри, чунки бу жой бўғознинг энг тор қисмидир. Яна баъзилар Танжердан Жазиратул Хазрога томон кесиб ўтган, дейдилар.⁵

¹ "Ахбару мажмуъа" (24-бет).

² Ал-Маъаррий "Нафъут-тийб" (1/277).

³ Ал-Маъаррий "Нафъут-тийб" (1/269), Ибн Изарий "Ал-баян ал-муъриб" (2/12), Ал-Важжий "Тарихул андалус" (69-бет) Ибн Шабботдан наъл қилган.

⁴ Ҷимярий "Ровзул миътар" (75-бет) Ал-Маъаррий "Нафъут-тийб" (1/286).

⁵ Ал-Маъаррий "Нафъут-тийб" (1/271), Ибн Холдун "Ал-иъбар" (4/254).

Мусо ибн Нусайр аскарларни денгиздан олиб ўтишда фойдаланган кемаларнинг барчаси мусулмонларники бўлган, бу эса юқорида зикри ўтган Ториқнинг кемалари мусулмонларга тегишли бўлган ва бир қисминигина ижарага олган, деган фикримизга яна бир далилдир.

Мусонинг қўшини сафида араблар ҳам, барбарлар ҳам, шунингдек, Мунайзир Ифриқий исмли бир саҳобий¹ ва бир қанча тобеинлар ҳам бор эди.² Мусо ибн Нусайр катта ўғли Абдуллоҳни Африкага волий қилиб қолдирган ва икки ўғли Абдулазиз ва Абдулаълони ўзи билан олган эди.³ У Андалус ўлкасига ўтиб, кемаларни муносиб ерга жойлаштирди, бу жой шундан эътиборан «Марса Мусо» номи билан аталиб қолди.⁴

¹ "Истийъаб" (4/1485) (2571-раўам), Ибнул Абар "Ат-Такмилату ликитаби ас-сила" (2/731) (1847-раўам), Ал-Маъаррий "Нафўут-тийб" (1/277–278) (3/ 5-бет).

² Ибнул Фарозий "Тариху уламаил-андалус" (1/122, 125, 212, 310) (383, 391, 633, 915-раўам), Ибнул Абар "Ат-Такмилату ликитаби ас-сила" (1/282) (755-раўам), Ал-Маъаррий "Нафўут-тийб" (1/278–279, 287–288,) (3/ 6–12).

³ Ал-Маъаррий "Нафўут-тийб" (1/277), Ал-Ўажжий "Тарихул андалус" (71-бет) Ибн Шабботдан наъл вилган.

⁴ Ибнул ўтийя "Тариху ифтитаўул-андалус" (35-бет). "مرسة" кема тўхтайдиган ва уни боўлаб ўўядиган жой маъносини билдиради. "Аннаъим" ро ўарфи боби, (307-бет).

Мусо ибн Нусайрнинг юришлари

Мусо Жазиратул Хазрога келиб, Ҳарбий режани чизмасдан ва масжид бино қилмасдан бурун юришни бошламади.¹ Бу масжид денгиз соҳилига яқин ерда жойлашган бўлиб, масжидул-ройаат номи билан аталди.² Мусонинг йигирмадан ортиқ байроғи бўлгани зикр қилинади.³ Андалусга етиб келган Мусо, юз беришини тахмин қилган Ҳодисага гувоҳ бўлди. Жангу-жадалсиз сулҳ йўлини танлаб, жизя беришга рози бўлган Ишбилия шаҳри Ториқ ибн Зиёд Толедога йўл олиши билан аҳдларини бузиб, Ториқнинг ортидан зарба бериш учун тайёргарликни бошлаб юборган эди. Мусо Ишбилияга йўл олди. У йўл асносида Сидонияни янгидан фатҳ қилди ва бу Мусо ибн Нусайрнинг Андалус ўлкасидаги дастлабки фатҳ қилган шаҳри эди.⁴ Сўнгра мусулмон аскар Кармона шаҳрига йўл олди, бунинг сингари мустаҳкам Қўрғонли ва Қамал ёки уруш қилиш ноқулай бўлган шаҳар йўқ эди. Мусо зўр ҳийла ишлатди, насроний Жулианнинг одамларини гўё талофат кўрган лашкарнинг қолган қисми қиёфасида шаҳарга киргизди. Кечаси улар шаҳар давозасини Мусо ибн Нусайрга очиб

¹ Муъаммад ибн Абдулваҳҳоб ʻАссоний "Риʼлатул вазир фи ифтикакил асир" (111-бет), ʻУсайн Муънис "Тарихул жўрофийя вал жўрофийин фил-андалус" (28-бет), Ал-ʻАжжий "Тарихул андалус" (73-бет), ʻУсайн Муънис "Фажрул Андалус" (91-бет).

² ʻИмьярий "Ровзул миътар" (75-бет), Ал-ʻАжжий "Тарихул андалус" (73-бет). "رايات" байроқлар деган сўзга нисбатланган.

³ Ал-ʻАжжий "Тарихул андалус" (73-бет).

⁴ Ибн Изарий "Ал-баян ал-муъриб" (2/13), Ал-Маъаррий "Нафъут-тийб" (1/269).

бердилар. Мусо аскари билан шаҳарга кириб, уни фатҳ қилди.¹

Сўнгра Мусо Ишбилияга етиб келиб, уни қуршаб олди. Бу шаҳар Андалусдаги энг катта шаҳарлар жумласидан бўлиб, муҳташам бинолари, қадрият ва ёдгорликлари билан машҳур эди. Готлар замонида подшоҳнинг қасри шу шаҳарда жойлашган бўлиб, Барбате водийсидаги мағлубиятларидан сўнг, подшоҳ аъёнлари Толедо шаҳрига кўчган эди. Лекин дин арбоблари ҳануз Ишбилияда эдилар. Улар қаттиқ қаршилик қилдилар, қамал ҳам бир неча ой давом этди. Сўнгра Оллоҳ таоло бу шаҳар фатҳини Мусога ҳадя қилди. Шаҳарнинг нотавон кишилари Бага шаҳрига қочиб қолишди. У ерда бир талай яҳудийлар ҳам бор эди. Мусо уларни ўртага йиғиб, уларга бир неча кишини бошлиқ қилди.²

Сўнгра Мусо шимолга қараб юрди, маълумингизки Ториқ шимоли-Ғарбга юрган эди. Мусо Андалус фатҳини том қилишни қасд қилган эди. У Мерида шаҳрига йўл олди.³ Мерида шаҳри тарихий шаҳар бўлиб, милоддан олдин 25-санада румликлар томонидан бунёд қилинган⁴ ва Андалуснинг пойдевори бўлган шаҳарлардан бири эди. Шунингдек, аввалги подшоҳларнинг баъзилари бу шаҳарни

¹ Ибн Изарий "Ал-баян ал-муъриб" (2/13), Ал-Маъаррий Ибн Ҳаййондан наъл ғилган "Нафут-тийб" (1/269), "Ахбару мажмуъа" (15, 16-бет).

² Ибн Изарий "Ал-баян ал-муъриб" (2/14), Ал-Маъаррий Ибн Ҳаййон ва бошқалардан наъл ғилган "Нафут-тийб" (1/269).

³ Ал-Маъаррий "Нафут-тийб" (1/269–270), Ҳусайн Муънис "Фажрул Андалус" (92-бет), "Ахбару мажмуъа" (26-бет).

⁴ "Ал-Ҳулал ас-сундусия" (1/89, 172), "Тарихул муслимин ва асариғим фил-андалус" (95-бет).

Ўзларига макон тутган ҳамда тарихий ёдгорликлар, қасрлар, фабрикалар ва ҳашаматли канисалари бўлган шаҳар эди.¹ Шаҳар Қўрғонини тарихшунослар таъбири билан айтганда: «Деворлардан иборат бўлиб, унга ўхшаши бунёд қилинмаган»² эди. Шаҳарнинг ҳамма томони шу девор билан ўралган бўлиб, бир нечта миноралари бор эди. Деворнинг эни, ўша пайтлар 12 зироъ (яъни 6,5 м), баландлиги 18 зироъ (яъни 9,75 м) эди³. Готлар мағлубиятга учрагандан сўнг, турли минтақалардан бу шаҳарга тўпланган ва анчагина қувватга эга бўлган ҳамда ҳимоя ва эҳтиёт чораларини кўриб қўйишган эди.⁴

Мусо ибн Нусайр Мерида шаҳрини қамал қилди. Готлар жон-жаҳдлари билан қаршилик қилишди, улар мустаҳкам девор ортидан бир мил ёки ундан ҳам узоқроқ масофадан мусулмонларни қарши олиб, шиддатли жанг қилишди.⁵ Шаҳар қамали ва икки тараф орасидаги жанг бир неча ой, яъни 713 йил 30 июн (ҳижрий 94 йил рамазон) ойигача давом этди, сўнгра Мусо билан Гот ҳарбийлари орасида сулҳ мулоқоти бошланди⁶. Готлар таслим бўламиз ва жизя берамиз, дея таклиф қилдилар. Мусо таклифни қабул қилиб, шаҳар халқига ҳақиқий омонлик берди.⁷ Шу

¹ Ал-Маъаррий "Нафъут-тийб" (1/270), (1/138, 139), Ўимярий "Ровзул миътар" (6, 175–176-бет).

² "Сифатул андалус" (182-бет), Ўимярий "Ровзул миътар" (176-бет), Ал-Ўажжий "Тарихул андалус" (76-бет) Ибн Шабботдан наъл ўилган.

³ Ал-Ўажжий "Жўрофийятул андалус ва уврубба" (119-бет) китобидан наъл ўилган, "Тарихул андалус" (76-бет).

⁴ Ал-Маъаррий Ибн Ўаййондан наъл ўилган "Нафъут-тийб" (1/270).

⁵ "Ахбару мажмуъа" (16-бет).

⁶ Ибн Изарий "Ал-баян ал-муъриб" (2/15).

⁷ Ал-Маъаррий Ибн Ўаййондан наъл ўилган "Нафъут-тийб" (1/270).

йилнинг рамазон ҳайити (ийдул-фитр) куни шаҳар дарвозалари очиб берилди.¹ Муслмонларга бу кун қўшалок байрам бўлган эди. Муслмонлар бултурги рамазон ҳайитини Барбате водийси Ғалабаси билан қаршилаган бўлсалар, бу санани Андалус пойдеворларидан бири бўлган мустаҳкам Қўрғонли шаҳар фатҳи билан кутиб олдилар, субҳоналлоҳ! Қамалнинг қанча муддат давом этганлиги тарих китобларида аниқ зикр қилинмаган, лекин тарихчи ал-Ҳажжий: Мерида шаҳри 6 ой атрофида қамал қилинган бўлиши керак, дейди.²

Абдулазиз ибн Мусонинг юришлари

Мусо ибн Нусайр Мерида шаҳрини қамал қилиб турган онда ўғли Абдулазизни бир гуруҳ аскар билан Ишбилия сари сафарбар қилди. Бунинг сабаби, Мусога Ньебла ва Бага шаҳарларида жон сақлаб қолган Гот аскарлари бирлашиб, Мусонинг Мерида қамали билан бандлигидан фойдаланиб, Ишбилия шаҳридаги муслмон гуруҳга ҳужум қилгани ва у ердаги муслмонлар устидан ғолиб бўлгани хабари келган эди.³

Тудмир, Ишбилия ва бошқа шаҳарлар фатҳи

Абдулазиз ибн Мусо Ишбилиядан олдин Тудмир минтақасини ишғол қилди. Тудмир минтақаси номи унинг

¹ "Ахбару мажмуъа" (16-бет), Ал-Маъаррий "Нафъут-тийб" (1/270), Ибн Изарий "Ал-баян ал-муъриб" (2/15), Ўсайн Муънис "Фажрул Андалус" (93, 442-бет).

² Ал-Ҳажжий "Тарихул андалус" (78-бет).

³ "Ахбару мажмуъа" (18-бет), Ибн Изарий "Ал-баян ал-муъриб" (2/15).

Ҳокими Теодомиро Эргобадо шарафига қўйилган эди.¹ Дастлаб бу минтақа Ҳокими Тудмир ибн Абдус Абдулазиз ибн Мусога бўйсунмай, уруш эълон қилди. Икки тараф ўртасида Ўрта денгизи соҳилида Картахена деган жойда уруш бошланди, бу уруш мусулмонларнинг фойдасига ҳал бўлиб, насроний Ҳоким Тудмир аини минтақадаги Ориуэла шаҳрига қочиб қолди.² Ва охир оқибат Тудмир минтақаси 713 йил апрел (ҳижрий 94 йил ражаб) ойида сулҳ йўли билан фатҳ қилинди. Сўнгра Абдуазиз ибн Мусо Ишбилияни янгидан фатҳ қилди, сўнгра Бага ва Ньебла шаҳарларини фатҳ қилди.³ Бундан кейин у Андалуснинг Фарбига, яъни Ҳозирги кундаги Португалия сари равона бўлди.⁴ У Лиссабон шаҳрига етиб келиб, уни ҳам фатҳ қилди. Абдуазиз ибн Мусо санокли муддатда Иберия ярим оролининг Фарбини тўлиқ ўз ҳукмига бўйсундирди. Шунга кўра, Португалиянинг фотиҳи Абдулазиз ибн Мусо ибн Нусайр ҳисобланади.⁵

Мусо ибн Нусайрнинг босиб ўтган йўли (ҳижрий 93–94 йил рамазондан зулқаъдагача): Сеутадан Жабал Ториқ бўғозини кесиб ўтиб, Жазитарул Хазрога, ундан Сидония, Кармона, Ишбилия, Леванта, Меридани фатҳ қилиб, (Мерида қамали асносида) шу ердан ўғли Абдуазизни Ньебла, Бага, Ишбилия, Альпера, Малага, Картахена, Ориуэла ва бошқа жойларга жўнатди, у мазкур жойларни ва

¹ Ал-Ҳажжий Ҳимярийдан наъл қилган "Тарихул андалус" (78-бет).

² Ал-Ҳажжий Ҳимярийдан наъл қилган "Тарихул андалус" (80-бет).

³ Ал-Ҳажжий "Тарихул андалус" (82-бет).

⁴ "Тарихул муслимин ва асариҲим фил-андалус" (109-бет).

⁵ Сиржоний "Ҳиссатул андалус" (71-бет).

Иберия ярим оролининг Фарбини фатҳ қилди. Сўнгра Мусо Талавера¹га, ундан кейин Толедога келди.

Икки қаҳрамон – Мусо ва Ториқнинг учрашуви

Мусо ибн Нусайр 713 йил август (ҳижрий 94 йил зулқаъда) ойининг бошларида Толедо шаҳрига қараб йўлга чиқди. У эҳтиёт шарти Ториққа мактуб йўллади, унга кўра Ториқ бир гуруҳ аскарлари билан Мусони кутиб олишга чиқиши керак эди. Мусо Талавера шаҳри яқинида ал-Маъраз деб аталган водийга келиб, шу кенг водийга лагер қурди. Ториқ ибн Зиёд билан ўша ерда учрашди.² Талавера шаҳри Толедо шаҳридан 150км Фарбда жойлашган. Улар учрашгандан сўнг, Мерида-Саламанка йўлидан тўғри Толедога йўл олишди.³

Бу ўринда баъзи тарихчилар Мусо ибн Нусайр Ториққа нисбатан қўпол муомалада бўлиб, уни қаттиқ койиганини, ҳатто қамчи билан ургани-ю, қамаб қўйиб ўлдиришга ҳаракат қилгани⁴ каби мантиққа тўғри келмайдиган сўзларни айтишган. Аслини олганда бу воқеа содир бўлмаган, дейди доктор Сиржоний.⁵

Биз эса, юқоридаги воқеага бир тарафдан қўшилмасак, бошқа жиҳатдан барча ривоятларни тўлиқ

¹ Талавера де ла Рейна.

² Ибн Изарий "Ал-баян ал-муъриб" (2/16), Ал-Маъаррий "Нафъут-тийб" (1/271), "Ахбару мажмуъа" (18-бет).

³ Ал-Ўажжий "Тарихул андалус" (84-бет).

⁴ "Ахбару мажмуъа" (26, 27-бет), Ибн Изарий "Ал-баян ал-муъриб" (2/16), Ал-Маъаррий "Нафъут-тийб" (1/271).

⁵ Ал-Ўажжий "Тарихул андалус" (86-бет), Сиржоний "Ўиссатул-Андалус" (71-бет).

инкор ҳам қилмаймиз. Маълумингизки, Мусо Ториққа шошилмасликни ва Қуртубадан ёки Жайяндан ўтмаслигини маслаҳат бериб, қаттиқ тайинлаган эди. Ториқ эса, Толедо ва ундан нарига ўтиб кетиб, амирига итоатсизлик қилган эди. Мусо унинг мана шу иши сабабли унга танбеҳ берган, холос, десак шояд муносиб бўлса. Бу борада тарихчи Ибн Шаббот шундай дейди: «Ториқ Мусога пешвоз чиқиб, уни кутиб олди. Мусо уни айблаб: Нима учун менинг кўрсатмамсиз бунча ичкарига кириб кетдинг, деди». Шунда Ториқ ўша пайтдаги вазиятни, қилиниши лозим деб билган ишларни қилганини айтиб, узрини баён қилди. Мусо ибн Нусайр унинг узрини қабул қилди.¹

Агар Мусонинг Андалусга келишига сабаб Ториққа нисбатан қалбида туйган ҳасади бўлганда эди, биринчидан, Мусо Бартбате водийсидаги беназир Ғалабани эшитган заҳоти йўлга отланган бўларди, лекин унинг мақсади Ислом динини тарқатиш ҳамда Ториқни дастаклаш бўлгани учун, бир йил мобайнида қўшин ҳозирлади. Иккинчидан, Мусо Андалусга ўтибоқ тўғри Ториқнинг ёнига борган бўларди, лекин воқеликда эса, у Ториқ фатҳ қилган жойлардаги исёнчиларни бостириб, Ториқ қадам босмаган ерларни фатҳ қилди² ва Андалусга келганига бир йилдан ошгандан кейингина Ториқ билан кўришди. Ториқ ҳам бу орада унинг буйруғига биноан Толедо шаҳрида уни кутиб турди. Учинчидан, улар роппа-роса икки йил, яъни 711 йилнинг июл ойдан, 713 йилнинг августи³гача кўришмаган эдилар. Бунча

¹ Ал-Ҷажжий "Тарихул андалус" (90-бет).

² Ал-Ҷажжий "Тарихул андалус" (87-бет) Ибн Шабботдан наъл вилган.

³ Ҷижрий 92-йилнинг рамазон ойдан 94-йилнинг зулҳаждасигача.

айрилиқдан сўнг, яна дийдор кўришиш насиб қилган икки мусулмон биродар орасидаги қайноқ туйғуларни таърифлашнинг ҳожати бўлмаса керак!

Мусо ва Ториқ 713 йил (ҳижрий 94 йил зулқаъда-зулҳижжа ойлари) кузда Толедога етиб келишди. Улар куз ва қиш фаслларида сафларни тартиблаб, ҳарбий режани чиздилар. Бироз ҳордиқ чиқариб, келажак фатҳлар учун куч йиғдилар. Бу орада Мусо ибн Нусайр ўша пайтдаги халифа Валидга вазиятни баён қилиб мактуб йўллади. Баҳор фаслида мусулмон аскар Андалуснинг шимолига қараб юришни бошлади.

Сарагоса ва бошқа шаҳарлар фатҳи

Андалусдаги мусулмонлар армияси қишда ҳордиқ чиқаргандан сўнг, баҳорда шимоли-шарққа томон юришни бошлади. Мусулмон аскарнинг қачон қўзғалгани ҳақида аниқ маълумот ворид бўлмаган. Агар баҳорда юришни бошлаган, деб эътибор қилсак, бу 714 йил март (ҳижрий 95 йил жумодул-охир) ойига тўғри келади¹...

Мусулмон аскар Иберия ярим оролининг шимоли-шарқи томон йўналиб, “Ас-Сағрул-аъла” деган минтақага етиб келди. Сўнгра Сарагоса шаҳрини (Оқ шаҳарни)² қийинчиликсиз фатҳ қилди³. Бу шаҳар Андалуснинг шимоли-шарқий минтақасидаги энг катта шаҳарлардан бири эди.

¹ Ал-Ҳажжий «Тарихул андалус» (91-бет).

² Ҳимярий «Ровзул миътар» (96-бет).

³ Ал-Маъаррий «Нафъут-тийб» (1/273).

Мусо ибн Нусайр бу шаҳарда бир муддат қолиб, қўшин сафларни тартиблади, масжид бино қилди. Масжиднинг қурилиш режаси ва қибласини машҳур муҳандис тобеин Ҳанаш ибн Абдуллоҳ Санъоний раҳимаҳуллоҳ чизди.¹ У Андалусга Мусо ибн Нусайр билан бирга келган эди.²

Сўнгра Мусо Сарагоса шаҳрининг атрофидаги минтақаларни фатҳ қилишга киришди. Жумладан, Уэска, Лерида, Таррагона ва Барселона шаҳарларини фатҳ қилди.³ Баъзи мусулмон футбол ишқибозлари кўз ўнгида Барселона деганда “Барселона” футбол жамоаси гавдаланса-да, бироқ бир замонлар Мусо ибн Нусайр ва Ториқ ибн Зиёддек мусулмон ўғлонлари бу шаҳарни фатҳ қилиб, у ерда Ислом билан ҳукм қилгани уларнинг хаёлига ҳам келмайди, десак муболаға бўлмас!

Кейин Франция билан Испанияни иккига айириб турган Пиреней тоғи ортига юриш бошланди. У жойларга Мусонинг ўзи борди⁴ ёки сарийя (қўшин) жўнатди. Мусулмон аскар Франциянинг жанубий минтақаларини қўлга киритди. Жумладан, Каркасон, Нарбонна, Авиньон ва

¹ Ибн Изарий «Ал-баян ал-муъриб» (2/96), Ҷимярий «Ровзул миътар» (4, 29, 97-бет), Ибнүл Фарозий «Тариху уламаил-андалус» (1/127) (391-раъам), Ал-Ҷажжий «Тарихул андалус» (91-бет) Ибн Шабботдан наъл қилган.

² Ибнүл Фарозий «Тариху уламаил-андалус» (1/125) (391-раъам), Ал-Маъаррий «Нафўут-тийб» (1/278, 3/7), Заъабий «Ал-иъбар» (1/119).

³ Ҷусайн Муънис «Фажрул Андалус» (103-бет), Абдуллоъ Анан «Давлатул ислам фил Андалус» (1/53), Суъайл Тоъуш «Тарихул муслимийн фил андалус» (101-бет).

⁴ Ҷусайн Муънис «Фажрул Андалус» (92-бет), Ибнүл Ҷутийя «Тариху ифтитаъл-андалус» (152-бет).

Рона водийсида жойлашган Лион шаҳри фатҳ қилинди¹. Сўнгра Мусо ибн Нусайр Сарагосанинг шимоли-Ғарбий томонида жойлашган Памплона² минтақасини фатҳ қилди. Фатҳ жараёнида тобеинлардан Ҳанаш Санъоний ва Али ибн Рабоҳлар шаҳид бўлишди.³

Ибн Изарий ва Ҳимярий сингари тарихчиларнинг хабар беришича, бу минтақада чорва ҳайвонлари сингари гап-сўзни тушунмайдиган халқлар бор эди.⁴

Мусулмон аскар Памплона минтақасидан Кастилияга йўналди, уни ҳам ишҒол этиб, Галисия минтақаси сари одим қўйди. Кейин Асторга шаҳрига етиб келди, бу жойда Мусо ибн Нусайр Сарагоса шаҳри фатҳидан кейин шимоли-Ғарбга томон йўл олган Ториқ ибн Зиёд билан учрашиб, сўнгра яна ажралишди. Ториқ ибн Зиёд шимолга — Леон шаҳрига, ундан кейин Ас-СаҒрул-аълага йўл олди. Мусо эса ушбу минтақадаги Баро қўрҒонини ҳамда Луго шаҳри ва қўрҒонини фатҳ қилди. Хихон шаҳрини Мусонинг ўзи ёки у жўнатган сарийя фатҳ қилди. Халифанинг фатҳни тўхтатиб, ортга қайтиш тўҒрисидаги буйруҒининг ижроси Луго шаҳридан бошланади, яъни келажакда Мусо Луго шаҳридан Дамашқ сари йўлга чиқади.⁵

¹ Ал-Маʼаррий «Нафʼут-тийб» (1/273–274).

² Наварра минтақаси.

³ Ибнул Фарозий «Тариху уламаил-андалус» (1/125) (391-раʼам), (1/310) (915-раʼам).

⁴ Ибн Изарий «Ал-баян ал-мўʼриб» (2/16), ʼимярий «Ровзул миътар» (56-бет).

⁵ Ал-ʼажжий «Тарихул андалус» (119–120-бет).

Шундай қилиб, Мусо ибн Нусайр Франциянинг жануби-шарқий минтақаларини ҳамда Андалуснинг шимоли-Ғарбий минтақаларини, яъни Галисия минтақаларини забт этди, фақат биргина «Саҳро Биладий» деб номланган, ҳозирги кунда Лос Пикос номи билан аталадиган минтақани фатҳ қилиш унга насиб қилмади. Бу минтақа Кантабрия тоғ тизмаси ҳудудида жойлашган бўлиб, Бискай кўрфазининг Атлантика океанига қўшилиш жойи қаршисидаги ҳудуддир.¹

Тарихчи Мақаррий Ибн Ҳайёндан шундай нақл қилади: «Мусо Ториққа ўз ҳамроҳлари билан олдинда юришни амр қилиб, ўзи эса аскари билан унинг ортидан борди. Улар Ас-Сағрул-аълага кўтарилиб, Сарагосани ва унинг ёнверидеги жойларини эгалладилар. Улар янги минтақаларга кириб борар ва Ториқ олдинда ҳаракат қилар ҳамда борган жойларини фатҳ қилиб ўтардилар. Оллоҳ уларга ўша жойлардаги нарсаларни Ғанимат қилиб берди. Оллоҳ кофирларнинг қалбига кўрқувни жо қилганидан уларнинг ақлларига сулҳдан бошқа чора келмас эди. Мусулмонлар ўша минтақаларни фатҳ қилиб бўлгандан кейин, Францияга йўл олишди. Уни фатҳ қилиб, Ғаниматларини қўлга киритдилар. Улар Франциянинг то Рона водийсига қадар етиб бордилар».²

Мусулмонлар Андалус фатҳини бошлаганларига уч ярим йил бўлди. Яъни ҳижрий 92–95/милодий 711–714

¹ Ибнул Асир «Ал-камил фит-тарих» (4/270), Ал-Мақаррий «Нафўут-тийб» (1/274–276).

² Ал-Мақаррий «Нафўут-тийб» (1/273).

йиллар орасидаги вақтда биргина ўлканинг шимоли-Фарбий қисмидаги Лос Пикос минтақаси ҳисобга олинмаса, Андалус тўлиқ фатҳ бўлган эди...

Мусо ибн Нусайр ва Ториқ ибн Зиёднинг Дамашққа чақирилиши

Мусо ибн Нусайр Лос Пикос минтақасига яқин масофада эди ва уни ҳам фатҳ қилишга ҳаракатни бошлаш арафасида турганида Дамашқдан халифа Валид ибн Абдулмалиқдан мактуб келди. Мактубда икки фотиҳ: Мусо ва Ториқ олдинга юришни (яъни ҳужумни) тўхтатиб, тезда Дамашққа қайтишларига буйруқ берилган эди.¹

Халифанинг мактубини Муғис Румий исмли чопар келтирди². Муғис Андалус ўлкасига Ғозий бўлиб кирган, Қуртуба фатҳида иштирок этгандан сўнг Дамашққа қайтган ва Андалусдаги вазият ҳақида халифага хабар берган эди. Сўнгра халифа уни Мусонинг олдига элчи қилиб жўнатди.³ Ўша дамда Мусо Галисия минтақасига ҳужум уюштираётган эди. У шу минтақага юришни охирига етказиб, бир неча кундан кейин қайтишга изн сўраб, амалиётини давом эттиради.⁴ Мусо Галисия минтақасидаги кўпгина жойларни фатҳ қилди, бу орада халифадан иккинчи элчи Абу Наср келди. Бу сафар халифа Валид ибн Абдулмалик Мусонинг зудлик билан қайтишини қаттиқ уқтирган эди. Шундан сўнг,

¹ Абдуллоҳ Анан «Давлатул ислам фил Андалус» (1/54).

² Ал-Маъаррий «Нафъут-тийб» (1/275) (3/14).

³ Ал-Маъаррий «Нафъут-тийб» (3/14).

⁴ Ал-Маъаррий «Нафъут-тийб» (1/276).

Мусо ибн Нусайр ноилож итоат қилиб, ортга қайтадиган бўлди.¹

Биринчи элчи билан иккинчисининг келиш орасида тўрт ой атрофида замон кечди.² Мусо Андалус тўлиқ фатҳ бўлмасдан олдин ортга қайтишга мажбур бўлаётганидан қаттиқ маҳзун бўлди, кўнглига чироқ ёқса ёришмай қолди. Чунки у Андалусдан кейин то Қўстантиниягача (ҳозирги кундаги Туркиягача) бутун Европани забт этиб, охир-оқибат шарқда муслмонларга тўсиқ бўлиб турган Қўстантинияни ҳам муслмонларнинг ҳукмига бўйсундиришни фикр қилган эди. Яъни Андалусни, ундан кейин Франция, Италия, Югославия, Руминия ва Болгарияни эгаллаб, ундан сўнг Туркияни фатҳ қилишни режа қилганди.

Халифанинг бу қарорга келишининг асосий сабаблари қуйидагилар эди:

— Муслмонларнинг бегона юртда узоқ замон бирор мадад ва иртиботсиз (алоқасиз) қолгани. Уларга қўшимча куч йўллашга бир неча ой, ҳатто йиллар кетиши аниқ эди. Чунки ўртадаги масофа узун ва зўр табиий ғов — денгиз бор эди. Дарҳақиқат, муслмонлар бу ўлкада устун бўлиб турган бўлсаларда, айти пайтда Андалусдаги насронийларга қараганда бир неча баробар оз эдилар, насронийлар бир ёқадан бош чиқариб, ҳужумга ўтгудек бўлса, муслмонлар

¹ Ал-Маʼаррий «Нафʼут-тийб» (1/280).

² Ал-ʼажжий «Тарихул андалус» (116-бет).

катта талофат кўришлари мумкин эди. Халифа Валид мана шундан чўчиганди.¹

— Шунингдек, Мусо ибн Нусайрнинг Европанинг қолган жойларини, сўнгра Кустантинияни фатҳ қилишни режа қилганидан хабар топган халифа Валид ибн Абдулмалик уни Дамашққа қайтариш қарорида қатъий туриб олди.² Чунки халифани уларнинг Андалус ўлкасида қисқа вақт ичида анча ичкарига кириб кетганларининг ўзиёқ хавотирга солган эди. Бу аскарнинг Европанинг қолган минтақаларига қараб юриш қилишлари жуда таҳликали эди. Алҳол, халифанинг қарори қатъий, шикоят ва эътирозларга ўрин қолмаган эди.

Олийҳиммат инсон

Бу ўринда қаҳрамонимиз Ҳаётига бир назар солишни лозим кўрдик. Доҳий инсонлардангина олийҳиммат фикр ва Ғоялар чиқади. Мусо ибн Нусайр раҳимаҳуллоҳ Европани ва ундан кейин Туркияни фатҳ қилишни фикр қилган чоғида 75 ёшда эди.³ Унинг ушбу ҳимматига қойил қолмасликнинг ҳеч иложи йўқ. Бир тасаввур қилинг, 75 ёшли киши тилга олинса, ёшини яшаб, ошини ошаб бўлган, мункайиб қолган, кекса чол кўз ўнгимизда гавдаланади. Бу ёшдаги инсон ёшлиқда елиб-югуриб, қариганда масжидда хотиржам ибодат қилиб, зикр ва тиловатлар билан машғул бўлишни, ёки икки оёғини

¹ Ал-Ғажжий «Тарихул андалус» (113-бет).

² Ибн Холдун «Тариху Ибн Холдун» (4/117–118), Ал-Мағаррий «Нафўутийб» (1/233–234).

³ Ал-Ғажжий «Тарихул андалус» (128-бет).

чўзиб чойхонада ёки тинч-сокин жойда сўри узра чойхўрлик қилишни, фарзандлари ва неваралари роҳатини кўришни, ёда томорқаси бўлса, эккан экинларини парвариш қилишни кўнгли тусайди. Лекин қаҳрамонимиз Мусо ибн Нусайр эса, ўз манфаатидан дин манфаатини устун қўйиб, залолати, куфр-ширки, бузуқ ахлоқлари билан улоқиб юрган одамларга ҳидоят неъматини улашишга Ҳарис бўлиб, гўё бундан маҳрум қилаётган халифадан хафа бўлган эди. Чунки халифа Валид ибн Абдулмалик уни Дамашққа чақиртирган эди. 75 ёшли Мусо Оллоҳ йўлида курашишдан маҳрум бўлганидан қаттиқ ғамгин бўлди. Шу ёшда бўлсада, жанг майдонида, нафс роҳатидан кечиб, дунёдан зоҳид юрибди. Отга миниб, жанг қилаяпти, ўрни келса шаҳарларни қамал қилиб, совуқни совуқ, иссиқни иссиқ демай, Оллоҳ йўлида юрибди, “мошаоллоҳ”, демасликнинг иложи йўқ! Бугунги кунимиздаги қарияларини қўятурайлик, «тоғни урса, талқон қилгудек» ёшларимиз ҳам нафс роҳати, ўзи ва оиласининг фаровон ҳаётидан бошқа нарсани ўйламай қўйганлар, Оллоҳ сақлаганлар бундан мустасно, албатта.

Ҳа, умматимиз ичидаги Мусо ибн Нусайр каби жонқуярларимиз сабаб Ислом дини оламга тарқалиб, олий бўлиб келган...

Мусо ибн Нусайр Ториқ ибн Зиёд билан Дамашқ сари отланиб, 714 йил март (ҳижрий 95 йил, жумодул-охир) ойида ёки сал олдин Толедодан шимолга қараб юришни бошлаган, деб эътибор қилсак, уларнинг Дамашққа қайтиши, аниқроғи Жабал Ториқ бўғозидан Мағрибга ўтишлари шу йилнинг

зулҳижжа (сентябр) ойига тўғри келди.¹ Шунда ўрта Ҳисобда етти ёки саккиз ой мобайнида Иберия ярим оролининг шимоли, шимоли-Фарбини ва Франциянинг жануби-шарқий минтақаларини эгаллади. Мусо Дамашққа қайтаркан, Луго шаҳридан Фажжуга келди ва шу ерда Ториқ билан учрашиб, Толедога, сўнгра Қуртубага, кейин Ишбилияга келишди. Мусо Ишбилияга келиб, ишларни тартибга солди ва Андалусга ўғли Абдулазизни волий этиб, Ишбилияни пойтахт деб эълон қилди.² Сўнгра жанубга Жабал Ториқ сари йўлга отланди. Мусо, Ториқ ва уларнинг Ҳамроҳлари шу йилнинг зулҳижжа (сентябр) ойида Жабал Ториқни кесиб ўтдилар...

Мусо ибн Нусайр Андалусда икки йилу тўрт ой давомида Ҳарбий амалиёт олиб борди³. Андалус фатҳи Ториф ибн Моликнинг разведка қилиб, қайтгани Ҳисобга олинмаса, уч ярим йил давом этган эди.

Андалус фотиҳлари Жабал Ториқ бўғозидан Сеутага томон денгизни кесиб ўтиб, Шимолий Африка сари йўл юриб, унинг пойтахти Қайравонга боришди. Мусо ибн Нусайр ўғли Абдулмаликни юқори Мағриб — Танжерга, катта ўғли Абдуллоҳни Африка — Қайравонга волий этиб тайинлади.⁴

¹ Ал-Маъаррий «Нафъут-тийб» (1/277).

² Ибн Холдун «Ал-иъбар» (4/255), Ал-Маъаррий «Нафъут-тийб» (1/234), «Ал-ўулал ас-сундусия» (2/203).

³ Ал-Маъаррий «Нафъут-тийб» (1/276–277).

⁴ Ал-Маъаррий «Нафъут-тийб» (1/277, 279, 286).

Мусо Қайравонда бошқарув ишларини йўлга қўйиб, Мисрга томон йўл олди ва 714 йил ноябр (ҳижрий 96 йил, рабиул аввал) ойида Қоҳира яқинидаги Ал-Фустот минтақасига етиб келди ва у ердан Дамашқ томон жўнади. Улар 715 йил январ (ҳижрий 96 сана, жумодул-аввал) ойида Дамашққа етиб келишди. Бу дамда халифа Валид ибн Абдулмалик касал бўлиб, тўшакка михланиб қолган эди. Валид ибн Абдулмалик шу йилнинг жумодул-охир ойининг ўрталарида, яъни Мусо ибн Нусайр келганидан 40 кундан кейин фоний дунёни тарк қилди.¹

Валид ибн Абдулмаликдан кейин, укаси Сулаймон ибн Абдулмалик Умавийлар халифалиги тахтига ўтирди (ҳижрий 96–99йиллар). Баъзи ривоятларда келишича, янги халифа Сулаймоннинг Мусо ибн Нусайрга ёмон муомала қилгани зикр қилинади². Агар бу ҳодиса жиддий бўлганида эди, халифа Мусонинг уч ўғлини ҳокимият тепасида қолдирмаган бўларди. Халифа Сулаймон Мусонинг Дамашққа келгунча Ғаниматларни тақсим қилганини инкор қилган бўлиши мумкин, дейди муосир муаррих Хусайн Муънис.³ Халифа дастлаб Мусога дарҒазаб бўлган бўлса ҳам, кейин ундан рози бўлган ва уни кечирган. Бу унинг ҳижрий 97 (милодий 716) санада Ҳаж сафарига отланганда Мусони ҳам таклиф қилганидан маълум бўлади.⁴

¹ Ал-Маъаррий «Нафъут-тийб» (1/272, 281), Ҳусайн Муънис «Фажрул Андалус» (107-бет).

² Ал-Маъаррий «Нафъут-тийб» (1/272, 273, 279–280, 283–285, 286).

³ Ҳусайн Муънис «Фажрул Андалус» (107-бет).

⁴ Ибн Изарий «Ал-баян ал-муъриб» (2/22), Заъабий «Ал-иъбар» (1/115–116), Ибн Халликан «Вафаятул аъйан» (5/329).

Мусо ибн Нусайр халифа Сулаймоннинг таклифи билан ҳажга отланаркан, Оллоҳ таолога дуо қилиб, ё Ўзининг йўлида шаҳид қилишини, ёки Пайғамбарининг шаҳри Мадинада жонини олишини сўради. Оллоҳ таоло унинг дуосини ижобат қилди:¹ ҳижрий 97 сананинг охирида ҳаж ибодатини бажариб қайтаркан, мужоҳид бандаси Мусо ибн Нусайрнинг руҳини Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шаҳри Мадинада олди ва у саҳобалар разияллоҳу анҳум ёнига дафн қилинди.² Қалбларнинг Оллоҳга боғлиқлигини қаранг, дуо қилса ижобат қилинди, субҳоналлоҳ! Мусо ибн Нусайр раҳимаҳуллоҳ ўшанда 78 ёшда эди.³

¹ Усайдий Ибн Даббаъ «Маъалимул ийман» (1/201), Абу Бакр Абдуллоъ ибн Муъаммад Моликий «Риязун-нуфус» (1/78).

² Ибнул Фарозий «Тариху уламаил-андалус» (2/146) (1456-раъам), Заъабий «Ал-иъбар» (1/115–116), Заъабий «Сияру аълам ан-нубула» (4/500), Ал-Маъаррий «Нафъут-тийб» (1/272), Ибн Халликан «Вафаятул аъйан» (5/329).

³ Ал-Маъаррий «Нафъут-тийб» (1/283).

Андалус фатҳи хусоласи



Бу беназир ва бебаҳо фатҳ Ислом тарихи саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзилишига арзиғуликдир. Мусулмонлар қисқа муддатда ва сон жиҳатдан кам бўлган аскар билан буюк Ғалабага эришдилар. Бу Ғалаба ҳақиқатда улуғ зафар бўлганди. Андалус ўлкасига кирган мусулмонлар атиги 30 минг киши эди, шунга қарамай, ўзларидан бир неча марта кўп ва тайёргарликда устун бўлган қўшин устидан Ғолиб бўлди. Мустаҳкам қўрғонли шаҳарлар ва қалъаларни фатҳ қилдилар. Мусулмонлар бундай муваффақиятга Оллоҳга бўлган иймонларининг қуввати, тақволарининг самараси ўлароқ эришдилар. Улар қўлларидан келгунича тайёргарлик кўриб, Оллоҳгагина таваккул қилдилар. Оллоҳ таоло ҳам Ўз нусратини инъом қилди. Мусулмон киши модомики иймонан бақувват бўлар экан, жанг майдонида мағлуб бўлса ҳам, Ғолиб саналади. Ҳақиқий мағлубият руҳиятнинг енгилишидир. Мусулмонлар эса, ҳар доим икки яхшиликдан бирига эришадилар: ё шаҳидлик, ё зафар қучиш.

«(Эй Муҳаммад), **айтинг: «Сизлар (эй мушрик, кофирлар!) биз учун фақат икки яхшилик (яъни, ё шаҳид бўлишимиз ёки Ғалаба қилишимиз)дан бирини кутмоқдасиз»¹.**

Шундай экан, мусулмонлар ҳар томонлама ҳам Ғолибдир. Мана олдимизда собиқ Ислом тарихи ва воқеий

¹ Тавба: 52.

тарихимиз, улар айна кўринишда такрорланиб, ўзгармас қонунни таъкидлаб келмоқда...

Исломиё фатҳнинг мақсади, Ҳарбий юришнинг вақтинчалик тўхташи ёки тугаши билан тамомига етмайди, балки ўша нуқтадан бошланади, десак тўғри бўлади. Исломни баён қилиш, унга даъват қилиш фатҳдан кейин бошланадиган асосий мақсаддир. Ширк ва залолатни йўқотиб, Ислом ва адолатни барпо қилиш ҳақиқий фатҳдир. Андалус ўлкасининг фатҳи мўъжизанинг ўзидир. Ёдга олайлик, 30 минг мусулмон аскар Андалусга бир вақтда келмаган, дастлаб Ториқ ибн Зиёд бошлиқ 12 минг (7 минг, сўнгра 5 минг) аскар келган ва урушда бу аскарнинг ҳам 1/4 бўлаги йўқотилган эди. 3/4 қисми, яъни 9 мингги қолиб, у ҳам шаҳар ва қишлоқларга тарқалиб кетди. Лекин улар мустаҳкам ва қувватли шаҳарларга қарши курашиб, буюк фатҳни амалга оширдилар, бу мўъжизанинг ўзидир.

Алҳол, Мусо ибн Нусайр шарққа қайтиши билан Андалуснинг шимолида исломий фатҳлар ҳам тўхтади. Андалуснинг биринчи фотиҳи Ториқ ибн Зиёд раҳимаҳуллоҳнинг Дамашққа келгандан кейинги тарихи, тарихий манбаларда зикр қилинмагани боис номаълумлигича қолади. Муаррих Мақаррийдан келган бир ривоятда, халифа Сулаймон ибн Абдулмалик Ториқни Андалусга волий қилмоқчи бўлганига ишора қилган¹, холос. Бундан кейинги воқеалар номаълум, у Андалусга кетганми, ёки Мағрибга қайтганми, Ҳарқалай тарих китобларида зикри ўтмаган. Лекин унинг номи Андалус тарихи ва Ислом

¹ Ал-Мақаррий «Нафўут-тийб» (3/13).

тарихида буюк фотиҳлар қаторига битилди ва Ҳамон Оллоҳнинг раҳматини ўз ичига олган хайрли дуолар ила ёдга олиниб келмоқда...

Шу билан Иберия ярим ороли, яъни Андалус ўлкаси фатҳи ниҳоялаб, Андалус тарихидаги янги давр — волийлар даври (عهد الولاية) саҳифаларига келиб қолдик...

Волийлик даври

Самҳ ибн Молик Хавлоний даври (100–102 ҳ.с.)

Волийликлар даври Андалус фатҳининг бевосита давоми Ҳисоблангани учун, унга янги ном бермаган ҳолда Андалус фатҳининг давоми сифати келтиришни маъқул кўрдик. Бу бўлимда баъзи волийлар даврини зикр қилиб ўтаемиз. Улардан ўша даврдаги Умавийлар хилофати томонидан сайланган илк волий Самҳ ибн Молик Хавлоний бўлиб, у Андалуснинг тўртинчи волийси саналади.¹ У 719 йил апрел (ҳижрий 100 йил, рамазон) ойида халифа Умар ибн Абдулазиз раҳимаҳуллоҳ томонидан Андалус волийси этиб тайинланди.²

716 йил март (ҳижрий 97 йил, ражаб) ойида Андалуснинг дастлабки волийси Абдулазиз ибн Мусо ўлдирилгандан кейин³, Андалус аҳли Айюб ибн Ҳубайб Лахмийни волий этиб сайлади. У Мусо ибн Нусайрнинг сингилисининг ўғли эди. У бор-йўғи 6 ой атрофида волийлик қилди⁴. Ундан сўнг Африка волийси Муҳаммад ибн Язид томонидан 716 йилнинг август (ҳижрий 97 йил, зулҳижжа) ойида Ал-Ҳур ибн Абдурраҳмон Сақофий волий этиб

¹ Ал-Мақаррий «Нафъут-тийб» (1/299) бетдаги волийлар кетма-кетлигига қаранг. Китобнинг 136-бетига қаранг.

² Ал-Қажжий «Тарихул андалус» (137-бет).

³ "Ахбару мажмуъа" (28-бет), Қумайдий "Жазватул муқтабис фи зикри вулатил андалус" (7/289, 290), Ибн Изарий "Ал-баян ал-муқриб" (2/25), Ал-Мақаррий "Нафъут-тийб" (1/281).

⁴ "Ахбару мажмуъа" (28-бет), Ибн Изарий "Ал-баян ал-муқриб" (2/25), Ал-Мақаррий "Нафъут-тийб" (1/234, 3/14).

тайинланди.¹ У уч йил волийлик қилди. Бу орада Умавийлар халифаси Сулаймон ибн Абдулмалик 717 йили сентябр (ҳижрий 99 йил, сафар) ойда оламдан ўтди ва унинг ўрнига Умар ибн Абдулазиз халифа бўлди.²

Халифаи рошид Умар ибн Абдулазиз (61–101/680–720) икки ярим йил хилофат тепасида турди (99–101/717–720)³. Бу қисқа давр ичида бутун Ислом олами гуллаб яшнади, юртда тинчлик, омонлик, тўкин-сочинлик ва адолат ҳукм сурди. Умар ибн Абдулазиз Андалусга Самҳ ибн Молик Хавлонийни волий этиб тайинлангани унинг Ҳасанотларидан саналади. Ислом тарихида ўчмас из қолдирган раббоний йўлбошчилар жумласидан Самҳ Хавлоний раҳимаҳуллоҳдир. Самҳ Хавлоний Франциянинг жануби-ғарбий минтақаларини тўлиқ фатҳ қилиб, сўнгра Септимания минтақасига асос солди. У ҳозирги кундаги Ницца Лазур соҳили минтақаларидир⁴. Бугунги кунда бу жойлар сайёҳлар зиёрат қиладиган гўзал бир макондир. Самҳ Хавлоний бир томондан минтақаларни фатҳ қилган бўлса, бошқа жиҳатдан одамларнинг қалбини ҳам очди.

Мусулмонлар Оллоҳ таолонинг: **«Шунингдек, (яъни Ҳақ йўлга Ҳидоят қилганимиз каби), сизларни бошқа одамлар устида гувоҳ бўлишингиз ва Пайғамбар**

¹ "Ахбару мажмуъа" (29-бет), Ибн Изарий "Ал-баян ал-муъриб" (2/25), Ал-Маъаррий "Нафъут-тийб" (3/14).

² Табарий "Тарихул умам вал-мулук" (4/57 - 59), Заъабий "Тарихул ислам" (6/382), Ибн Касир "Ал-бидаяту ван-ниҳоя" (9/200).

³ Табарий «Тарихул умам вал-мулук» (4/59), Ибн Касир «Ал-бидаяту ван-ниҳоя» (9/217).

⁴ Хушаний «Ўузоту ўуртуба» (9-бет) га ўаранг.

сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун ўрта (адолатли) бир миллат қилдик»¹

«Ораларингиздан яхшиликка (Исломга) даъват қиладиган, ибодат-итоатга буюрадиган ва исён-гуноҳдан қайтарадиган бир жамоат бўлсин. Ана ўшалар нажот топгувчи-лардир»²

«(Эй уммати Муҳаммад), одамлар учун чиқарилган миллатларнинг энг яхшиси бўлдингиз. Зеро, сиз яхши амалларга буюрасиз, ёмон амаллардан қайтарасиз ва Оллоҳга иймон келтирасиз»³ каби оятларга ва пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Сизларнинг энг яхшингиз — Қуръонни ўрганган ва ўргатганингиздир»⁴, «Мендан бир оятни бўлса ҳам етказинг»⁵, деб марҳамат қилган ҳадисларига амал қилароқ даъватда қоим ва бардавом бўлдилар. Умар ибн Абдулазиз ҳижрий 100 йилда Шимолий Африка ва Андалусга Исломга даъват, динни ва Қуръонни таълим бериш учун ўнта тобеин олимларни жўнатди.

Улар: Исмоил ибн Убайд Ансорий Тожируллоҳ (107 ҳ.с. Ал-баҳрда вафот этган)⁶, Абу Абдулҳамид Исмоил ибн

¹ Баъра: 143.

² Оли Имрон: 104.

³ Оли Имрон: 110.

⁴ Бухорий ривояти, «Жомиъул усул фи аъъадийси ар-расул» (8/507).

⁵ «Жомиъул усул» (8/19).

⁶ Ибн Даббаъ "Маъалимул ийман" (1/191), Абу Бакр Абдуллоъ "Риязун-нуфус" (1/69).

Убайд (132 ҳ.с. Қайравон)¹, Абу Сумома Бакр ибн Савода Жузомий (128 ҳ.с.)², у Андалусга борган уч кишининг бири бўлиб, ривоятларда айтилишича, у Андалус денгизларидан бирида чўкиб шаҳид бўлган³, Абу Саъид Жуъсул Ҳаъон (115 ҳ.с.)⁴, Абу Наср Ҳиббон ибн Абу Жалаба Қураший (125 ҳ.с. Қайравон)⁵, бу киши Андалусга борган уч кишининг биридир⁶, Абу Масъуд Саъд ибн Масъуд Тужжий (Қайравон)⁷, Толқ ибн Жабон (ёки ривоятларга кўра Жаънон) Форисий⁸, Абул Жаҳм Абдурраҳмон ибн Рофиъ Танухий (113 ҳ.с. Қайравон)⁹, Абу Абдурраҳмон Абдуллоҳ ибн Язид Ифриқий Ҳубулий (100 ҳ.с. Қайравон) Андалус фатҳи

¹ Ибн Даббаъ "Маъалимул ийман" (1/203), Абу Бакр Абдуллоъ "Риязун-нуфус" (1/70 - 76).

² Ал-Маъаррий "Нафъут-тийб" (3/56), "Ат-такмила" (1/215, раъам: 573).

³ Абу Бакр Абдуллоъ "Риязун-нуфус" (1/74), Ибн Даббаъ "Маъалимул ийман" (1/213), ʻУмайдий "Жазватул муътабис" (1/108).

⁴ Абу Бакр Абдуллоъ "Риязун-нуфус" (1/75), Ибн Даббаъ "Маъалимул ийман" (1/202).

⁵ Абу Бакр Абдуллоъ "Риязун-нуфус" (1/73), Ибн Даббаъ "Маъалимул ийман" (1/209), Ал-Маъаррий "Нафъут-тийб" (3/9).

⁶ Ибнул Фарозий "Тариху уламаил-андалус" (1/123).

⁷ Ибн Даббаъ "Маъалимул ийман" (1/184), Абу Бакр Абдуллоъ "Риязун-нуфус" (1/66).

⁸ Ибн Даббаъ "Маъалимул ийман" (1/215), Абу Бакр Абдуллоъ "Риязун-нуфус" (1/76).

⁹ Ибн Даббаъ "Маъалимул ийман" (1/198), Абу Бакр Абдуллоъ "Риязун-нуфус" (1/72).

иштирокчиларидан ¹, Мавҳаб ибн Ҳиббий Маъафирий (Қайравонда вафот этган)².

Улардан учтаси зиммаларидаги буюк омонатни адо қилгани Андалусга равона бўлдилар. Қолганлари Африкада қолиб, дин таълимига бел боғладилар³. Андалусга халифа Умар ибн Абдулазиз томонидан юборилган уч тобеиндан ташқари, Мусо ибн Нусайр билан бирга ўнлаб тобеинлар бўлган ва улар Исломни нозил бўлганидек соф ҳолатида халққа етказишга муваффақ бўлдилар.⁴

Самҳ Хавлоний барча ишларини халифа Умар ибн Абдулазиз раҳимаҳуллоҳ билан бомаслаҳат олиб борарди. Самҳ Хавлоний халифанинг амри билан Андалусда адолатни қоим қилди, нафақат мусулмонлар, юртдаги яҳудий ва насронийлар ҳам хотиржам ўз ибодатларини қилиш, деҳқонлар мустақил экин экиб, ҳосил етиштириш имконига эга бўлдилар.⁵

Самҳ Хавлоний 719 (101 ҳижрий) йилда халифа Умар ибн Абдулазизнинг ташаббуси билан машҳур **Кўртуба кўпригини бунёд қилди**⁶. Ушбу кўприк Гвадалquivир дарёси

¹ Ибн Даббаъ "Маъалимул ийман" (1/180), Абу Бакр Абдуллоъ "Риязуннуфус" (1/64), Ал-Маъаррий "Нафъут-тийб" (3/9).

² Ибн Даббаъ "Маъалимул ийман" (1/213), Абу Бакр Абдуллоъ "Риязуннуфус" (1/73).

³ Ибн Изарий «Ал-баян ал-муъриб» (2/48), «Тобаъот» (84).

⁴ Ал-Нажжий «Тарихул андалус» (152–156-бет) га Шаранг.

⁵ «Ахбару мажмуъа» (23–24-бет), Ибн Изарий «Ал-баян ал-муъриб» (2/26), Ал-Маъаррий «Нафъут-тийб» (1/235, 3/15), Заъабий «Ал-иъбар» (4/257), Ёусайн Муънис «Фажрул Андалус» (459-бет).

⁶ «Ахбару мажмуъа» (24-бет), Ёимярий «Ровзул миътар» (156-бет).

устидан ўтган. Бу кўприк 17 та равоқ (арка)дан ташкил топган бўлиб, ҳар бир равоқ ораси 50 қарич ва ҳар бир равоқнинг эни ўз навбатида 50 қаричдан, кўприкнинг эни эса 30 қарич бўлиб, сув сатҳидан 30 зироъ баланд қилиб қурилган эди¹. Яъни ҳар бир равоқнинг эни тақрибан 12 метр (11,5), кўприкнинг эни 7 метр (6,9), сув сатҳидан баландлиги 15 метр, кўприкнинг узунлиги эса, 400 метрга (391) тенгдир². Бу кўприк муҳим аҳамиятга эга бўлиб, жанубий Андалусни Қуртуба ва Шимолий Африка билан боғлаб турарди³. Бу кўприк ҳозирги кунимизда ҳам ўз мавқеини сақлаб қолган ва Рим кўприги деб аталади. Бунга сабаб бу кўприк илк бор римликлар томонидан қурилган бўлиб, Самҳ Хавлоний даврида у тамоман бузилиб кетган эди. Юқорида зикр қилганимиздек, у бу кўприкни бутунлай қайтадан бунёд қилди.

Самҳ Хавлоний Андалус ва Францияда то Раббисига шаҳид ўлароқ йўлиққунига қадар Ислом таълими ва даъватини йўлга қўйди. У 721 йил 9 июн (ҳижрий 102 йил, арафа) куни Тулуз минтақасидаги жангда шаҳодат келтирди.⁴

¹ «Сифатул андалус» (212-бет), «Ал-Ўулал ас-сундусия» (1/144).

² Ал-Маъаррий «Нафъут-тийб» (1/482). Бир қарич тақрибан 23 см, бир зироъ ярим метрга тенг. Муъаммад Раввос Ўлижий ва Ўмид Содиқ Ўанибий «Мўъжаму луотил фуъаъо» (1/256, 2/48).

³ «Қуртуба хазиратул хилафа фил андалус» (1/97), Ўусайн Муънис «Фажрул Андалус» (139-бет), Абдуллоҳ Анан «Давлатул ислам фил Андалус» (1/75).

⁴ Ал-Маъаррий "Нафъут-тийб" (3/15), Ибн Холдун "Тариху ибн холдун" (4/118), Dom Vissitte: ibid; (I. p. 781 & 784). Ибн Изарий "Ал-баян ал-муъриб" (2/25) да Торсуна минтақаси деб хабар берган, лекин бу хатодир.

Анбаса ибн Суҳайм даври (103–107 ҳ.с.)

СамҲ Хавлоний жанг майдонида шаҳид бўлгандан сўнг, Андалус аҳли унинг ўрнига Абдурраҳмон ибн Абдуллоҳ Гофиқийни амир этиб сайлади. У ўзининг аскарӣ маҳорати билан муслмон аскарни бирлаштирди. Сўнгра муслмонлар қўшини 721 йилнинг июн (102 йил зулҳижжа) ойда Франциядаги амалиётларни битириб, Андалусга қайтди. Бу Абдурраҳмон Гофиқийнинг биринчи волийлиги бўлиб, атиги икки ой давом этди. Бахтга қарши икки ойдан кейин Африка волийси Бишр ибн Сафвон Калбий уни мансабидан четлатиб, ўрнига Анбаса ибн Суҳаймни волий қилди. Бу 721 йилнинг август (ҳижрий 103 йилнинг сафар оyi)га тўғри келган эди¹. Юқорида Умар ибн Абдулазиз халифалиги даврида Андалус Африкага эмас, бевосита хилофатга бўйсунуши ҳақида зикр қилгандик. Лекин ундан кейинги халифа Язид ибн Абдулмалик (720–724 м.с.) бу қарорни бекор қилиб, уни яна Африканинг таркибига киритган эди².

Анбаса ибн Суҳайм Ислом тарихида муҳим ўрни бўлган художўй, тақводор, омилкор саркарда, моҳир чавандоз, ҳақиқий рижол ва зўр бошқарувчи эди. Унинг волийлик даври уч йил, яъни 103–107/722–725 йилгача

Чунки Торсуна минтақаси Андалуснинг шимоли-шарқидаги амалиётларга киради. Булбуки, СамҲ Хавлоний Франциядаги Тулуз минтақасидаги амалиётлар чоғида шаҳид бўлади. Абдуллоҳ Анан "Давлатул ислам фил Андалус" (1/76) га қаранг.

¹ Ал-Аздий "Тарихул улама вар-руввати лилилми бил андалус" (1/386), Ибнул Асир "Ал-камил фит-тарих" (4/377, 5/120), Ибн Изарий "Ал-баян ал-муқриб" (2/27, 3/16), Заабий "Тарихул ислам" (7/209).

² Абдуллоҳ Анан "Давлатул ислам фил Андалус" (1/82).

давом этди ¹. У Ислоннинг шавкатини, қувватини юксалтирди. Янги-янги минтақаларга Ислонни, Ислон тамаддунини, адолатни олиб кирди.

У Ҳам Пиреней тоғи ортига юришларни давом эттириб, 724 йилнинг бошлари (105 Ҳижрий ойнинг охирлари)да шимолга Ғозий ўлароқ сафарга чиқди. Пиреней тоғидан ўтиб, Септимания минтақасига юриш қилди. Бу минтақа Тулуз мағлубиятидан кейин анча заифлашган ва кўп жойларини қўлдан бой берган эди. У Каркасон шаҳрини бир муддат қамал қилиб, сўнгра сулҳ асосида фатҳ қилди. Сўнгра Ним шаҳрини ишғол қилди. Анбаса ибн Суҳайм шимолга юриб, Рона дарёсини кесиб ўтади ва Бургундия, Отён шаҳарларига Ҳужум қилиб, уларни ўз амрига бўйсундиради. Сўнгра Франция пойтахти Париждан 120км узоқликда жойлашган Санс минтақасига Ҳужум уюштирди. Бундан кўринадики, Анбаса раҳматуллоҳи алайҳи Франциянинг тақрибан 70 фоизга яқин қисмини ишғол қилган, шунингдек, ўша минтақаларга Ислонни олиб кирган эди. Анбаса ибн Суҳайм жанубга томон қайтишида француз қўшини Ҳамласига учради² ва бир нечта жойидан жароҳат олди. У Андалусга қайтаркан, ўша жангдаги жароҳатлари таъсирида 725 йили декабр (Ҳижрий 107 йил, шаъбон)да шаҳодат

¹ Ибн Изарий "Ал-баян ал-муъриб" (2/27), Ал-Маъаррий "Нафъут-тийб" (1/235).

² Аз-Зириклий "Ал-аълам" (5/91), Абдуллоҳ Анан "Давлатул ислам фил Андалус" (1/82). Анбаса ибн Суҳаймнинг юришлари ўаъида кенгроъ маълумотларни олмоъчи бўлганлар Шакиб Арслон "Ўазавотул араб фи франса ва сувайсира ва ийтоля ва жазоирил баърирл мутавоссит" (73–86), Ўусайн Муънис "Фажрул Андалус" (210–215-бет)га шаранг.

келтирди¹. Муслмон аскар Қаттиқ изтиробда Ярим оролга қайтди.

Анбаса ибн Суҳаймдан сўнг вазият бир мунча ўзгарди, яъни ишлар орқага кетди. Ундан сўнг беш йил (яъни 107–112 ҳ.с./725–730 м.с.) ичида олтита волий алмашди. Бу орада Африка волийси Бишр оламдан ўтди, унинг ўрнига Убайда ибн Абдурраҳмон Суламий волий бўлди. У Андалусга дастлаб Усмон ибн Абу Насъа Хосамийни, кейин Ҳайсам ибн Убайд Килабий (ёки ривоятларга кўра Киноний)ни волий қилиб жўнатди.

Ҳайсам Килабий даврида муслмонлар орасида миллатчилик авжига чиқиб, ихтилоф ва фитналар бошланди, араб билан барбар орасига шайтон оралади. Оллоҳ бу ўлкани муслмонларга бўйсундиргандан буён Ҳали бундай фитна юзага келмаган эди. Араблар билан барбарлар орасида можаро, жанжал ва курашлар содир бўлди². Сўнгра Оллоҳ таоло муслмонларга Ўзининг катта неъматини инъом қилиб, уларнинг сафларини бирлаштирадиган, ўртада пайдо бўлган низо ва гина-кудуратларга чек қўйиб, аланга олган миллатчилик, ирқчилик оташини ўчирадиган, Исломдаги олтин қоидани — “муслмонлар фақат тақво билангина бир-биридан фазилатли бўлишади”, деган қоидани Ҳаётга татбиқ қиладиган бир кишини чиқарди. Бу киши Абдурраҳмон Фофиқий раҳимаҳуллоҳ эди.

¹ Ибнул Асир "Ал-камил фит-тарих" (4/377), Ал-Мақаррий "Нафўт-тийб" (1/235, 3/16), Ибн Изарий "Ал-баян ал-муўриб" (2/27), ʻУмайдий "Жазватул муўтабис" (6/319).

² Шакиб Арслон "Ўазавотул араб" (86–87).

Абдурраҳмон Ғофиқий даври (113–114 ҳ.с.)

Унинг тўлиқ исми Абдурраҳмон ибн Абдуллоҳ ибн Бишр ибн Сорим Ғофиқий Аккий эди. У Ямандаги Ал-Акк қабиласининг тармоғи бўлган Ал-Ғофиқ қабиласидан эди. Куняси Абу Саид бўлиб, тобеинлардан эди.¹ У Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ҳадис ривоят қилган, Умар ибн Абдулазиз ва Абдуллоҳ ибн Иёз ундан ривоят қилишган.²

Тарихчи Хумайдий унинг Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ҳадис ривоят қилгани, ундан Умар ибн Абдулазиз ривоят қилганини, солиҳ бўлгани, гўзал тадбирли волий бўлиб, Румга бир неча бор Ғазот қилгани ва Ғаниматларни адолат билан тақсим қилганини зикр қилади.³

Абдурраҳмон Ғофиқий қатъиятлилик сифати билан кўзга ташланиб турарди. Бу сифат ҳар бир бошлиққа таъбир жоиз бўлса, ҳаводек зарур бўлган сифатдир. Чунки зарур ўринда муносиб қарорни қабул қилиш табиблар тили билан айтганда, “тўғри ташхис ярим даво” деганидек, муваффақиятли натижага олиб келади. У мусулмонлар сафларини бирлаштириб, Оллоҳга тақво қилишга чақирди, аскарий тайёргарликни ухувват ришталарини мустаҳкамлаган ҳолатда амалга оширди, армиянинг қувватланишига олиб келадиган сабабларнинг барчасини лозим тутди.

¹ Ал-Аздий «Тарихул улама вар-рувват» (1/298), Аз-Зириклий «Ал-аълам» (3/212).

² Заъабий «Тарихул ислам» (7/414).

³ Хумайдий «Жазватул муътабис» (7/274, 275).

У волийлик даврида кўпгина вилоятларга шахсан ўзи бориб, жойларда тартиб ўрнатди, насронийларга ҳам поймол қилинган ҳуқуқлари, канисалари, тортиб олинган ерларини қайтариб берди. Ўлкада янгидан адолат ҳукм сурди. Абдурраҳмон Ғофиқий қатъиятли омилкор саркарда бўлиши билан бирга гўзал хулқ соҳиби ҳам эди¹. Зеро, у башарият саййиди, тақводорлар имоми Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга йўлдош, ваҳий нозил бўлишига гувоҳ бўлган саҳобийлар таълимини олган эди. Унинг барча олийжаноблик сифатларини мусаффо исломий тарбия булоғидан насибадор бўлганига боғлаймиз.

Абдурраҳмон Ғофиқий пухта тайёргарлик кўргандан сўнг, ўзидан олдинги фотиҳлар йўлидан юриб, Франция ерларига лашкар тортди. У бошқалар қадам босмаган янги минтақаларни фатҳ қилди. Жумладан, Арль шаҳрини ишғол қилиб, Бордо шаҳрига юриш қилди, сўнгра Тулузни, кейин Тур шаҳрини фатҳ қилди.

Балатуш-шухада жанги

Абдурраҳмон Ғофиқий юқоридаги зикри ўтган минтақаларни эгаллаб, уларни муслмонлар ҳукмига бўйсундиргандан кейин Пуатье² деган жойга келди. Бу минтақа Париждан 300км Ғарбда, Куртубадан 1000км Узоқликда жойлашган шаҳардир. Ғофиқий бу минтақада Ал-Балат деб номланган жойга ҳарбий лагер қуриб,

¹ Ғумайдий «Жазватул муфтабис» (7/273, 275), Ал-Маъаррий «Нафут-тийб» (3/15).

² Фр. Poitiers.

насронийларни қарши олиш учун Ҳозирлик кўра бошлади. Балат сўзи — қаср, сарой деган маънони билдиради. Бу минтақада Қадимий бир қаср бўлгани учун шундай деб аталган, деб хабар беради доктор Сиржоний.¹

Ўшанда мусулмон аскарнинг сони 50 минг эди. Шунинг учун Франция Ҳудудига кирган энг катта мусулмон аскар Ғофиқийнинг аскари саналади.² Бу минтақада юз берган жанг тарих саҳифаларига «Вақъатул-балат» (Балат жанги)³, «Ғозватул-балат» (Балат Ғазоти)⁴, «Балат аш-шуҲадо» (Шаҳидлар қасри)⁵ номлари билан битилди.

Аччиқ ва фожиали кечган Ҳодиса 10 кун давом этиб, мусулмонларнинг аянчли мағлубияти билан якун топди. Паҳлавон Абдурраҳмон Ғофиқий шаҳид бўлди. Бу жанг 732 йилнинг октябр–ноябр (Ҳижрий 114 йил, рамазон) ойларида содир бўлди⁶. Жанг майдони Тур шаҳри билан Пуатье шаҳри орасида, Париждан тахминан 200км жанубда жойлашган минтақада содир бўлганди.⁷ Жанг содир бўлган жой аниқ зикр қилинмагани боис, Ғарб адабиётларида ҳам ё Тур

¹ Сиржоний «Иссатул-Андалус» (97-бет).

² Ёусайн Муънис «Фажрул Андалус» (227-бет).

³ Ал-Маъаррий «Нафъут-тийб» (3/15) Ибн Ғаййондан наъл ёилган.

⁴ Ал-Маъаррий «Нафъут-тийб» (3/16) Ибн Башкувалдан наъл ёилган.

⁵ Ал-Маъаррий «Нафъут-тийб» (1/236) Ибн Холдундан наъл ёилган, (3/16) Ибн Ғаййондан наъл ёилган, Ибн Изарий «Ал-баян ал-муъриб» (1/51).

⁶ Ал-Ғажжий «Тарихул андалус» (193-бет). Histoire de l'Espagne Musulmane, I, 62 (Sp.tr., IV, 37) га ёаранг.

⁷ Ал-Ғажжий «Тарихул андалус» (194-бет).

шаҳрига¹, ё Пуатье шаҳрига², ёки бу икки шаҳар орасидаги маконга³ нисбатланган.

«Балат аш-шуҳадо» жанги ҳақида мусулмон тарихшунослари батафсил маълумот бермаганлар, аммо Ғарб адабиётлари ҳаддан зиёда тафсилотларни зикр қиладилар. Тадқиқотчи муаррих профессор Хусайн Муънис бу ҳодисани ўрганиб чиқиб, шундай дейди: «Бу жангнинг тафсилотлари келмаганини битта сабаб билан изоҳлаш мумкин: бу жангда мусулмонлар аччиқ мағлубиятга учраши натижасида ўша пайтдаги ровийлар уни зикр қилишни хуш кўрмаган, алал-оқибат аста-секин бу ҳодиса унутилиб, кейинги авлодларга фақат мусулмонларнинг Ҳижрий 114–115 йилларда хунук мағлубиятга учрагани ҳақидаги хабаригина етиб келган».⁴

Ислом тарих китобларида маълумотлар етарли бўлмагани боис, бу жанг ҳақидаги маълумотларнинг бари Ғарблик тарихшунос ва таҳлилчиларнинг сўзларига бориб тақалади. Улар бу жангни ўзларининг буюк Ғалабаси ва мусулмонларнинг аччиқ мағлубияти сифатида жуда муболаға ва тўқималар билан изоҳлашга киришганлар. Улар орасида бу жангни насронийларнинг жадал суръатла бостириб келаётган мусулмонлар қўлида фанога учрашдан қутулишлари, деб қараганлари ҳам бор. Шундай қилиб, жанг тафсилотлари европача ривоятлардангина олинган.

¹ Muslim colonies, Reinaud, 49 n., 50 (Тариху Ғазавот, 118, 131).

² Muslim colonies, 51 (Тариху Ғазавот, 131).

³ Histoire, I, 61–2 (Sp.tr., IV, 37).

⁴ Хусайн Муънис «Фажрул Андалус» (227-бет).

Келинг, уларнинг баъзи тасарруфларига тўхталиб, сўнгра мусулмон олимларнинг бу маълумотлар юзасида айтган фикрларига назар солайлик. Ғарб адабиётлари жанг тафсилотлари Ҳақида келтирган сабабларнинг баъзиларини муболаҒаларсиз бўлганларини ва мантиққа яқинларини, гарчи уни тасдиқлаш ёки инкор қилиш тўғри бўлмасада, келтириб ўтамиз. Улар насронийларнинг Ғолиб бўлиши ва мусулмонларнинг мағлубиятини қуйидаги сабабларга боғлайдилар:

1. Мусулмонлар қўлида Ғаниматлар кўпайиб, уларга фитнаганиб қолдилар. Яъни Абдурраҳмон Ғофиқий босиб олган жойлардан тўплаган улкан Ғаниматларни ўзи билан олган ва Балат минтақасига олиб келган эди. Жанг бошланиб, шиддатли тарзда 9 кун давом этди, Ҳатто мусулмонлар насронийлардан устунлик қила бошлади. Шунда насроний аскарлардан баъзилари мусулмонлар олиб келган Ғаниматларга Ҳамла қилди, буни кўрган мусулмонлар Ғаниматлар сари орқага қайтди, Абдурраҳмон Ғофиқий уларни жанг майдонига қайтаришга Ҳаракат қилаётган бир пайтда унга ўқ тегиб, жонсиз Ҳолатда отдан йиқилди. Бундан ташқари, мусулмонлардан кўпи ўлдирилди.

2. Мусулмон аскар орасидаги ихтилоф. Яъни Ғаниматлар кўпайганидан-кўпайди ва бу ўз навбатида мусулмонлар ичида парокандаликка олиб келди. Араблар Ғаниматларнинг кўпига биз эга бўлишимиз керак, чунки биз сиздан афзалроқмиз деса, барбарлар бу ўлкаларни биз фатҳ

қилдик, дедилар. Бу Ҳодисанинг юз бергани маъруф ва муттафақун алайҳи, дейди доктор Сиржоний.¹

Фарб адабиётларида келган бу сабабларга қўшимча қилиб, муслмонларнинг адади кўп бўлганини ҳам қўшиш мумкин.

3. Муслмон аскар ўша кунда 50 мингга етган эди. Ҳолбуки, Андалус ўлкасида ҳали бунча катта муслмон аскар жамланмаган эди. Улар сонининг кўплиги Ғурурланиш ва ўзларини беҳожат санашларига олиб келган бўлиши мумкин. Натижада Ҳунайн куни такрорланди,

«Ҳунайн кунини (эсланглар)! Ўшанда сизларни кўп эканлигингиз мағрур қилиб қўйган эди, аммо у (яъни, саноғингизнинг кўплиги) сизларни ҳеч нарсадан беҳожат қила олмади (қутқариб олмади) ва сизларга кенг ер торлик қилиб қолди, сўнг юз ўғирган ҳолингизда чекиндингиз!».²

Шу кунгача ва бундан кейин ҳам муслмонлар жангларда сонларининг кўплиги ва тайёргарликнинг зўрлиги сабаб нусратга эришмади ва эришмайдилар ҳам, балки улар Оллоҳга бўлган иймонларининг қуввати ва тақволари билан, гуноҳ ва маъсиятлардан узоқ бўлишлари билан душман устидан ғолиб бўлган ва бўладилар.

Ушбу жангда насронийлар Чарльз Мартел бошчилигида 140 минг лашкари билан Балат минтақасига келди. Кўриб турганимиздек, насронийлар муслмонлардан

¹ Сиржоний «Исбатул-Андалус» (99-бет).

² Тавба: 25.

саккиз баробар кўп эди. Икки тараф орасида уруш бошланди, тўққиз кун давом этган шиддатли жангда Ғолиб томон Ҳали номаълум эди. Ўнинчи кун юқорида ишора қилинган Ҳодиса юз берди, яъни Ғаниматлар сари орқага қайтган мусулмонлар маҒлубиятга учради ва бошлиқлари Абдурраҳмон Ғофиқий шаҳид қилинди. Мусулмонларда катта йўқотиш бўлди. Баъзи Ғарб манбаларида мусулмонлардан 375 минг киши ўлдирилгани айтилади. Бу кўрсаткич жуда муболаҒа экани аниқ, чунки ўзи жангга кирган мусулмонлар сони 50 минг эди, холос. Жангнинг ўнинчи кун мусулмонлар жанубга чекинди. Ўн биринчи кун насронийлар жангни давом эттирмоқчи бўлганларида мусулмонлар кўринмади, шунда насронийлар улар ташлаб кетган катта миқдордаги Ғаниматларга эга бўлдилар. Шунга Қарамай, Чарльз Мартел мусулмонларни таъқиб қилмади.¹

Муаррих профессор Абдурраҳмон ал-Ҳажжий юқорида зикри ўтган Ғаниматлар, араблар билан барбарлар орасидаги ихтилофлар ҳақидаги Ғарб тарихшуносларининг фикрини рад қилиб, шундай дейди: “Ғаниматлар ҳақидаги ривоятлар асли бўлмаган афсонадир”². У қуйидаги баҳсларни келтиради: “Ғарб ривоятларида келишича, мусулмон аскарлар ўрнатилган чодирларни ва Ғаниматларни ташлаб кетишади”³. Абдурраҳмон Ғофиқий ўлдирилгандан кейин вазият кескинлашди ва мусулмонлар насронийларнинг кўзини шамҒалат қилиш мақсадида чодирларини асл Ҳолида, яъни ўрнатилган Ҳолида ташлаб,

¹ Ёусайн Муънис «Ғажрул Андалус» (229-бет).

² Ал-Ғажжий «Тарихул андалус» (197-бет).

³ Muslim colonies, 52 (Тариху Ғазавот, 132).

ортга чекиндилар ва насронийлар уларнинг жанг майдонини тарк қилганларидан эртаси куни тонгдагина хабар топадилар. Бу Ҳодиса Ғарб тарихшунослари даъво қилаётган мусулмонларнинг мағлубияти ва уларнинг сафида катта сондаги йўқотиш юз бермаганлигини кўрсатади. Балки мусулмонлар очиқ мағлубият юз бермасдан олдин жанг майдонини тарк қилганига ишора қилади. Европаликлар эса, бу жангни Европани асраб қолган катта тўсиқ бўлган, деб эътибор қиладилар.¹

Шунингдек, мусулмонлар катта жанг бўлишини билган Ҳолларида улкан Ғаниматларни ўзлари билан олиб юриши мантиққа тўғри келмайди. Биринчидан, улар катта Ғаниматларни ўзлари билан кўтариб юрмасдан қўл остидаги шаҳарларда қолдириб кетганлари мантиқийдир. Иккинчидан, Балат жангидан олдин фатҳ қилинган минтақаларда табиий бойликлари бўлмаслиги билан бирга халқлари ҳам қашшоқ эди”^{2,3} Иқтибос тугади.

Лекин инсон инсонлигича қолади, бу умматга синов қилиб берилган хатарли фитналарнинг энг каттаси дунёдир. Андалусга, сўнгра Францияга Исломни олиб борган фотиҳлар ҳам Ғаниматлар билан фитналанган бўлишлари эҳтимоли йўқ эмас. Бу ўринда профессор АбдулҲалим Увайснинг фикрларини келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ, деб биламан. У киши “Балат аш-шуҳадо” жангидаги мағлубиятнинг асосий сабабини Ғаниматлар эканини

¹ Ал-Ҷажжий «Тарихул андалус» (198-бет).

² «Ал-авамил ас-сўғийя вал-таъбавийя» (5/125).

³ Ал-Ҷажжий «Тарихул андалус» (198-бет).

таъкидлаб ўтади: «Тарихимиздаги Ғаниматлар Ҳодисаси Ғаройиб бўлиб, зиммамизга юкланган дарс унданда каттароқдир. Илк мағлубиятимиз, яъни Уҳуд кунидаги мағлубият Ғаниматлар сабабидан бўлди. Фатҳлардан кейинги мағлубият ҳам, яъни “Балат аш-шухадо”да ҳам Ғаниматлар сабабли бўлди. Ғаниматлар қиссаси тарихимиздаги мағлубият қиссасидир. Илк жангда бошлиқ Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам эдилар. Ўқчи камончилар Расулulloҳнинг амрларига хилоф қилиб, Ғаниматлар ордидан кетиб қолиши оқибатида улкан тоғ (Уҳуд) муслмонларнинг афзалларидан 70 кишининг шаҳодатига гувоҳ бўлди. Бу фожиа Ғаниматлар сабабли бўлганди, Ҳа, Ғаниматлар сабабли!

Охири жангда, яъни “Балат аш-шухадо” жангида Пиреней тоғларидан ошиб, Францияни фатҳ қилишга бел боғлаган ва Европанинг қалбига кириб борган муслмон саркарда Абдурраҳмон Ғофиқий эди. Ғофиқий тарихдаги ҳал қилувчи рол ўйнаган “Балат аш-шухадо” майдонида шаҳид бўлди. Шу билан муслмонларнинг Европани фатҳ қилиш орзулари чиппакка чиқди ва шу тариқа уларнинг саҳифалари ёпилди. Бу ҳам айни сабаб — Ғаниматлар сабабидан юзага келган эди”.¹ Иқтибос тугади.

Оллоҳ таоло Карим Китобида марҳамат қилади: **«Бас, Ҳаргиз сизларни Ҳаёти дунё алдаб қўймасин! Ва Ҳаргиз**

¹ АбдулҒалим Увайс «Диросату лисуўти саласийна давлатин ислабийятин» (7, 8-бет).

сизларни Оллоҳ (барча гуноҳларни кечиб юбораверади, деб) **алдагувчи** (шайтон) **алдаб қўймасин!**».¹

Ўша кунларда муслмонларни Андалус ярим ороли ва Франция ерларини эгаллаганлари мафрурлантириб қўйди ва дунё устида мусобақалашдилар. Улар ўшанда мол-дунё билан синалдилар. Имом Бухорий ва Муслим, Амр ибн Авф Ал-Ансорий разияллоҳу анҳудан ривоят қилишади: Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳга қасамки, мен сизлар учун фақирликдан қўрқмайман. Мен дунё сизга сиздан олдингиларга бўлганидек сероб бўлишидан, сиз ҳам улар унинг учун талашганларидек, талашиб кетишингиздан ва дунё уларни ҳалок қилганидек, сизни ҳам ҳалок қилишидан қўрқаман», дедилар.²

Муслмонларга дунё эшиклари очилиб, олдинги умматлар каби дунё устида мусобақалашиб кетсалар, улар ҳам ҳалокатга учрашлари аниқ. Бу Оллоҳнинг халқлар устидан жорий қилган қонунидир,

«Бас, сиз ҳаргиз Оллоҳ суннати-қонунининг ўзгарганини кўрмассиз ва ҳаргиз Оллоҳ суннатининг (бошқа ҳолатга) айланганини кўрмассиз»³.

Хуллас калом, европаликлар бу жангнинг аҳамиятини баён қилишга жуда иштиёқманд бўлдилар. Улардан баъзилари: «Агар бу жангда муслмонлар ғолиб бўлганларида, ҳозир ғарб университетларида Қуръони

¹ Фотир: 5.

² Бухорий (3739, 5974) ва Муслим (5266) ривоятлари.

³ Фотир: 43.

Карим тиловат қилиниб, дарс қилинаётганига гувоҳ бўлардик!», дейишди¹. Яъни Европа мусулмонлар ҳукмига кирган бўларди, дейишди. Агар шундай бўлганда улар учун ютуқ бўлар, ширк ва куфр ботқоғидан нурга чиққан, Ислом тамаддунидан баҳраманд бўлган бўлардилар. Шу тариқа ўрта асрлардаги гумроҳликларидан тезроқ қутулган, Ислом ҳукм сурган вақтда Андалусдаги тараққиёт, ривожланиш, юксалиш уларга ҳам насиб қилган бўларди.² Лекин афсуслар бўлсинки, улар гумроҳликни саодат, залолатни нажот, сохталикни ҳақиқат, деб эътибор қиладилар. Яна баъзилари: «Бу жанг — буюк Ғалаба ва Франция давлатининг мусулмонлар хатаридан халос бўлиши», деб таърифлайдилар³.

Жанг майдонига қайтсак, мусулмонлар ортга чекинди, лекин насронийлар мусулмонларнинг жанг майдонини тарк қилганларини эртаси кун тонгда билдилар. Улар мусулмонлар ортидан таъқиб қилмадилар, биринчидан, мусулмонлар анча узоқлашиб кетган бўлса, иккинчидан, насронийлар уларнинг ортидан таъқиб қилишдан ҳайиқишди, чунки Андалус мусулмонлар ҳукмида эди. Шу сабабли насронийлар мусулмонлардан қолган Ғаниматларга кифояландилар, холос.

¹ The decline and fall of the Roman empire, Gibbon, III, 223.

² «Ал-Ҳазаротул исламия фил-андалус» (25).

³ «Тариху Уврубба» (1/78).

“Балатуш-шухадо” жангидан сўнг

“Балатуш-шухадо” жангида мусулмон аскар мағлуб бўлиб, амирлари Абдурраҳмон Ғофиқий шаҳид бўлгандан сўнг, мусулмон аскар орқага чекинди. Бу минтақаларда ҳарбий юришлар тўхтади. Ушбу мағлубиятдан кейинги ҳодисаларга ўтишдан олдин эътиборга лойиқ баъзи масалаларга тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Биринчи: Нима учун Андалус халқи юртларига бостириб келган мусулмонларга қарши бош кўтармади, қўзғолон қилмади? Ҳолбуки, Андалусга кирган мусулмонлар 30 минг атрофида эди. Ториқ ибн Зиёднинг аскарлари 12 минг бўлиб ¹, улардан 3 мингги Барбат водийсидаги жангга қурбон бўлган эди. Сўнгра Толедо шаҳрига боргунча урушларда яна 3 минг йўқотиш бўлган, 6 минг қолган, кейин Мусо ибн Нусайр билан келган аскар сони 18 минг бўлиб, ² Андалус ўлкасида жами 24 минг мусулмон аскар мавжуд эди. Сўнгра шу 24 минг мусулмон аскар ҳарбий амалиётлар бажариш асносида Андалус вилоятларига ва Пиреней тоғи ортига тақсимланиб кетди. Яъни саноғи минтақа аҳолисига қараганда жуда оз бўлган, у ҳам етмагандай ҳар тарафга тарқалиб кетган аскар, ўртага олиб янчиб ташланиши мумкин бўлган ҳолатда эди. Лекин нима учун андалусликлар уларга қаршилиқ қилмади?

Бу ҳақиқатан ҳам ажабланарли савол. Бу саволга жавоб беришдан олдин, ўтган кунларни ёдга олишимиз

¹ «Ахбару мажмуъа» (17-бет), Ибн Изарий «Ал-баян ал-муъриб» (2/6), Ал-Маъаррий «Нафъут-тийб» (1/254).

² «Ахбару мажмуъа» (24-бет).

лозим. Андалусга Ислом кириб келишидан илгари бу халқлар зулм, истибдод, мурасасизлик, танг бир аҳволда бўлиб, Ҳокимлар оддий халқни қора ишчи, ҳатто қул қилиб олган, деҳқонлар меҳнат қилиб, тер тўкиб экин етиштирар, ҳузурини зодагонлар кўрар эди. Шундай экан, халқ нима учун ва нима сабабдан қўзғолон қилсин?! Яна олдинги ҳолатларига қайтиш учунми? Ёки ўша золим Ҳокимларни тарафини олиш учунми? Ёда яна меҳнат қилган бошқа, ҳузурини кўрган бошқа бўлган “ўрмон қонуни” ҳукм сурган жамиятларини қайта тиклаш учун бош кўтарадими?! Ваҳоланки, Ислом келиб, уларнинг ҳуқуқлари қайтариб берилган, зулму истибдодга чек қўйилиб, Ҳокиму маҳкум, мусулмону Файримусулмон Қози олдида бир хил манзилатга қўйилган эди. Яъни Ислом дини бу мазлум халқларнинг халоскори бўлган эди. Улар Ислом динини билган онлари уни маҳкам ушлаб, ардоқлай бошладилар.

Иккинчи: Андалус халқининг ҳаммаси Исломдан таъсирландими? Улар орасида бир киши бўлса ҳам салтанат суриш ёки илгариги ҳукумат ҳукмрон бўлиши ёки шахсий манфаатини истаганлар йўқмиди?

Ҳа, албатта. Халқ орасида эски тузум тарафдорлари бўлган бойлар, зодагонлар ва ер эгалари анча-мунча бор эди. Улар мамлакатда Ислом ҳукми жорий бўлишини истамасдилар. Шундай экан, уларни бош кўтаришдан тўсган нарса нима эди? Бу ҳолатни қуйидаги ояти карима замирида баён қиламиз:

«(Эй мўминлар), **аниқки, сизлар** (уларнинг) **қалбларида Оллоҳдан кўра кўрқинчлироқдирсизлар. Бунга**

сабаб, улар (Оллоҳнинг қудратини) англамайдиган қавм эканликларидир».¹

Мусулмонлар фатҳ қилиб келган замонда Оллоҳ мўминларга қудрат, иззат ва ҳайбат берган, бунинг натижаси ўлароқ насронийлар, яҳудийлар ва мушриклар қалбига қўрқув жо бўлган эди. Ўшанда мусулмонлар ҳайбати яқину узоқдаги яҳудий, насроний, мушрикларни ларзага солган эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«Бир ойлик масофадан (душманларим қалбига тушажак) қўрқув билан нусратландим»², деб хабар берганлар.

Яна Оллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

«Бас, Оллоҳ(нинг азоби) улар ҳисобга олмаган томондан келди ва дилларига қўрқинч солди»³

«Мен кофир бўлган кимсаларнинг дилларига қўрқув солажакман»⁴.

Бу қўрқув жангдаги бешафқатлилик ёки куч-қувват ёки жангчилар саноғининг кўплиги сабаб эмас, балки бу Оллоҳнинг қўшини ва Унинг дўстларига инъом қилинган раббоний неъматдир. Исломиёй урушлар доимо барча одамларга раҳм-шафқатдан бошқача кўринишда бўлмаган. Бу Пайғамбаримизнинг қўйидаги сўзларида яққол намоён

¹ ʔашр: 13.

² Бухорий: 2977.

³ ʔашр: 2.

⁴ Анфол: 12.

бўлади, Сулаймон ибн Бурайда отаси (Бурайда ал-Асламий) разияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

“Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам бирон лашкар ёки кичикроқ гуруҳга амир тайинласалар, уни Оллоҳдан тақво қилишга ва қўли остидаги мусулмонларга яхшилик қилишга буюрардилар, сўнг айтардилар:

«Оллоҳнинг исми билан Унинг йўлида жанг қилинглар! Оллоҳга кофир бўлган кимсаларга қарши урушинглар! Жанг қилинглар, лекин хиёнат қилманглар, (ўлжалардан тақсимланмай туриб) билдирмай олманглар, мусла қилманглар (яъни қулоқ-бурун каби аъзоларни кесманглар) ва ёш болани ўлдирманглар!»¹ Бошқа ривоятда: «Ёши улуф кекса, ёш бола ва аёл кишини ўлдирманглар!», деганлар.²

Кофирлар қалбига тушган бу қўрқув нафақат мусулмонлар, ҳатто кофирлар учун ҳам раҳматдир,

«Оллоҳ сизларни динларингиз тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз диёрларингиздан ҳайдаб чиқармаган кимсалардан — уларга яхшилик қилишларингиздан ва уларга адолатли бўлишларингиздан қайтармас. Албатта, Оллоҳ адолат қилгувчиларни севар».³

Яҳудий ва насронийларнинг ибодатхоналари ўзларига берилди, улар билан мусулмонлар Қози Ҳузурда

¹ Муслим ривояти, жиҳод ва сайр китоби (1731).

² Абу Довуд ривояти (2614).

³ Мумтаъана: 8.

тенг ҳуқуқли бўлдилар. Шунда ҳам уларнинг Ислоҳ ҳуқуқига рози бўлмастиклари жуда ажабланарлидир.

Учинчи: “Балатуш-шуҳадо” кундаги мағлубият сабаблари ҳақида савол ўртага ташланади: Андалус фотиҳлари Оллоҳ розилиги учун ўшал минтақаларга борган, камига саодат асри замонда бўлсалар, яъни улар тобеин ёки табаъ тобеиндан бўлсалар-у, қандай қилиб Ғаниматларга, яъни дунёга фитнеландилар? Шунингдек, улар ўртасида миллатчилик, унсурий қабилапарастлик юзага келганини қандай изоҳлаш мумкин?

Саволнинг биринчи қисмидан бошласак, улар ўртасида Ғанимат устидаги фитна 114ҳ./732м. йилда юз берган бўлса, бундай жараён 3ҳ./625м. санада ҳатто Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари ўртасида кузатилган эди. Уҳуд кунда бўлган бу ҳодиса ҳақида Оллоҳ таоло шундай деган:

«(Ўша кунда) **Орангизда дунё истаган кишилар ҳам, охират истаган кишилар ҳам бор эди**».¹

Гўё Уҳуд воқеаси “Балатуш-шуҳадо” кунини такрорланган эди. Уҳуд кунда тоғ устида туриб, вазиятни кузатиб туриш вазифаси юкланган камонкаш саҳобалар мушриклар устидан Ғалабага эришдик, дея Ғаниматлар ортидан кетиб, Расулulloҳнинг буйруқларига хилоф қилган эдилар. Натижада Ғалабага эришиб турган ҳолатларида мағлубиятга юз тутдилар. Абдуллоҳ ибн Масъуд бу ҳақда

¹ Оли Имрон: 152.

шундай дейди: «Мен орамизда дунёни истаганлар бўлмаса керак, деб ўйлагандим, Ҳатто ушбу оят нозил бўлди:

«Орангизда дунё истаган кишилар Ҳам, охираат истаган кишилар Ҳам бор эди».¹

“Балатуш-шуҲадо” куни жанг тўққиз кун узлуксиз давом этди, муслмонлар сабр-матонат билан собитқадам турдилар, бироқ насронийлардан бир гуруҳи Ҳаниматларига яқинлашганини кўрган муслмонлар Ҳанимат сари ортга қайтишлари оқибатида маҲлубиятга юз тутдилар.

Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ **«Орангизда дунё истаган кишилар Ҳам, охираат истаган кишилар Ҳам бор эди. Сўнгра сизларни имтиҳон қилиш учун уларни (устидан Ҳалаба қилиш ўрнига маҲлубият томонга) буриб юборди. Энди гуноҳларингизни афв қилди. Оллоҳиймон эгаларига фазлу марҳамат соҳиби бўлган зотдир»**², ояти карима тафсирида шундай дейди: **«Энди гуноҳларингизни афв қилди»**, яъни Оллоҳ бу жангда сизларни бутунлай йўқ қилмади ва янгидан оёққа туришларингизга фурсат берди».³

Уҳуд кунидан Ҳам бироз олдинга — Бадр Ҳазотига қайтайлик, Ҳатто ўша кунда Ҳам нусратга эришган саҳобалар ўртасида “Балатуш-шуҲадо” кунда содир бўлган Ҳанимат масаласининг баъзи кўринишлари юз бергандики, Оллоҳ таоло уни Ўзининг Карим Китобида зикр қилди:

¹ Табарий «Жомиъул баён» (7/294), Ибн Касир «Тафсирул Ҷуръанил азийм» (2/136).

² Оли Имрон: 152.

³ Ибн Касир «Тафсирул Ҷуръанил азийм» (2/133).

«(Эй Мухаммад), Сиздан ўлжалар ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Ўлжалар Оллоҳ ва пайғамбарникидир. Бас, Оллоҳдан қўрқингиз ва ўз ораларингизни ўнгангиз! Агар мўмин бўлсангизлар, Оллоҳ ва Унинг пайғамбарига бўйсунингиз!»¹

Бу оят саҳобаларга қаратилган бўлсада, бу иш содир бўлиши тайин бўлган ва одамзот нафсига табиат қилингандир.

Булардан кўринадики, “Балатуш-шухадо” куни содир бўлган ғанимат масаласи янгилик эмас экан, балки бу одамзот нуқсонларидан ҳисобланганидан, ҳатто пайғамбарлардан кейинги ўринни тутган саҳобалар орасида ҳам юз берган экан. Лекин бу икки ҳодиса, яъни Уҳуд билан “Балатуш-шухадо” орасида ўхшашлик бўлганидек, баъзи фарқ ҳам бор. Уҳуд жангидан кейин Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам зудлик билан аҳволни ўнгладилар, мусулмонларни Оллоҳ йўлида курашишга қизиқтириб, охиратни эслатдилар, сўнгра улар мушрикларнинг ортидан тушиб, «Ҳамро ал-Асад» деган жойга келдилар ² . Мусулмонларнинг ортларидан таъқиб қилиб келаётганидан хабар топган мушриклар жанг қилиш эмас, тезроқ Макка сари қочиб қолишни лозим кўрдилар. Мусулмонлар уч кун ўша минтақада қолиб, сўнгра Ғолиб, Ҳайбату эътиборларини қайтариб олган ҳолатда Мадинага қайтган эдилар. “Балатуш-шухадо” жангида эса, маълум вақт ўтгандан

¹ Анфол: 1.

² Ибн Абдул Бар ʼуртубий «Ад-дурор фи ихтисорил маʼозии вас-сайр» (1/167), Ибн Касир «Сийратун набавия» (4/52).

кейингина Уқба ибн Ҳажжож исмли саркарда мусулмонларни жангга қизиқтириб, шижоатлантирди, лекин бевосита “Балатуш-шухадо” жангидан кейин «Ҳамро ал-Асад» Ғазотидек мусулмонларга ўзларига бўлган ишончни, ҳайбату эътиборни қайтариб берган юриш (Ғазот) содир бўлмади. Шунингдек, Балатуш-шухадода мусулмон аскарнинг катта қисми дунёга бўлган муҳаббати ва қизиқишларидан қайтмадилар, Уҳуд кунда эса, саҳобалар хатоларини англаганлари заҳоти Оллоҳга қайтган эдилар.

“Балатуш-шухадо” жангини Уҳуд жангига жуда ўхшаш томонларидан яна бири — Пайғамбаримизнинг ўлдирилгани ҳақидаги сохта хабарнинг тарқалиши билан мусулмонлар энгила бошладилар ва ортга чекиндилар¹. “Балатуш-шухадо” жангида ҳам Абдурраҳмон Ғофиқий ўлдирилгандан кейин мусулмонлар мағлубият сари юз тутиб, ортга чекиндилар. Тарихдаги ҳодисаларнинг ўхшашлиги ва такрорида биз учун улкан ибрат ва мавъизалар бор...

Юқоридаги саволнинг иккинчи қисми бўлган миллатчилик ва ирқчилик масаласига келсак, бу масала Расулulloҳ даврларида ҳам содир бўлган эди. Бу қусур ҳам одамзот нафсига табиат қилиб берилган, лекин Яратувчисига қайтиб, Уни таниган нафс билан, гумроҳлигида улоқиб юрган нафс орасида катта фарқ бор. Бу ўринда Абу Зарр билан Билол ибн Рабоҳ разияллоҳу анҳумо орасидаги машҳур воқеани зикр қилиш муносиб бўлса керак. Абу Зарр Ғифорий оқтанли, Билол ибн Рабоҳ эса қоратанли ҳабаш эди. Ҳар

¹ Ибн Касир «Сийратун набавия» (1/158).

иккаласи Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга саҳоба эдилар. Бир куни улар ўртасида гап қочиб, низо чиқди ва жанжал кескин тус олди. Шунда Абу Зарр Билолни: «Эй қора хотиннинг боласи», деб ҳақорат қилди. Билол Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига Ғазабнок ҳолатда бориб, бўлган гапни айтиб берди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қаттиқ Ғазабландилар ва Абу Заррга қараб: «Эй Абу Зарр, уни онаси билан ҳақорат қилдингми?! Сен жоҳилият (феъл-атвори) бор киши экансан! Сизларнинг қулларингиз биродарларингиздир — Оллоҳ уларни сизнинг қўл остингизда қилиб қўйган. Кимнинг қўли остида (хизматчи, ёки қул) биродари бўлса, унга ўзи ейдиган таомдан едирсин, ўзи киядиган кийимлардан кийинтирсин. Ҳамда уларга оғир келадиган ишларни буюрманг. Бордию, буюришга тўғри келиб қолса, ўзларинг ҳам ёрдам беринглар», дедилар¹.

Миллатчилик, ирқчиликнинг қанчалар хунук ва катта гуноҳлигидан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам қаттиқ Ғазабландилар. Абу Зарр катта хатога йўл қўйганини қалби билан чуқур ҳис қилароқ айтган гапига пушаймон бўлиб, йиғлади. Қаранг, бу пушаймонлик Абу Заррни неқадар юқори чўққиларга кўтарди! У юзини ерга қўйиб, қасам ичиб, Билолдан юзини оёғи билан босишини ёлворди. Билолнинг бунга жавоби бундан ҳам олийжаноброқ бўлди, у Абу Заррни ҳақиқий маънода кечириб, унинг юзини босишдан бош тортди. Пайғамбарона тарбия натижаси ўлароқ миллатчилик уруғи тағ-тўби билан янчиб ташланди.

¹ Бухорий ривояти, иймон китоби (1661).

Худди шунга ўхшаш ҳодиса Авс ва Ҳазраж қабилалари орасида ҳам юз берди. Шос ибн Қайс исмли яҳудий улар ўртасида фитна уясини қўзғаб қўйди. Шунда иккала тараф ҳам Ғазаб отига минди, жанжал қилич ялонғочлаш даражасига бориб етди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламга бу воқеанинг хабари етгач, муҳожирлардан бўлган асҳоблари ҳамроҳлигида уларнинг ёнига чиқиб бордилар. Тўпланиб туришган жойга етиб боргач: «Эй мусулмонлар жамоаси! Оллоҳдан қўрқсангиз бўлмайдими?! Мен ҳали орангизда бўлатуриб, сизлар жоҳилият чақириқларига чорлайсизми?! Оллоҳ сизларни Исломга ҳидоятлаб қўйганидан ва у билан сизларни мукаррам қилганидан, у сабабли сизлардан барча жоҳилият ишларини ўзиб ташлаганидан, сизларни куфрдан қутқариб, дилларингизни бир-бирига ошно қилганидан сўнг-а?!», дедилар.

Шундагина қавм ўзларига келдилар, ўзларини шайтоннинг тўрига илашиб қолганликларини ва душман макрига алданиб қолганликларини англаб етдилар, йиғлаб, иккала қабила аъзолари қучоқлашиб, бир-бирларидан кечирим сўрадилар. Сўнгра Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам билан бирга ортларига қайтдилар. Шундай қилиб, Оллоҳнинг душмани бўлмиш яҳудий Шос ибн Қайснинг макр оловини Оллоҳнинг ўзи ўчирди.¹

Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи ва саллам вафотидан кейин одамлар Мусайлима каззоб атрофида ўраллашиб, кўпайиб қолди. Мусайлиманинг издошларидан

¹ Бухорий, тафсир китоби, мунофиқун сураси боби (4624), Муслим (2584), Ибн ʻИшом: 1/555, 556.

бир кишидан Муҳаммаднинг ростгўйлиги ва Мусайлиманинг эса ёлғончи-каззоб эканлигини биласанми?, дея сўралганда, “Оллоҳга Қасамки, Муҳаммаднинг ростгўйлиги-ю, Мусайлиманинг каззоблигини биламан, лекин Бани Робиадан бўлган каззоб (Мусайлимани назарда тутди), Музорнинг ростгўйига Қараганда мен учун суюклироқ, дея жавоб қилди”¹. Бу кишининг қалбини қабилапарастлик илллати чулғаб олган ва унда хардалнинг уруғича иймони йўқ эди. Агар ўшанча миқдор иймони бўлганда эди, бу сўзларни айтмаган бўларди.

Миллатчилик, ирқчилик Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларидан бор эди, лекин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дарҳол бу иллатни йўқотишга ҳаракат қилиб, иймонга, исломга, исломий ухувватга чақирдилар, охиратни эслатдилар.

«Ва (Қуръон билан) панд-насиҳат қилинг! Зеро, у панд-насиҳатлар мўминларга нафъ етказур».² Шунда саҳобалар бу иллатдан узоқ бўлиб, унга такрор қайтмадилар. Улар Пайғамбаримизнинг эслатмаларидан ва Оллоҳ таолонинг ушбу сўзларидан панд-насиҳат олгандилар:

«Бас қачон сур чалинганида ана у кунда уларнинг ўрталарида ҳеч қандай насл-насаб қолмас ва улар бир-бирлари билан савол-жавоб ҳам қила олмаслар. Энди кимнинг (яхшилик) мезонлари (ёмонлик-гуноҳларидан)

¹ Табарий «Тарихул умам вал-мүлүк» (2/277), Ибн Касир «Ал-бидаяту ван-ниҳоя» (6/360).

² Зориёт: 55.

оғир келса, бас, ана ўшалар нажот топгувчидирлар. Кимнинг мезонлари енгил бўлса (яъни ёмонликлари яхши амалларини босиб кетса), бас ана ўшалар ўзларига зиён қилибдилар. Улар жаҳаннамда мангу қолгувчидирлар».¹

Уқба ибн Ҳажжож Салулий волийлиги (116–121 ёки 123 ҳ.с.²)

Африка волийси Убайдуллоҳ ибн Ҳабҳаб Андалусга Уқба инб Ҳажжож Салулий исмли арбобни волий қилди. У 734 йил ноябр (Ҳижрий 116 йил шаввол) ойдан фаолиятни бошлади ва беш йил давомида Андалусни аъло суратда бошқарди³. У салафлари Самҳ, Анбаса, Ғофиқий сингари тақводор, художўй, довюррак, адолатпарвар, ҳақиқий мужоҳид инсон эди. Уқба ибн Ҳажжожга Африка ёки Андалусга волий бўлиш ихтиёри берилганда, у Андалусни танлаган эди.⁴

Муаррихларимиз унинг сийратида қуйидагиларни айтганлар:

Ибн Изарий айтади: «Уқба Андалусда гўзал ва мақтовга лойиқ тарзда Ҳаёт кечирди, унда адолатни барпо қилди».⁵

¹ Муъминун: 101–103.

² «Ахбару мажмуъа» (33, 34-бет), Ибн Изарий «Ал-баян ал-муъриб» (2/29, 30), Ал-Маъаррий «Нафъут-тийб» (1/236).

³ Ал-Ғажжий «Тарихул андалус» (204-бет).

⁴ «Ахбару мажмуъа» (33-бет).

⁵ Ибн Изарий «Ал-баян ал-муъриб» (2/29).

Мақаррий айтади: «Уқба ибн Ҳажжож Салулий Убайдуллоҳ ибн Ҳабҳаб томонидан волий қилинди. Сўнгра у беш йил мобайнида мақтовга арзигулик ва музаффар мужоҳид ҳолатда истиқомат қилди».¹

Уқбанинг фатҳлари

Уқба ибн Ҳажжож Франциянинг еттидан ортиқ минтақаларига юришлар қилди. Ҳатто Франция ерларида Ислоннинг шавкатини ва мусулмонларнинг ҳайбатини юксалтирди. У урушларда қўлга олинган асирлар олдига шахсан ўзи келиб, уларга Ислондан таълим берарди. Ривоятларда зикр қилинишича, унинг саъй-ҳаракатлари натижасида Оллоҳ таоло мингта асирни унинг қўли билан Ислонга ҳидоятлаб қўйди².

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Оллоҳга қасамки, Оллоҳ таоло сен сабабли бир кишини ҳидоят қилмоғи қизил туяга соҳиб бўлишингдан ҳам яхшироқдир»³. Бир кишининг ҳидоятига сабаб бўлишнинг савоби шунчалар улўф бўлса, энди минг кишига берилажак савобни бир тасаввур қилинг.

Уқба ибн Ҳажжож раҳимаҳуллоҳ бир қанча минтақаларда, хоссатан Франциянинг жануби ва шимоли-шарқида ҳарбий амалиётлар олиб борди. Жумладан,

¹ Ал-Мақаррий «Нафўут-тийб» (1/236).

² Ибн Изарий «Ал-баян ал-муъриб» (2/29), Ал-Мақаррий «Нафўут-тийб» (3/19).

³ Бухорий: 3498, Муслим: 2406.

Франциянинг жануби-шарқий, Ўрта денгизи атрофидаги Септимания вилояти, унинг пойтахти Нарбонна шаҳри ва шу минтақадаги Каркасон шаҳри¹; Септимания вилоятининг шимоли-шарқидаги Прованс минтақаси² ва Рона дарёси бўйидаги пойтахти Авиньон шаҳрини³; Прованс вилоятининг шимолидаги Бургундия минтақасини⁴; Лион минтақасининг шарқий ҳудудлари ва Сен-Поль-де-Варакс шаҳрини фатҳ қилди⁵. Ўша пайтлар мусулмонлар ҳатто Италиянинг шимолий минтақаси бўлган Пьемонт вилоятигача етиб бордилар⁶. Шунингдек, Уқба Салулий Андалусдаги олдин фатҳ қилинмаган минтақалар — Галисия вилоятининг шимоли-Ғарбий минтақаларига ҳам Ғарбий юришлар қилди. «Ахбару мажмуъа» китобида хабар берилишича, Уқба ибн Ҳажжож даврида Галисия вилоятида «Сахро» деган жойдан ташқари фатҳ қилинмаган бирорта қишлоқ қолмади.⁷

Уқба ибн Ҳажжож Каркасон шаҳри ёнидаги жанглarning бирида 741 йил январ (ҳижрий 123 йил сафар) ойида шаҳид бўлди, иншаоллоҳ⁸. Оллоҳ таоло шаҳодатини

¹ Ал-Ғажжий «Тарихул андалус» (204-бет).

² Прованс — Альпы — Лазурный Берег.

³ Ёусайн Муънис «Фажрул Андалус» (233-бет).

⁴ Ал-Ғажжий «Тарихул андалус» (204-бет), Ёусайн Муънис «Фажрул Андалус» (233-бет).

⁵ Шакиб Арслон «Ўазавотул араб» (105–106).

⁶ Ёусайн Муънис «Фажрул Андалус» (234-бет).

⁷ «Ахбару мажмуъа» (34-бет).

⁸ Заъабий «Ал-ийбар» (4/258), Ал-Маъаррий «Нафъут-тийб» (1/236, 3/19), Ибн Холдун «Тариху ибн холдун» (3/141). Ибн Изарий «Ал-баян ал-

Қабул қилсин. Шунга Қараганда, Уқба Франция ерларида маълум вақт Ҳарбий амалиётларни, фатҳларни амалга оширгандан сўнг, Андалусга қайтган ва у ерда ҳам маълум замон тургандан кейин, яна Пиреней тоғи ортига лашкар тортган ва ўша жойда шаҳид бўлган. Уқбанинг ўлими Андалусдаги волийлик даврининг биринчи босқичи, яъни қувватли босқичига якун ясаб, иккинчи босқичига дебоचा бўлди.

Волийлик даврининг иккинчи босқичи



Шу онгача Волийлик даврининг биринчи босқичи, яъни Қувватли босқичи билан танишдик. Ундан кейинги давр иккинчи босқич, яъни заифлик босқичи бўлиб, бу давр 123ҳ./741м. санадан бошланиб, 138ҳ./755м. санага довур давом этди.¹ Андалус тарихининг бу босқичи муслмонлар орасидаги миллатчилик, ирқчилик авжига чиқиши оқибатида мунтазам келишмовчиликлар, низолар ва жангу жадалларга гувоҳ бўлди. Мағриб²да хавориж тоифасининг қўзғолонлари, Андалусда Уқба ибн Ҳажжожнинг ўлими ва Абдулмалик ибн Қотон Фиҳрийнинг волий бўлиши билан ҳамоҳанг бўлди. Абдулмалик ибн Қотон Фиҳрий 123ҳ./742м. санада иккинчи маротаба Андалусга волий бўлди³. Унинг бу сафарги волийлигида Андалус ўлкаси қаттиқ изтиробга тушди, гўё кучли шамол булутларни бошқа-бошқа жойларга ҳайдаб кетгани мисоли, араблар ва барбарлар орасидаги миллатчилик, жанжал ва низо шамоли бу ўлкадан Исломни, муслмонлар ҳайбати ва қувватини учириб кетишига оз қолди. Воқеалар саҳнасига хавориж тоифаси чиқди, улар ҳаво танқислигидан авж ололмаётган чўғга гўё ҳаво бўлиб, ҳодисаларни аланга олди. Ҳукуматни ағдариш ҳаракатлари, қўзғолонлар авжига чиқди. Ҳуқуқлари поймол

¹ Сиржоний «Исисатул-Андалус» (118-бет).

² Марокко.

³ Ибн Изарий «Ал-баян ал-муғриб» (2/30), Ал-Мағаррий «Нафъут-тийб» (1/236). Бошқа ривоятларда айтилишича, Абдулмалик Фиҳрий Вижрий 121 санада волий бўлган, «Ахбару мажмуъа» (35-бет), Ибн Изарий «Ал-баян ал-муғриб» (1/53).

бўлаётган барбарлар, бу тоифанинг фикр ва дунёқарашларига мойил бўлдилар ҳамда шу орқали ўз ҳақларини Умавий волийларидан қайтариб олишга ҳаракат қилдилар.¹

Бу даврда содир бўлган муҳим ҳодисалар

Мазкур Ҳодисаларга назар солиб, шарқда Умавийлар давлатининг ва унинг замирида Ғарбда Андалусдаги волийлик даврининг якун топиши билан Ҳамоҳанг қуйидаги муҳим воқеаларни зикр қилишимиз мумкин:

1. Франция минтақасидаги мусулмонларга қаршли кўпгина жойлар қўлдан кетди².

2. Андалуснинг шимоли-Ғарбида, яъни Саҳро минтақасида Леон қироллиги ташкил топди³.

3. Андалус минтақаси Ислом хилофати — Умавийлар давлатидан батамом ажралди. Ўшанда Андалус волийси Юсуф ибн Абдуррахмон Фиҳрий эди⁴.

¹ Воџеа тафсилотлари учун Ёусайн Муънис «Фажрул Андалус» (170 – 173 - бет), Суџайл Тоџуш «Тарихул муслимийн фил андалус» (79 – 80 - бет) га џаранг.

² Воџеа тафсилотлари учун Ёусайн Муънис «Фажрул Андалус» (239–251-бет) га џаранг.

³ Воџеа тафсилотлари учун Ёусайн Муънис «Фажрул Андалус» (255–286-бет) га џаранг.

⁴ Ибн Изарий «Ал-баян ал-муџриб» (1/62).

4. Андалус бир-бирига қарама-қарши бўлган бир қанча гуруҳлар орасида ҳанг-манг бўлиб қолди. Бу гуруҳлар орасида тахт учун мунтазам урушлар содир бўлди.

5. Хавфли ўсма касали каби Ислом уммати ичида тез авж олиб, хунук асоратлар қолдирувчи, саҳиҳ Ислом манҳажидан насибаси бўлмаган хавориж тоифаси майдонга чиқди. Улар Шомдан Шимолий Африка ва Андалус диёрларига етиб келишди. Волийларнинг миллатчиликни қурол қилиб, зулм қилишларидан безган барбарлар хаворижларнинг фикрларига алданиб, бошлиқларга қарши исён қилишни бошладилар¹.

6. Мана шундай қалтис вазиятда ҳодисалар саҳнасига мудҳиш бир воқеа чиқиб келди, бу ҳодиса 750 (132 ҳижрий) йилда Умавийлар хилофати ағдарилиб, Аббосийлар хилофати қад ростлаши эди. Нафақат Умавийлар давлатини ағдариш, балки Бани Умайяни тамоман йўқотиш эди Бани Аббоснинг ўй-хаёли. Аббосийлар даҳшатли қон тўкишга бел боғлаб, Умавийларни қира бошлаган айни дамда Ислом давлатининг юзида хол мисоли чирой беришга бошлаган Андалус ярим ороли хилофатдан ажралиб, бутунлай унутилди.

Мазкур ҳодисаларга асосланган ҳолда тарихшунослар айтишадики, 755 (138 ҳижрий) йил Андалусда Ислом ҳукми сўна бошлади. Андалуснинг ислоҳи фақат илоҳий мўъжизага қараб қолди. Воқеилиқда Оллоҳ таоло мусулмонларга ўз фазли ва карамини эҳсон қилароқ

¹ «Ахбару мажмуъа» (42-бет), Ибн Изарий «Ал-баян ал-муъриб» (1/54).

бир мўъжизани рўёбга чиқарди. Бу мўъжиза 756 йил май (ҳижрий 138 йил зулҳижжа) ойида Андалус ерларига Абдурраҳмон ибн Муовия ибн Ҳишом ибн Абдулмалик Умавийнинг кириб келиши эди...

Иккинчи босқич таҳлили



Дунё муҳаббати

Волийлик даврининг иккинчи босқичи бошларида мусулмонларга дунё эшиклари очилиб, улкан Ғаниматлар қўлга кирди ва ПайҒамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам биз уммати учун қўрққан нарса юзага келди. Чунончи, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилиб: «Ўзимдан кейин дунё гўзаллигию, зеб-зийнатларини сизларга намоён қилмаса, деб қўрқаман», дегандилар¹. Ҳа, бу даврда дунё неъматлари мўл-кўл бўлди, мусулмонлар дунё билан фитналаниб, унга қандай шўнғиб кетганларини ўзлари ҳам билмай қолишди. Бу эса, ўз навбатида уларнинг иймонларига салбий таъсир кўрсатди.

Миллатчилик ва қабилапарастлик

Иймонлар таъсирчан бўлиб қолгани ортидан миллатчилик, қабилапарастлик кенг тарқалди. Андалус ўлкасида мусулмонлар сафида кучли парокандалик вужудга келди. Бу миллатчилик уруғи “Балатуш-шуҳадо” кунида қалбларга қадалиб, сўнгра тобора илдиз отиб кучайиб борди, араблар ва барбарлар орасидаги бўлиниш етмагандай, арабларнинг орасида ҳам тафриқаланиш юз берди. Музорликлар билан ҳижозликлар, аднонликлар (Ҳижоз аҳли) билан қоҳтонликлар (Яман аҳли), ҳатто ҳижозликларнинг ичида ҳам ўзаро бўлиниш авжига чиқиб,

¹ Бухорий (1396) ва Муслим (1052).

жангу-жадал юзага келди. Ҳижоз аҳлидан бўлган Фиҳрийлар ва Умавийлар, Бани Қайс ва Бани Саида ўртасида бўлиниш ва парокандалик келиб чиқди.¹

Золим волийлар

Инсонлар дунёга ҳирс қўйган, ораларида миллатчилик илллати илдиз отган айни замонда халқ устига золим волийлар келиб, давлатни қаҳр ва қилич билан бошқардилар. Мисол тариқасида Абдулмалик ибн Қотонни кўрсатиш мумкин, у золим, мустабид ҳоким эди².

Ибн Қотоннинг изидан 748 (130 ҳижрий) санада волий бўлган ва волийлик даври ниҳоясига етгунича, яъни 755 (138 ҳижрий) санагача Андалусда ҳукумат бошлиғи бўлган шахс Юсуф ибн Абдурраҳмон Фиҳрий эди³. Унинг даврида Андалусда янгидан-янги мағлубиятлар ва ички урушлар авжига чиқди⁴.

Оллоҳ йўлидаги курашни тарқ қилиш

Юқорида гўёинки мўъжиза деб баҳо берилган Андалус фатҳи, унинг ортидан Франция фатҳининг тафсилоти ўтди. Сўнгра, агар қалбларга ўрнашса,

¹ Воџеа тафсилотлари учун Ўсайн Муънис «Фажрул Андалус» (79–129, 183–203-бетлар) га џаранг.

² Ал-Маџаррий «Нафџут-тийб» (1/236, 3/19).

³ «Ахбару мажмуъа» (58-бет), Ибн Изарий «Ал-баян ал-муџриб» (2/35–38), Ал-Маџаррий «Нафџут-тийб» (1/238, 3/25).

⁴ Воџеа тафсилотлари учун Ибн Изарий «Ал-баян ал-муџриб» (2/38) га џаранг.

соҳибларини Ҳалокатга олиб борувчи дунё мусулмонлар Қалбига оралади, унинг ортидан унга Қардош, деб таъбир берсак янглиш бўлмайдиган миллатчилик, қабилапарастлик отлич иллат ўртага чиқди. Сўнгра тахт узра маҳкам ўрнашиб, ўша мол-мулкни кўпайтириш ва ўз Қабила аъзоларини мансабларга кўтариб, Қолганларга зулм эшигини очган волийлар келди. Бу волийларга норозилик билдириб, исёну ҚўзҒолонга бел боғлаган халқ Ҳам етишди. Буларнинг барчаси битта нарсага — Оллоҳ йўлидаги жиҳоднинг тўхташига олиб келди. Чунки инсон ўзи билан ўзи овора бўлса, дин ва халқ манфаатини кўролмайд қолади. Хуллас калом, Францияда исломий юришлар, Андалуснинг шимоли-Ғарбий минтақасида бош кўтариб келаётган насронийларга Қарши курашлар Ҳам тўхтади.

Андалус ва Франциядаги мусулмонларнинг бу аҳволлари натижаси ўлароқ уларнинг устида раббоний қоида, илоҳий қонун жорий бўлди. Қайси қавм Оллоҳ йўлидаги курашни тарк қилса, уларнинг устига хорлик ва хўрлик туширилади.

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган Ҳадисда шундай дейилади: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Агар ийна (рибо тури) билан савдосотиқ қилсангиз, сигирларнинг думини тутсангиз ва фақат экин-тикин билан машғул бўлиб, жиҳодни тарк қилсангиз, Оллоҳ таоло сизларга хорликни келтириб қўяди ва то

динингизга Қайтмагунларингизча, уни устингиздан кўтармайди», деганларини эшитганман».¹

Мағрибда хавориж фитнаси

Мағрибда хаворижлар бошчилигида катта фитна юзага келди. Хавориж тоифаси барбарлар орасига кириб, уларга эътиқодларини сингдиришга киришиб, ўз манҳажларини таълим беришга астойдил ҳаракат қилдилар. Волийлар зулмидан изтиробда турган барбарларнинг катта жамоаси уларга ижобат қилди ва волийлар ҳукмидан чиқиб, исён қила бошладилар. Бу исённинг каттаси Танжер ҳокими Умар ибн Абдуллоҳ Муродийга қарши Майсара МатФорий бошчилигида бўлди ва у Танжер ҳокимининг қатли билан якун топди. Сўнгра исёнчи хаворижлар Мағрибнинг жанубига Сус² минтақасига ёпирилиб, минтақа ҳокими Исмоил ибн Убайдуллоҳни ҳам қатл қилдилар³. Бу ҳодисаларнинг ҳаммаси Африка волийси Убайдуллоҳ ибн Ҳабҳаб даврида юз бераётган эди. У олов катталашмасидан олдин уни ўчиришга ҳаракат қилиб, қўшин ҳозирлаб тайёргарлик кўрди. Ибн Ҳабҳаб аскарига Холид ибн Хубайбни бош қилиб, исёнчиларни бостириш учун Мағрибга сафарбар қилди. 123/742 санада икки тараф — Холид ибн Хубайб бошчилигидаги араблардан иборат қўшин билан хавориж эътиқодига кирган исёнчи барбарлар орасида

¹ Абу Довуд (3462), Аъмад (4987) ривоятлари, Албоний «Ас-силсилатус-саъийа»да (11) саъийи санаган.

² Сус-Масса-Драа.

³ "Ахбару мажмуъа" (34, 35-бет), Ибн Изарий "Ал-баян ал-муъриб" (1/52), Ибн Абдулвакам "Футуъу Миср ва ахбарийа" (1/218).

шиддатли жанг бўлди. Жанг Шалиф¹ водийсида содир бўлиб, арабларнинг хунук мағлубияти билан якунланди. Холид ибн Хубайб дохил арабларнинг улуғлари, қўрбошилари ва баҳодирлари ўлдирилди, шунинг учун бу маърака “Ашроф (улуғлар) жанги”, дея тарих саҳифаларига битилди.²

Бу аянчли мағлубият хабари халифа Ҳишом ибн Абдулмаликка етиб борганда у қаттиқ Ғазабланди ва бу Ғазабини қуйидаги сўзлари ила ифодалади: "Оллоҳга қасамки, уларга арабчасига Ғазаб қилиб, шундай бир лашкар тортайинки, бу лашкарнинг боши уларнинг олдиларига етиб борганда охири менинг Ҳузуримда бўлсин!"³

Шундан сўнг халифа Ҳишом ибн Абдулмалик Африка волийси Убайдуллоҳ ибн Ҳабҳабни мансабидан олиб, ўз ҳузурига чорлади. Гулсум ибн Иёз Қушайрийга эса, Африка волийлигини топширди⁴. Халифа айтган гапини устидан чиқиш ва хаворижлардан ўч олиш учун Ҳижрий 123 сана жумодул-охир ойида⁵ Ибн Иёзни акасининг ўғли Балж ибн Бишр Қушайрий ҳамда Саълаба ибн Салома Омилий бошчилигидаги 30 минг аскарни Шомдан Мағриб сари

¹ Рус. Шелифф.

² Ибн АбдулҶакам "ФутуҶу Миср ва ахбариҶа" (1/218), Ибнул Асир "Ал-камил" (5/70), Ибн Холдун "Тарих ибн холдун" (6/110), Ибн Изарий "Ал-баян ал-муҶриб" (1/53).

³ Ибн Изарий "Ал-баян ал-муҶриб" (1/54).

⁴ Ибнул Асир "Ал-камил" (5/70), Ибн Холдун "Тарих ибн холдун" (6/111), Ал-МаҶаррий "НафҶут-тийб" (2/58). Баъзи ривоятларда Гулсум ибн Иёс Ҷайсий деб зикр Ҷилинган Ибн АбдулҶакам "ФутуҶу Миср ва ахбариҶа" (1/218, 219).

⁵ Милодий 741 йил май ойида.

сафарбар қилди¹. Аскар Шомдан МаҒриб сари кетаркан, Миср ва Тарабулусдан қўшимча кучлар қўшилиши натижасида аскар сони 70 мингга етди². Гулсум ибн Иёз Қушайрий бошчилигидаги араблардан иборат аскар билан Холид ибн Ҳамид Занатий бошлиқ барбарлардан ташкил топган аскар бир-бирига қарама-қарши келишди ва даҳшатли жанг содир бўлди. Лекин бу сафар ҳам барбарлар қўли баланд келди, араблар қаттиқ ёққан жала мисоли тез сўнди, бошқача таъбир билан айтганда, сўндирилди ва бошлиқлари Гулсум ибн Иёз Қушайрий, Хубайб ибн Абу Убайда қатл қилинди³. Шом аскарининг тирик қолган бир қисми Қайравонга чекинган бўлса, Балж ибн Бишр ва у билан бирга аскарнинг қилич тифидан омон қолган қисми жанг майдонидан чекиниб, Сеута шаҳрини ўзларига қўрғон тутишга муваффақ бўлган эдилар. Улар орасида Саълаба ибн Салома Жузамий ва Абдурраҳмон ибн Хубайблар ҳам бор эди⁴. Барбарлар Сеута шаҳрини қамал қилди. Бу ҳол ҳижрий 123 сананинг охирлари ёки 124 йилнинг бошларигача давом этди. Қамалда қолган Балж ибн Бишрга Дамашқдан ёрдам келмагандан сўнг, у Андалус волийси Абдулмалик ибн Қртондан мадад сўради, бироқ ундан ёрдам у ёқда турсин садо ҳам чиқмади!⁵. Бунга сабаб, бундан 60 сана олдин юз

¹ "Ахбару мажмуъа" (36-бет), Ибн Изарий "Ал-баян ал-муъриб" (1/54–55, 2/30), Ибн АбдулҶакам "Футуъу Миср ва ахбариъа" (1/219), Ал-Маъаррий "Нафъут-тийб" (3/20).

² Ал-Маъаррий "Нафъут-тийб" (2/58) Ибн Ҷаййондан наъл ғилган.

³ Ибн АбдулҶакам "Футуъу Миср ва ахбариъа" (1/220), Ибнул Асир "Алкамиль" (5/71). Шунингдек, Dozy: Hist. V. I. p. 245 га ғаранг.

⁴ Абдулло ғ Анан "Давлатул ислам фил Андалус" (1/120).

⁵ "Ахбару мажмуъа" (37–42 бет), Ибн Изарий "Ал-баян ал-муъриб" (1/55–56, 2/30), Ал-Маъаррий "Нафъут-тийб" (3/20–21).

берган "Ал-Ҳарроҳ" жангида Язид Мадинага лашкар тортган ва унинг аскарлари у ерда ақл бовар қилмайдиган даражада жиноятларга қўл урган, бу воқеаларнинг ҳаммасини Абдулмалик ибн Қртон ўз кўзлари билан кўрган эди. Ўша-ўша унинг қалбида шомликларга нисбатан чексиз адоват ҳисси пайдо бўлган эди. Бундан ташқари, у Балж ибн Бишрнинг салтанатга ҳавас қилиб қолишидан кўрқарди.¹

Халифа Ҳишом ибн Абдулмалик ҳижрий 124 рабиул-охир² ойда Миср волийси Ҳанзала ибн Сафвон Калбийни Африкага волий қилиб жўнатди.³

Андалусда хавориж фитниси

Хаворижларнинг ҳоқимларга бўлган адовати, душманчилиги ва исёнлари атроф муҳитга вабодек тарқалди. Уларнинг хуружлари Андалус диёригада етиб борди. Ҳа, Андалусда ҳам давлат тўнтариши бошланди. Хавориж тоифасига мансуб барбарлар Андалуснинг шимоли-ғарбий минтақаларида оёққа турди. Галисия, Асторга минтақалари, Кастилия, Леон шаҳарлари уларнинг қўлига ўтди. Бу минтақалардаги араблар ўлдирилди ва қувиб чиқарилди. Бир Сарагосада арабларга тақдир кулиб боққан ва исёнчи барбарлар устидан Ғалаба қозонган эдилар.⁴

Юқорида зикри ўтган минтақаларга тоза ерлашиб, ўрнашиб олган барбарлар катта шаҳарларга ҳужумга

¹ Абдулло Анан "Давлатул ислам фил Андалус" (1/123).

² Милодий 742 йил март.

³ Абдулло Анан "Давлатул ислам фил Андалус" (1/120).

⁴ "Ахбару мажмуъа" (42 бет).

Ўтдилар. Улар ўта маккорона ва заковат билан Андалус волийлигининг заиф нуқталарига уларни янада заифлаштириб, сўнгра қўлга олиш учун аскарни учга тақсим қилган Ҳолда Ҳамлага киришдилар:

- Эски пойтахт — Толедога;
- Андалус пойтахти — Қуртубага;
- Андалуснинг жанубий минтақаси — “Жазиратул-хазро”га йўл олди.

Барбарларнинг ҳужумини бартараф қилиш, уларни тўхтатиш Абдулмалик ибн Қотоннинг ақлини шоширди. Ҳолбуки, Абдулмалик бироз олдин бошига хавориж кулфати тушиб ёрдам сўраб келганларга қиё боқмаган эди, лекин тақдирни қарангки, ўзининг бошига ҳам айна кулфат келиб турибди! У нима қиларини билмай қолди, шомликларни жуда ёмон кўришига қарамай, охир-оқибат ёрдам қўлини чўзмай, кўкрагидан итариб ҳайдаб солган ўша шомлик — Балж ибн Бишрдан ёрдам сўрашга, унга кемалар йўллашга мажбур бўлди¹. Балж 10 минг² аскарини олиб, Андалусга кесиб ўтди ва Ибн Қотон унга икки ўғли — Умайя ва Қотонларни йўллади. Шомликлар ва Ибн Қотон ўғиллари аскарларидан иборат бирлашган қувват барбарларнинг учунчи гуруҳи, яъни “Жазиратул-хазро”га отланган бўлагини қарши олди. Бу жанг 741 йил сентябр (ҳижрий 113 йил зулқаъда ойи)да Сидония³ яқинида бўлиб ўтди ва араблар

¹ "Ахбару мажмуъа" (42–43 бет), Ибн Изарий "Ал-баян ал-муъриб" (2/30–31).

² Абдулло Анан "Давлатул ислам фил Андалус" (1/123).

³ Медина-Сидония.

жон-жаҳдлари билан жонларини Жабборга бериб жанг қилдилар, беназир мардлик кўрсатдилар, натижада жанг араблар фойдасига ҳал бўлди. Балж ибн Бишр, Умайя ва Қртон барбарларнинг учинчи гуруҳи билан курашаётган айна замонда Қуртубага отланган иккинчи гуруҳни Абдулмалик ибн Қртон қарши олди. Абдулмалик ибн Қртон бошчилигидаги араб қўшини барбарларнинг иккинчи гуруҳини янчиб ташлади, барбарлардан жуда озчилигигина жон сақлай олган, аксарияти эса қирилиб кетган эди. Барбарларнинг Толедога йўл олган биринчи гуруҳи Салит водийсида қарши олинди ва улар ҳам бартараф қилинди — бир қисми ўлдирилди, қолганлари бутун ўлка бўйлаб тақралиб кетди, шундан кейин улар қайта оёққа турулмади.¹

Шарқда Умавийлар хилофати ағдарилиши билан Андалусдаги волийлар даври ҳам ниҳоясига етди. Чунки хилофатга боғлиқ бўлгани учун волийлик деб аталар эди. Хилофат ағдарилгандан кейин, улар ўз-ўзидан бу номдан маҳрум бўлишди. Бундан кейин Андалусда қандай ҳодисалар юз бериши ҳақида иккинчи мавзумиз бўлган **“Андалусда Умавийлар давлати”** номли рисоламизда танишамиз, иншаоллоҳ...

¹ Воқеа тафсилотлари учун "Ахбару мажмуъа" (43–44 бет), Ибн Изарий "Ал-баян ал-муъриб" (2/31), Ўусайн Муънис "Фажрул Андалус" (174–176 бет), Суъайл Тоъуш "Тарихул муслимийн фил андалус" (86–87 бет)га қаранг. Шунингдек, Dozy: Hist. V. I. p. 163 га қаранг.

Андалус волийларининг рўйхати:

1. Торик ибн Зиёд (Мусо ибн Нусайрнинг мавлоси);
2. Мусо ибн Нусайр;
3. Абдулазиз ибн Мусо ибн Нусайр. Унинг пойтахти Ишбилияда эди;
4. Айюб ибн Хубайб Лахмий. Унинг пойтахти Қуртубада эди. Ундан кейин келган волийларнинг ҳаммаси Қуртубани пойтахт тутган;
5. Ал-Хур ибн Абдурраҳмон Сақофий;
6. Самҳ ибн Молик Хавлоний;
7. Абдурраҳмон ибн Абдуллоҳ Фофиқий;
8. Анбаса ибн Сўхайм Калбий;
9. Азро ибн Абдуллоҳ Фиҳрий;
10. Яҳё ибн Салама Калбий;
11. Усмон ибн Аби Насъа Хосъамий;
12. Ҳузайфа ибн Аҳвас Қайсий;
13. Ҳайсам ибн Адий Килобий;
14. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Ашжай;
15. Абдулмалик ибн Қртон Фиҳрий;
16. Балж ибн Бишр ибн Иёз Қушайрий;
17. Саълаба ибн Салома Омийий;
18. Абу Хаттор Ҳисом ибн Зирор Калбий;
19. Савоба ибн Салома Жузамий;
20. Юсуф ибн Абдурраҳмон Фиҳрий;¹

¹ Ал-Маъаррий "Нафъут-тийб" (1/298–299).

Мундарижа

Муқаддима	1
Тарих ҳақида қўлга Қалам олишимиз боиси	2
Нима сабабдан Андалус тарихи?	4
Қисқача Андалус ҳақида	9
Жўғрофик ўрни	9
«Андалус» деб номланиш сабаби	10
Андалус фатҳигача Европанинг аҳволи.....	11
Нима учун Андалус?	13
Бани Умайя тарихига чизгилар	16
Андалус фатҳидан олдин... ..	19
Мусо ибн Нусайр сийрати (19–97 ҳ.с./640–716 м.с.)	19
Жизя ҳақида.....	22
Мағриб фатҳи асносида йўл қўйилган хатолар	25
Андалус фатҳи — қадимги режа.....	27
Андалус фатҳи қийинчиликлари.....	29
Мусо ибн Нусайрнинг тадбири.....	31
Сеута муаммоси	34
Андалус сари одим	42
Машҳур «Барбате водийси» жанги.....	42
«Барбате водийси» жангининг натижалари	51
Кемалар ёндирилгани ҳақиқатми?.....	52
Ториқ ибн Зиёднинг навбатдаги қадами.....	57
Ишбилия, Эсиха ва бошқа шаҳарлар фатҳи.....	58

Мусо ибн Нусайр Андалусда	66
Мусо ибн Нусайрнинг юришлари	68
Абдулазиз ибн Мусонинг юришлари	71
Тудмир, Ишбилия ва бошқа шаҳарлар фатҳи.....	71
Икки қаҳрамон — Мусо ва Ториқнинг учрашуви.....	73
Сарагоса ва бошқа шаҳарлар фатҳи	75
Мусо ибн Нусайр ва Ториқ ибн Зиёднинг Дамашққа чақирилиши	79
Олийҳиммат инсон.....	81
Андалус фатҳи хусоласи	86
Волийлик даври	89
Самҳ ибн Молик Хавлоний даври (100–102 ҳ.с.)	89
Анбаса ибн Суҳайм даври (103–107 ҳ.с.).....	95
Абдурраҳмон Ғофиқий даври (113–114 ҳ.с.)	98
Балатуш-шуҳада жанги	99
“Балатуш-шуҳадо” жангидан сўнг	109
Уқба ибн Ҳажжож Салулий волийлиги (116–121 ёки 123 ҳ.с.)	120
Уқбанинг фатҳлари.....	121
Волийлик даврининг иккинчи босқичи	124
Бу даврда содир бўлган муҳим ҳодисалар	125
Иккинчи босқич таҳлили	128
Дунё муҳаббати.....	128
Миллатчилик ва қабилапарастлик.....	128
Золим волийлар	129
Оллоҳ йўлидаги курашни тарк қилиш.....	129

Мағрибда хавориж фитнаси	131
Андалусда хавориж фитнаси	134
Андалус волийларининг рўйхати	137
Мундарижа	138

